

Ск

402468



Забкнн

АЖАБ ЗАМОНА

ҒАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ ҚЎҚОН АДАБИЁТ МУЗЕЙИ

**ЗАВҚИЙ**

# **А Ж А Б    З А М О Н А**

*ШЕЪРЛАР*

«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА  
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ  
БОШ ТАХРИРИЯТИ  
ТОШКЕНТ – 2003



*Тўплаб нашрга тайёрловчи, сўзбоши, луғат ва изоҳлар муаллифлари:*

филология фанлари номзоди, республикада хизмат кўрсатган  
маданият ходими **АХМАДЖОН МАДАМИНОВ**.

филология фанлари номзоди  
**АБДУЛЛАТИФ ТУРДИАЛИЕВ**.

### **Завқий**

Ажаб замона: Шеърлар/Тўпловчилар: А. Мадамин-  
нов, А. Турдиалиев. – Т.: «Шарк», 2003. – 176 б.

Сарлавхада Ғ.Фулом номидаги Кўкон адабиёт му-  
зейи.

**ББК 84 Ўз 1—5**

## ХАЛҚПАРВАР ШОИР

Маълумки, XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошларидаги Қўқон адабий муҳити намояндаларининг ижоди халқимиз бадиий тафаккури ривожиди муҳим босқич бўлган. Муқимий, Фурқат, Писандий, Муҳаййир каби шоирларнинг лирик ва ҳажвий асарлари илмий ва адабий жамоатчиликка яхши таниш. Шулар орасида машҳур лирик ва ҳажвгўй шоир Завқий ҳам алоҳида ўрин тутади.

Убайдуллох Завқий 1853 йилда Қўқон шаҳрининг Қатагон даҳасига қарашли Шайхон (тарихий хужжатларда «Хосабофи Боло» деб номланган) маҳалласида маҳсидўз касиб Муҳаммад Солих оиласида дунёга келган. Убайдуллох дастлаб маҳалласидаги эски усул мактабида, сўнг Жомеъ мадрасасида ўқиган. Айни вақтда ота касби маҳсидўзликни ўрганиб, бўш вақтларида отасига ёрдамлашган. Шоирнинг ижодий фаолияти мадрасада таҳсил олиб юрган пайтларида бошланган. Шу даврда у Муҳйи, Муқимий, Фурқат, Нисбат, Муҳаййир каби таниқли шоирлар билан танишди, улар билан адабий мажлисларда, мушоараларда иштирок этди. Бу ҳақда Фурқат ўз хотираларида шундай деб ёзган эди: «Ул вақтда Хўқанд вилоятидаги фозил ва растотабъ кишилар бирла иттиход айлаб, аларнинг суҳбатларидан баҳралар топдим ва аср шуаролариким, чунончи, мавлоно Муҳйи ва мавлоно Муқимий ва мавлоно Завқий ва мавлоно Нисбатдурлар, хамина мажлис бунёд айлаб, зодаи таъбаримиздан мушоара килур эрдук ва бир ғазалда татаббуъ кургузуб, бир мазмун ҳар навъ ифода топар эрди»<sup>1</sup>.

Юқорида Фурқат тилга олиб ўтган адабий ҳамкорлик намуналарини мазкур замондош шоирларнинг ижодий меросида кўплаб учратиш мумкин. Чунончи, Муқимий,

<sup>1</sup> *Фурқат*. Тапланган асарлар. Иккинчи жилд. Тошкент, 1960, 139–140-бетлар.



Нусрат, Фурқат, Муҳйи, Нисбат, Завкий биргаликда Ғозий ғазалига боғланган бир мухаммасларининг охиридаги бир банд фикримизга ёрқин мисол бўла олади:

*Умид ила Муқимий кўйида кўп нола қилдурди,  
Топиб Нусрат ўзини тиги Фурқат бирла тилдурди,  
Ўшал Муҳйи қушига Нисбатий Завқийни илдурди,  
Ниҳон дардингни кўз ёш тукуб оламга билдурди,  
Гирифтор ўлмасун Ғозий каби гамчоз йўлдоша!*

Мадраса тахсилени тугатгандан сўнг Завқий тахминан 1885—1890 йилларда тоғаси Муҳаммад Содикнинг илтимоси билан Қўқон бозорининг саркори Мўминжонбойда мирзо бўлиб хизмат қилди.

1898 йилда Завқий тоғаси Муаммад Содик билан бирга хаж сафарига чиқиб, олти ой давомида Туркия ва Арабистон мамлакатларида бўлади. Хаж сафари вақтида қўқонлик дўстлари Муқимий, Асомиддин хожи, Муҳаййирларга хат ёзиб турган. Шоир узок муддатли сафари давомида бошқа халқларнинг хаёти, урф-одатлари билан танишишга муяссар бўлди. Натижада дунёқараши кенгайиб, шеърларида янги мавзу ва оҳанглар пайдо бўла бошлади. Истанбул ва Мадина шаҳарлари ҳақидаги шеърлари айни шу даврда дунёга келди. Завқий хаж сафаридан қайтиб келгач, махсидўзлик ва кафш бозорида савдогарлик ишлари билан машғул бўлган.

Адабиётшунос Пўлатжон Қайюмовнинг «Тазкираи Қайюмий» асарида ёзилишича, Завқийнинг кафш бозорида алоҳида дўкони ҳам бўлган. Худди шу даврда Завқийнинг айрим шеърлари санъаткорлар томонидан куйга солиниб, халқ ўртасида севиб ижро этиладиган кўшиқларга айланиб кетди. Ижодини:

*Ёр келур замона йўқ, келмаса келмасун нетай,  
Сарф этарга хазона йўқ, келмаса келмасун нетай,  
Маскани кўз ичра десам, мардум аро калон экан,  
Таклиф этарга хона йўқ, келмаса-келмасун нетай*

<sup>1</sup> Завқий. Танланган асарлар. Нашрга тайёрловчи Х. Раззоқов. Тошкент, 1958. 105-бет.



каби анъанавий лирик шеърлар ёзиш билан бошлаган Завкий кейинчалик ўз асарларида жамият ва инсон табиатидаги норасоликларни ҳам ўзига хос бадиий услубда ифодалашга интилди. Жумладан унинг «Замона кимники?», «Бўл», «Ҳажви Йигчи эшон», «Бектурбой» сарлавхали шеърларида ўз даври зиддиятларини, халқнинг аянчли аҳволини маҳорат билан акс эттирган.

Фикримизнинг исботи учун «Замона кимники» шеърдан олинган кўйидаги парчани келтирамиз:

*Сен дема ушбу замонда обрў муллоники,  
Қолди аълолар аёқ остида, сўз адноники,  
Сардарахти мевасин кўр, зог гила қарғоники,  
Демангиз аҳбоблар, гул булбули гўёники,  
Давлати васли тиконда, ҳажри ул шайдоники.  
Шаҳру қишлоқ демангизки, фиққ ила тўлди жаҳон,  
Аҳли дунё қошида ёлгончилардур нуқтадон,  
Йўқ ривож касбу ҳунарға, соврилибдур хонумон,  
Хоҳ қосиб, хоҳ деҳқон қайға борса бағри қон,  
Холи ҳар ерда суҳан шармандаю расвоники.*

Шоирнинг тоғаси Мухаммад Содикбой 1908 йилда яна ҳаж сафарига отланади. Ҳажга кетиш олдидан бутун мол-мулкни, ер-сувларини ўғилларига бўлиб берган. Ўғиллари қатори севимли жияни Завкийга ҳам Қаримбобо қишлоғидаги 20 таноб ерини хатлаб берган. Завкий эса 1909 йилдаёқ бу ерларни ерсиз деҳқонларга чек қилиб бўлиб берган. Шу йиллари шоир қишлоқ ҳаёти, деҳқонлар оммасининг аҳволи, кайфияти билан яқиндан танишишга муяссар бўлди. Бу ҳол унинг «Сув жанжал», «Обид мигбоши ҳақида ҳажв» каби шеърларида ўз ифодасини топган.

Ижтимоий ҳаётда фаол иштирок этган Завкийнинг айрим шеърлари, мақолалари «Туркистон вилоятининг газети», «Садойи Фарғона», «Тирик сўз», «Нажот» газеталарида ҳамда «Ал-Ислоҳ» журналида босилиб турган. Бундан ташқари Завкий Қўқон ва унинг атрофидаги кўнгина биноларнинг қурилишига атаб таърихлар ёзган. Уларнинг айримлари бизгача етиб келган.

Завкий шеърларидаги ижтимоий рух 1916–1918 йилларда янада кучайди. Унинг бу даврда яратилган «Ажаб эрмас», «Кўз очайлик», «Қиссан Фарғона» каби шеър-



лари шоир ижтимоий лирикасининг ёркин намуналаридир.

Ўз асарлари билан халқ меҳрини қозонган Завкий икки ой давом этган оғир касалликдан сўнг 1921 йилнинг кузида 68 ёшида вафот этди. Шоир вафотидан сўнг у туғилиб ўсган Шайхон (Хосабоби Боло) маҳалласига Завкийобод номи берилган. Шоир яшаган уй ва Шайхон қабристонигадаги қабри устига мраммрдан ёдгорлик лавҳалари ўрнатилган.

Завкий ҳаёти ва ижодий мероси ўтган асрнинг 40-йилларидан ўрганила бошлади. Марҳум адабиётшунос, филология фанлари доктори Хошимжон Раззоқов шоир таржимаи холи, ижодига доир манбаларни тўплаш, ўрганиш, оммалаштиришда диққатга сазовор ишлар қилди. У Завкийнинг 1500 мисрага яқин шеърый меросини илк бор китобча ҳолида сўзбоши ва луғат билан 1958 ва 1960 йилларда икки марта нашр эттирди, шоир ҳаёти ва ижоди бўйича номзодлик диссертациясини ёқлади. Бундан ташқари маъмур олим «Завкий» деб номланган алоҳида илмий рисола ҳам эълон қилди. Олим Шарафиддинов, Иброҳим Мўминов, Фулом Каримов, Абдурашид Абдуғафуров, Эргашали Шодиев каби таниқли олимларимиз ҳам Завкий ҳаёти ва ижодини илмий ўрганиш ҳамда оммалаштиришда муҳим ишларни амалга оширдилар. Шундан кейин Завкий шахсиятига, ижодига қизиқиш янада кучайди. Шоир асарлари ўрта ва олий ўқув юрталари дастурлари ҳамда дарсликларидан мустаҳкам ўрин эгаллади. Завкийнинг бир неча шеърлари таниқли ҳофизлар томонидан куйга солиб айтила бошлади. Лекин шу билан бирга ачинарли бир ҳолни таъкидлаб ўтиш жоиз деб биламиз. У ҳам бўлса, шундай бир ажойиб шоирнинг асарлари китоб ҳолида қирк йилдан ошиқ вақт мобайнида бирор марта ҳам қайта нашр этилмаганлигидир. Ваҳоланки, кейинги йиллардаги илмий изланишлар натижасида шоирнинг бир қатор номаълум асарлари топилди, республика вақтли матбуоти ва илмий журналларида эълон қилинди. Завкий шахсияти ва ижодига оид айрим масалаларга ойдинлик киритувчи илмий манбалар нашр этилди. Адабиётшунос олим Пўлатжон Қайюмовнинг 1998 йилда чоп этилган уч жилддан иборат «Тазки-



раи Қайюмий» тазкираси ана шундай муҳим илмий манбалардан ҳисобланади.

Завқий ўз умри давомида талайгина шеърлар ёзиб, халқнинг севимли шоирига айланган бўлсада, ҳаётлик чоғида шеърларини жамлаб, бир китоб ҳолида чоп эттирган эмас. Қўкон адабиёт музейида сақланаётган бир хужжатдан маълум бўлишича, шоирнинг ўз қўли билан тузган девони шоир вафотидан сўнг, аниқроғи 1930 йилда унинг рафиқаси Хайруннисо томонидан Қашқарга олиб кетилган. Шоирнинг қизи Ҳанифахон Ҳожиева 1961 йил 7 июлда Қашқардан Қўкондаги қариндошларига ёзган мактубида қуйидаги жумлалар мавжуд: «Отам мулло Убайдуллоҳ Завқийнинг ўз қўллари билан ёзган «Девон»лари менинг қўлимда. Мен ватанимни эслайман ва соғинаман. Рухсат бўлса, ватанимга борсам, деб орзу қиламан». Мактуб охирида у ўз турар-жойини ҳам аниқ кўрсатган: Хитой Халқ Республикаси, Қашқар шаҳри Ёрбоғ район, Заргарлик кўчаси, 6-уй.

Юқоридаги маълумотлар ва келтирилган иқтибос бизда шоир «Девон»ининг топилишига умид уйғотди. Агар Республикамиздаги маънавият ва маърифатга масъул тегишли ташкилотлар ҳиммат кўрсатишса, шоирнинг ноёб девони топилиб, ўз юртига қайтарилган бўлур эди.

Бу йил халқимизнинг атоқли шоири Убайдуллоҳ Завқий таваллудига 150 йил тўлди. Шу қутлуғ сана муносабати билан биз шоир шеърларидан иборат ушбу китобни нашрга тайёрладик. Китобга Завқийнинг 1958 ва 1960 йилларда нашр этилган «Танланган асарлар»идаги шеърлар асос қилиб олинди. Шу билан бирга Қўкондаги Ғ. Ғулом номидаги вилоят адабиёт музейи илмий ходимлари томонидан узоқ йиллар давомида аниқланган 45 та ғазал, 13 та мухаммас, 1 та мусаддас, 1 та маснавий, 10 та қитъа ва таърихи жами 70 та шеър ҳам китобдан ўрин олди. «Ажаб эрмас», «Қиссаи Фарғона», «Ажаб замона», «Каждор замона» деб номланган шеърлар аввалги «Танланган асарлар»да қисқартирилган ҳолда босилган бўлса, янги нашрда бу шеърларнинг ишончли манбалардан олинган тўлиқ матни берилди. Аввалги нашрларга киритилган «Ҳажви Шох Иноят қўрбоши» шеъри кейинги тадқиқотлар натижасида Рожий қаламига ман-





суб бўлиб чиққанлиги сабабли бу китобдан тушириб қолдирилди.

Ушбу китобга киритилган барча янги шеърлар Қўқондаги Ғ. Ғулом номидаги вилоят адабиёт музейи хазинасида сақланаётган 424, 672 ва 674-рақамли қўлёзма баёзлар ҳамда адабиётшунос АҲМАДЖОН МАДАМИНОВ шахсий кутубхонасидаги ноёб қўлёзма нусхалар асосида нашрга тайёрланди.

Фурсатдан фойдаланиб, ушбу китобнинг нашр этилишида хомийлик қилган шоир Завкий авлодларидан бўлмиш ОЛИМЖОН ЁҚУБОВ ва МУРОДЖОН ҒУЛОМОВларга ўз самимий миннатдорчилигимизни билдирамиз.

**Ахмадjon МАДАМИНОВ,**  
филология фанлари номзоди,  
**Абдуллатиф ТУРДИАЛИЕВ,**  
филология фанлари номзоди.



# Ғ А З А Л Л А Р



\* \* \*

Эй гулим, қай кун борурман гулшани гулзоринга?  
Гул узуб, бўлсам мушарраф давлати дийдоринга.

Термулуб булбул каби, хуснинг тамошо айласам,  
Зард баргдек титрасам сурх олмадек рухсоринга.

Ҳар киши кўрса кўзу кошнингни, хайрон бўлгуси,  
Жон фидо айлар яна ноз уйқуда хумморинга.

Хам килиб қаддимни эгри кошларинг, эй маҳлиқо,  
Бир қиё бок, бемурувват, сангдил бул зоринга.

Нола айлаб икки жонвар кеча-кундуз сайрашур,  
Гул – юзунга, булбул – у тўти шакар гуфторинга.

Зулмат ичра Хизр топти чашмаи оби ҳаёт,  
Қил қарам оби даҳонинг ҳастаю беморинга.

Раҳм қил, эй нозанин, ҳажрингда кўп ўртанмайин,  
Ваъдаи васлингни қил шому сахар бедоринга.

Остонинг ёстанурман, куллигимни қил қабул,  
Йўкса кетмай ётаман йиғлаб тахи деворинга.

Назри даргоҳингда бошин қўйди бу Завкий қулинг,  
Бу мувашшаҳни кўруб, «Балли!»! дегайму коринга.





\* \* \*

Сабо, мандин дуо еткур манинг номехрибонимга,  
Парипайкар, лаби кавсар, бўйи сарви равонимга.

Агар борсанг, салом айтиб дегайсан арзи холимни,  
Вафоси йўқ, жафоси кўп манинг абру камонимга.

Мани ул хору зор этти, фироқ жонимга кор этти,  
Кўнгулни беқарор этти, на иш қилди бу жонимга?

Вужудимни адам қилди, «алиф» қаддимни ҳам қилди,  
Манго жабру ситам қилди, хабар қилгил бу жонимга.

Келиб, сўрсун манинг холим, надур ишқида ахволим,  
Эшит Завқийнинг зорин, на бўлур борсангки ёнимга.





\* \* \*

Дари тавба очуқдур, кўп ганимат, йиғланг, эй аҳбоб,  
Тузотинг ўзни эмди, яъс голибдур, замон бетоб.

Хама тўфонда, йўк сохил, ажаб, фарки бало бўлдиқ,  
Қазо паймонасида сув берур хар лахза бу гирдоб.

Хаёлим қозиси, ақлим шошти, сан тadbирдин ожиз,  
Кўнгул оромсиз, тан бемадор-у, кетти кўздин хоб.

Қанисиз, содалавх ўтган хама обою аждодим,  
Қараб турсам, ўтуб кетгон замонангиз экан ноёб.

Хама хирс ахлиға мақсуд экан дунёни жамъ этмақ,  
Фириб иши хама элнинг, нетасиз оламу асбоб.

Замон қайдоғ тузалсун, бу эса олимнинг афъоли,  
Бўлуб кўп роҳи расм-у, хулкимиз тоборадур нобоб.

Замона фикрини кўй, Завкий, эмди зикрида бўлғил,  
Худоға ҳамду пайғамбарға наът, асхобиға алқоб.





\* \* \*

Кўз тутарман кеча-кундуз, уйга жоним келса деб,  
Ох урубон йиғлаюрман, меҳрибоним келса деб.

Ҳеч хабарни олмадинг ман хастадин, эй, кўнгли йўқ,  
Термулуб йўлингда турдим, ҳамзабоним келса деб.

Раҳми йўқ бераҳм экан, бир сўрмади: «Ҳолинг нечук?»  
Арза хат тайёр қилдим, беғу хоним келса деб.

Сарвқадлар сарваридурсан, аё нозукнихол,  
Орзу айлар эдим, кулбамга шоним келса деб.

Завкийи дилхаста йиғлаб айтадур: «Эй бевафо,  
Бир йўли дегаймусан, ранги самоним келса деб».





\* \* \*

Токай, муаллим, ёри шакарлаб,  
То шом эдарсан маҳбуси мактаб.

Вақти тамошо, хангоми сахро,  
Арсилху маъано яртаъ ва яъаб<sup>1</sup>.

Таълими одоб анго на хожат,  
Ёрим азалдин бўлгон муаддаб.

Бўлса хиромон, кадини кўргач,  
Айлар халойик фарёду ё раб.

Ёр ўлса, сокий, сан манъи бода,  
Қилма хуш эрмас бу хусни машраб.

Ман мазхаб эттим тун тарқи ишқинг,  
Тарк эттим они, кўргонда мазхаб.

Завкий лабидин мисли сурохий,  
Кўнгли бўлубдур кондин лаболаб.



---

<sup>1</sup> Сўзлар изоҳи китоб охирида берилди.



\* \* \*

Шод қилдилар кўнгулни кеча бир меҳмон келиб,  
Шомимизни қилди равшан бир маҳи тобон келиб.

Дийдамизни манзариға қилди маскан, лутф этиб,  
Шаҳрихондин бизни йўҳлаб ул гули хандон келиб.

Ул азиз меҳмонни номи некудур Саъдуллажон,  
Айлади хурсанд бизни, хурраму шодон келиб.

Меҳмон жондин азиздур, шул сабабдин айтамыз,  
Айлади жонбахшлиғлар, жисмимизға жон келиб.

Жон нисор оз айласам ҳар дамда ман меҳмон учун,  
Жонимизға жон қўшулди, дўстлар, жонон келиб.

Топти Хўқанд зебу зийнат ончунонким, Миср аро,  
Еткуруб юз зебу зийнат Юсуфи Канъон келиб.

Завқийға манзур бўлди Саъдижон атвориким,  
Бўлмагон манзур ҳаргиз мунда кўп меҳмон келиб.







\* \* \*

Махв бўлди ақлу хушим, тўрт махи сиймо кўруб,  
Колмади бир зарра токат, суврати зебо кўруб.

Мунча хайратлар манго юзланмади, ахбоблар,  
Гарчи беҳад суврати Руму Хито, тарсо кўруб,

Ҳеч зебо нозанинлар мунча хайрон этмади,  
Лол бўлдум васф этарға, барчадин аъло кўруб.

Офаринлар айламай найлайки, одам наслидин  
Кўрмадум харгиз булардек суврати раъно кўруб.

Тўрт махи сиймо учун авлодидин нозофарин,  
Сиймтан, гулпирахан, нозукбадан, зебо кўруб.

Ул бири боғи назокат ичра топгон парвариш,  
Бул бири ҳусни малоҳат бобида якто, кўруб.

Рост турғон нозанинким, чой учун соқий экан,  
Хўбрўлар ичра нозук махваши барно кўруб.

Ул парипайкарки, ушлаб соябон нозук али,  
Турфа зебо талъату мавзун, махи сиймо кўруб.

Ушбу сувратлар ажойиб айлади беҳушким,  
Бўлмадим оламда акси кўп парисиймо кўруб.

Дийда тўймас бул парилар сувратин кўргон билан,  
Айламас тарки тамошо, турфақим, асо кўруб,

Айлама наззора харгиз ушбу сувратларғақим,  
Бўлмаса барбод ўлур ақлу хушинг, яғмо кўруб.

«Ахсани таквим»<sup>2</sup>да халқ айлади насли башар,  
Вокиф ўл, одамға Ҳакнинг лутфи лоюхсо, кўруб.

Файзи Ҳақ инсонға беҳад Завкий хайрон бўлмақим,  
Фикр кил, сунъи ҳақими фарди беҳамто кўруб.



\* \* \*

Эй сабо, биздин дуо ул лаъли хандонимга айт,  
Жумла дардимни табиби, яъни дармонимга айт.

Зикри ёдида эрурман кеча-кундуз, эй сабо,  
Дўстлик айлаб манго арзимни жононимга айт.

На бўлур бир йўл тараххум айлабон қилса назар,  
Рози дилни айтайин, сан махваши жонимга айт.

Бул нечук дарду аламдур масти бепарво юруш,  
Халқ аро бир дам никобин очмасун, норимга айт.

Дахр аро келгон кишилар хар бири бир ишдадур,  
Жумлани ишдин кўярму, шоҳи хўбонимга айт.

Юсуфи Мисрий каби зиндони ғамда қолғоним,  
Чох ичинда ётконим Яъкуби Канъонимга айт.

Арзи ҳолим етмади ул дилбари раъногаким,  
Эй сабо, худхуд бўлуб арзим Сулаймонимга айт.

Завқийи бечора арз айлаб сабоға йиғлади,  
Эй сабо, албатта ул Мирзо Зиёхонимга айт.



А.С. 2.468



\* \* \*

Нозанин дилдорлар, махбуби гулрухсорлар,  
Икки дилдори мувофик, шаккарин гуфторлар.

Зохирида кўрунур ноошно бир-бирига,  
Олами ботиндадурлар ошику дилдорлар.

Юзлари гул, сочи сунбул, сўзлари шахду шакар,  
Золимү берахм, ақлим олғучи айёрлар.

Рахм этмаслар парилар ошики бечорага,  
Мохталъатлар, сўманбарлар, кўзи хуморлар.

Бири-бирига ёр бўлсун иккиси ўйнаб-кулуб,  
Хуш кулуб боғи мухаббат ичра икки ёрлар.

Ёрлик расмин бажо айлаб, яна махбублар,  
Айласун меҳру вафолар ул парирухсорлар.

Гўшаи хижронда қолғон Завкийга сиз лутф этинг,  
Назм аро қилди нихон ул номингиз, дилдорлар.





\* \* \*

Ул шакарлаб махваши ширинзабоним қайдадур?  
Сўзлари шахду шакар, пистадахоним қайдадур?

Гулшани хусни латофат ичра топғон парвариш  
Орази гул, қомати сарви равоним қайдадур?

Бахравар ширин сўзидин ҳар нафас ағёрлар,  
Талхдур комим манинг, шақкардахоним қайдадур?

Роҳати жондур анинг ҳар лаҳза ширин сўзлари,  
Кўрмайин ҳасратдаман, руҳи равоним қайдадур?

Жон нисор айлар эдим кўрсам жамолин, эй сабо,  
Манга сан еткур хабар, жону жахоним қайдадур?

Ўзлари шақкарфуруш-у, сўзлари шақкаршикан,  
Лаблари ҳалвои пашмак нўшжоним қайдадур?

Не бўлур арз айласанг Завқий саломин, эй сабо,  
Сўрса дилдор холимиким, қадрдоним қайдадур?





\* \* \*

Бодаи васлинг қачонким нўш этибон қонамиз?  
Онгача хижронда бўлғайму бизи майхонамиз?

Шамъи оламсўз хуснингни кўруб, парвонаваш  
Умрлардур оташи ишқинг аро ўртонамиз.

Бир мурувват кўргузуб, хуршиди оламтобдек,  
Партави хуснинг билан қилғил мунаввар хонамиз.

Лутф этиб гар хотири маҳзунимиз шод этмасанг,  
Биз ҳам этгон ваъдаи рўзи аластдин тонамиз.

Отма кўнгул шишасиға санги бежо, синмасун,  
Таъбимиз озода деб, Фарғонада махтонамиз.

«Рух»ни голиб айлағил «шоҳ» ҳам махалли кишту мот,  
Ишқ базми ичра сатранж ўйнағон уч донамиз.

Кўнглумиз айлаб паришон, хар тарафга тарқатиб,  
Неча муддатдурки, ул новаки мужгон шонамиз.

Анбарин зулфингни боғлаб жонлара таъвиз учун,  
Ёдинг ила кечалар гохо чўчуб уйғонамиз.

Завкий ила Фурқатий, кулбангта дўстинг келмаса,  
Айлаб исигно бизам мундоқа ёрдин тонамиз.





\* \* \*

Муддатедур, бодаи ишқинг ичиб мастонамиз,  
Масти лояъқил бўлуб, эл ичра кўп афсонамиз.

Истама дур айламак шамъи жамолингдин бизи,  
Раҳм қилким, жону дил қилғон фидо парвонамиз.

Қолмади таннинг мадори, жавру озоринг чекиб,  
Жона етгук, лутф қил, бўлсанг агар жононамиз.

Телба кўрсанг, эй пари, ҳар лаҳза тут маъзурким,  
Биз жунун саҳросидин келгон ики девонамиз.

Холу абру ёдида бўлдук қаронғу рўзғор,  
Нур ила нетгай ёрук этсанг келиб кошонамиз.

Ўзгалардин сонмаким, биз ошнолиғда хасан,  
Ихтироз этма, арода йўк эрур бегонамиз.

Эй, малоҳат мулкининг султони, этма ноумид,  
Қулларингнинг қуллари хайлида ўзни сонамиз.

Тушмаса гар арзимиз васлинг қулоғига қабул,  
То тирикмиз, Завқий, Фурқат ҳажр ўтиға ёнамиз.





\* \* \*

Ой жамолинг шамъига ҳар кеча ўртаб ёнамиз,  
Жон нисор этмоқда гўёким, пари, парвонамиз.

Неча кундур, айладинг базми висолингдин йирок,  
Эй пари, бўйла ҳаёлинг истаюб девонамиз.

Боғлаюб аҳди муҳаббат, санга бўлдук ошно,  
Гарчи бўлса сарвқад жилвагаҳи бегонамиз.

Жоми ишқингдин муҳаббат бодасин ул дам ичиб,  
Фориғ эл ташвишидин, то ушбу дам мастонамиз.

Мунча ғавғодин, ракиби рўсиях, недур мурод?  
Таъби нозукдур, кўтармас фитнани жононамиз.

Хохи рад қилғил бизи, хохи қабул эт, шаҳриёр,  
Даст «алиф-лом» хизматингда тургучи мардонамиз.

Ой жамолингдин кўтар етти хижоб, тўққиз ниқоб,  
Чун харими васлингга маҳрам бўлолмай ёнамиз.

Қолмади тоқат тағофулдин, нигоро, ҳамчу тифл,  
Ваъдаи ҳалвоға тоқай толпиниб алдонамиз.

Аксарини Нисбатий, кам Завкию Фуркат деди,  
Биз ҳам истиғно этиб мундоғ жавондин тонамиз.





\* \* \*

Букун тун ўртасинда учради бир махлико ялғуз,  
Дучор ўлди магар тоатда Хизре раҳнамо ялғуз.

Губори дилни ёзмоқликка бир маҳрам тилар эрдим,  
Анинг-чун келдиму олдимга, билмам, ошно ялғуз?

Муяссар бўлса бир соат, кадам туфроғини топсам,  
Қилиб ўтсам кўзумга сурма, доим тўтиё ялғуз.

Дили садпора бўлғон, рўзи куйгон мубталодурман,  
Дегайму, дўстлар, «Ишқимда куйгон, мархабо ялғуз...»\*



---

\* Матининг давоми йўқолган.





\* \* \*

Йиғлаб демадик ахбоб, бир оху наво харгиз,  
Дафъ ўлмади бошлардин бир умр бало харгиз.

Чин тавба килолмасмиз, покиза нафас топмай,  
Онинг учун ўлмайдур макбули дуо харгиз.

Дахр ахлида кўрмайин ҳеч кимсада чин ихлос,  
Йўк ёшлари одоби, заллома зиё харгиз.

Йўк рўзга умидимким, хозик ҳукамодурсан,  
Ҳеч кимса килолмайдур бу даврда даво харгиз.

Ул қозийи хожота ёлборингиз, эй ахбоб,  
Хожатларимиз нечун бўлмайди раво харгиз?

Тоборо қаронғулиғ, зулматда тонг отмайдур,  
Бизларға насиб борму бир субҳи сабо харгиз?

Шубҳа, қани парҳезе, ким бўлса, ҳаром истар,  
Ҳеч ташламангизлар сиз бу кибру ҳаво харгиз!

Парҳезсиз оламда бир умр тузолмайсиз,  
Йўк килмай ҳаром ишни ким кўрди шифо харгиз.

Сиз тарки умид этманг, тавба эшиги очук,  
Ҳеч бандани килмайдур навмид Худо харгиз.

Сандин тилаги маълум, бир мунъим ўзинг ё раб,  
Шохо, мани тарк этма, бу Завкий гадо харгиз.





\* \* \*

Санга, эй, ороми жоним, хуру филмон ўхшамас,  
Қоматингга боғ аро сарви хиромон ўхшамас.

Лабларинг жонбахшлиғ айлар чоғи, эй гульузор,  
Рост, инсоф айлагонда, оби хайвон ўхшамас.

Юз тароватлар била раъно юзингнинг олдида,  
Ёсмину арғавон, садбарги хандон ўхшамас.

Махвашо, ишқингда ман бўлдим жаҳон овораси,  
Ишқ бобида манго Мажнуни сарсон ўхшамас.

Хўбрўлар кўп эрур оламда, аммо, эй пари,  
Санда бор хислатга ўзга жону жонон ўхшамас.

Айлади хижрони ишқинг ўти андоғ беқарор,  
Нолишимга хасратингда мурғи нолон ўхшамас.

Нозанино, Завқий исминг харфидин ҳар байт уза,  
Ном кўйди ончунонким, лаъли маржон ўхшамас.





\* \* \*

Ситам килмок ўшал дилдора махсус,  
Ракиблар хуш, мани афгора, махсус,

Дамодам айламоғ мижгон ила чок,  
Дилимни наргиси хунхора махсус.

Кулуб бир лахза ширин хандасидин,  
Асир этмоғ шакарғуфтора махсус.

Кўзи фикрида тарки хоби роҳат,  
Хаёл айлаб, мани бемора махсус.

Хиром айлаб жаҳонға фитна солмов,  
Ўшал махбуби гулрухсора махсус.

Адои нозу истиғно, тағофул,  
Гуландому камаррухсора махсус.

Олурға ақлу хушу сабру тоқат,  
Париру дилбари айёра махсус.

Жафолар бизға, аммо лутфу эхсон,  
Ҳамиша ёрдин агёра махсус.

На деб дод айламай, Завкий, фалакдин,  
Жафою жавр экан ул ёра махсус.





\* \* \*

Ишқ ахли, букун маъшуқи жонона етуштук,  
То эткуча жононимиза жона етуштук.

Золим ситамин кўп ради ағёр тарафидин,  
Холим сўраб, адл эткучи султона етуштук.

Ёр оразининг ишкида Мажнун каби йиғлаб,  
Гул юзлари шавқида гулистона етуштук.

Махбуб қадининг ҳасратида қумри кўнгуллар  
Ҳасрат чекибон, сарви хиромона етуштук.

Холу хатининг васфини қилмоқ манга ҳад йўқ,  
Гарчи эди лаъли лаби, маржона етуштук.

Улфатларимиз, бу кеча хушнудлуқ айланг,  
Ҳай-ҳай, на саодат эди, меҳмона етуштук.

Назм илгига ёр исмини, Завқий, нигин айлаб,  
На хуш, бу кеча дўсти Азимхона етуштук.





\* \* \*

Мани махв айлагон хуснингга ул рухсори тобонинг,  
Қарору сабрим олгон наргиси махмуру мастонинг.

Лаби лаълинг ҳаёлинда ютуб қон, лола дилхундур,  
Лабинг кавсар, анинг даврида сабза хатти райхонинг.

Ики кошинг камон, ошиқни қасд этмокға, даврида.  
Қаро миғжонларинг гўё қадалгон «ё»ға пайконинг.

Илоҳо, бўлмасун нозук ниҳолинг ҳам латофатдин,  
Чароқим, бўлмағай харгиз парилар ичра амсолинг.

Гузар этсанг тамошоға хиромон растадин доим,  
Кўруб хусну жамолингни бўлурлар халқ хайронинг.

Раво кўрма жафою жавр, ошиқларға раҳм айла,  
Қи, бўлмишлар висол истаб халойиқ хонавайронинг.

Хушо, ул яхши соатқим бўлуб маҳрам висолиға,  
Нисор этсам дилу жонимни, маҳрум ўлса ағёринг.

Аё, эй яхшилар шоҳи, тараххум айла қулларға,  
Қилиб бошини, эй махшваш, йўлингда жумла  
курбонинг.

Шаҳид этмай кўярму ошиқи бечорани, ёрим,  
Агар шу бўлса, эй, махшваш, нигоҳи чаҳми мастонинг.

Ниҳон этмиш санинг исмингни Завқий бул ғазал ичра,  
Бўлур равшан анинг хар байти бошидин санинг номинг.



\* \* \*

Танимни оташи ишқингда сўзон айладинг, кеттинг,  
Кеча-кундузлари дийдамни гирён айладинг, кеттинг.

Вафо сандин умид айлаб, кўролмайд лутфу эхсонлар,  
Қани ул аҳду паймонларки, нолон айладинг, кеттинг.

Хароб айлаб мани ҳолим, нетай, эй нозанин ёрим,  
Юрак-бағрим хаёлотинг била қон айладинг, кеттинг.

Тараххум айламай манго, фироқ ўтиға куйдурдунг,  
Жамолинг шавқида манъи гулистон айладинг, кеттинг.

Ҳамиша оху афғондир ишим ҳажрингда, эй дилбар,  
Фироқингда манго оламини зиндон айладинг, кеттинг.

Назар солмай мани холимға, ёр ўлдинг рақибларға,  
Тамошоларға қаддингни хиромон айладинг, кеттинг.

Зарофат гулшанин раъно гулисан, эй парипайкар,  
Манго зулму ситамларни фаровон айладинг, кеттинг.

Раво айлаб манго беҳад жафолар, жавру захматлар,  
Бошимга ранжу кулфатлар фаровон айладинг, кеттинг.

Хаёлинг солди савдолар бошимға, айладинг, мажнун,  
Яна оввораи дашту биёбон айладинг, кеттинг.

Олиб сабру қароримни, дилимда қолмади тоқат,  
Мани аҳволи зоримни паришон айладинг, кеттинг.

Нечук расми вафодурки, фақир Завқийни кўнглига.  
Фаровон доғи ҳасратларни пинҳон айладинг, кеттинг.



\* \* \*

Ажойиб шўх экансан, бир бокиб, шайдо килиб ўттунг,  
Кўрунғач, кўнглум ичра ишк ўтин пайдо килиб ўттунг.

Балойи жон экансан, фитнаангиз қошларинг «ей»и,  
Синони новакингни кўксум ичра жо килиб ўттунг.

Дамодам мисли Юсуф солдинг хуснингни харидора,  
Муҳаббат аҳлиға бозор аро савдо килиб ўттунг.

Киё бокмай, тарахҳум айламай, холимға лутф этмай,  
Ўзунгни тарзе эл наздида бепарво килиб ўттунг.

Аё дилбар, бўлуб ўттум санинг ишкингда Мажнундай,  
Вафо расминда сан ўзни қачон Лайло килиб ўттунг?!

Жамолинг ранг-баранг тобиш килур гулшан аро,  
Сочинг сунбул, хатинг райхон, юзинг раъно килиб ўттунг. ваҳким,

Агар солсанг назар, шохо, гадойи даргаҳинг сори,  
Ўшал соат мани Искандару Доро килиб ўттунг.

Нишони исм аён бўлсун яна деб Завки дил бирлан  
Хуруфи номини сархат уза иншо килиб ўттунг.





## КЎЗИНГ

Э ниғаҳбони тағофул, мунча зор айлар кўзинг,  
Бокмай ошиқ сориға, ағёр ёр айлар кўзинг.

Наргисингиз войким, ҳижрон зимистонидаман,  
Кимга боқсанг дафъатан фасли баҳор айлар кўзинг.

Шеваи жаллодлиғ тиргузмас, ўлдирмоқ иши,  
Бу нечунким бирни йўқу бирни бор айлар кўзинг.

Бир назарда ақлу ҳушим олди ул бедодгар,  
Нақди жонимға тикилгандур, кимор айлар кўзинг.

Мен на танҳо сўрмишам ўт солди олам аҳлига,  
Бу ажаб куйдургучидур нури нор айлар кўзинг.

Рўзгорим шамъи рўйингдин мунаввар қилмасанг,  
Манга бу оламини гўё тангу тор айлар кўзинг.

Чини обрўдин хирожу мулки Румдин бож олиб,  
Ҳинд шохидурки мундоғ кирдикор айлар кўзинг.

Бу на шаҳло чашмлиғдурким киё бокмай ҳамон,  
Бетаваққуф дилни дардидин гўзор айлар кўзинг.

Васл, мен Завқийни еттургил Муқимий кўйиға  
Печу тоби Фурқатинг хуммори ёр айлар кўзинг.







## АЙЛАБ КЕЛИНГ

Кулбам аро, эй махлико, бир йўл хиром айлаб келинг,  
Янги келинчаклар каби бизга салом айлаб келинг.

Шўхлик килиб, ўйнаб-кулиб, гул шохига сайраб-кўниб,  
Хам гўти-ю булбул бўлиб, ширин калом айлаб келинг.

Султонлигинг изхор этиб, оху кўзинг хуммор этиб,  
Ағёрни ҳам бемор этиб бизни ғулом айлаб келинг.

Ишқ ахлини шайдо килиб, душманни кўп расво келиб,  
Кўзларни ҳам шахло килиб, аср ила шом айлаб келинг.

Кўрса юзингни, эй пари, хайрон колур ёшу қари,  
Борганда дема тур нари, Завкийни ром айлаб келинг.





## НАСИХАТИ ЗАВҚИЙ

Мани, авлоду аҳбобим, гунаҳкор ўлди, деб йиғланг,  
Азиз умрини зойеъ ўтқариб, хор ўлди, деб йиғланг.

Тирик умринда қилғон ёшурун-махфий гунаҳларни  
Ажал пайки очиб, сир фош, асрор ўлди, деб йиғланг.

Хаво бирла хавас домиға то банд эрди дунёда,  
Тамоми мастликдин эмди хушёр ўлди, деб йиғланг.

Фами аҳли аёлини егон холи хаётида,  
Ким онинг холиға қабр ичра ғамхор ўлди, деб йиғланг.

Йўқ авсофи ҳамидам, денглар афъоли замимамни,  
Ҳамоқат бирла бу бечора ночор ўлди, деб йиғланг.

Агар шаъми хидоят матлаъи анвор кўргузмас,  
Қаронғу гўр ичинда холи душвор ўлди, деб йиғланг.

Деса Мункар, Накир: «Раббинг ким, дининг ким,  
расулинг ким?»  
Алар бирлан на янглиғ холи изҳор ўлди деб йиғланг.

Тутолмас бандалиғни, ҳеч амри нахйнинг посин,  
Ўз ахволиға бокгонда сазовор ўлди, деб йиғланг.

Қилибдур така ғаффуруз-зунуб исмингга, ё Оллоҳ,  
Бу Завқий раҳматингдин кўп умидвор ўлди, деб  
йиғланг.





\* \* \*

Нигоро, манга бокмай, аҳду паймон айласанг, майлинг,  
Ракибларга ҳамиша базми хандон айласанг, майлинг.

Юрарман кўз тутиб доим, санинг ишқинг билан хайрон,  
Амон бўлсам, кўрарман, мунча сарсон айласанг,  
майлинг.

Манинг додимга етсанг, ўлдурурга зор-у, майлим бор,  
Шаҳид ўлсам йўлингда, халққа хор айласанг, майлинг.

Мани ўлдурмагунча қайди расволикда умр ўтти,  
Олиб жонимни аввал, қайда бозор айласанг, майлинг.

Хаёлу хобда ман кўрсам, юурсан дашту саҳрода,  
Юрарда ихтиёринг, қайда гулзор айласанг, майлинг.

Жамолинг соясига кўп ишонма, эй парипайкар,  
Манго қолгонда бокмай, абри найсон айласанг, майлинг.





\* \* \*

Дилрабо, хажринг билан сийнамни афгор айладинг,  
На сабабдан бизни ташлаб, ўзгани ёр айладинг?!

Сандин умидим бу эрмас эрди, эй сохибжамол,  
Ўзгага қилдинг мурувват, ошиқинг хор айладинг.

Ман санго на қилдим, эй, ёри ситамкорим, гафур?!  
Хеч кўрмай, сўзламай, дардимни бисёр айладинг.

То санго етгунча кўп меҳнат, машаққатлар чекиб,  
Эмди еттим деб суюнгонда ажаб кор айладинг.

Дардини кўр, холини сўр Завкийнинг, афгорнинг,  
Бир киё боқмассан, эй дилбар, кўргул тор айладинг.

\* \* \*

Горат этдинг, эй пари, тан мулкени,  
Кўрмадим оламда сандек тулкени.

Фориғ эт бизни жафо зиндонидин,  
Сан эурсан яхшиларнинг эркини.

Вой, юз минг вой, қадрим билмайин,  
Топти тожик, ташлади биз туркини.

Рўзи қисматда Худо бергон экан,  
Бизга оху вох, санга кулкени,

Завкийи бечора айтур доимо:  
«Эй Худоё, оч дилимнинг кулфини».





\* \* \*

Олам ахлини балоға мубтало қилғон кўзинг,  
Рўзгоримни ажойиб қап-қаро қилғон кўзинг.

Бандалиғ изхор қилмай, йиғласун гулчехралар,  
Ошиқи бечораларни мосиво қилғон кўзинг.

Давлати васлинг тополмай, бенаволарға, ажаб.  
Бокмайин, айлаб тағофул, кўп жафо қилғон кўзинг.

Айлади зулму ситам, хар кимки бўлса мубтало,  
Қанча бунёди жафоларни бино қилғон кўзинг.

Лабларингдин ком олурда тийри мижгонлар билан,  
Шум ракиблар бағрини охир яро қилғон кўзинг.

Лоладек, эй дилбарим, ошиқларинг кўксиди доғ,  
Юз туман жавру жафони мархабо қилғон кўзинг.

Хар замонлар тоза-тоза кулфату ғамга қўюб,  
Дарди ишқда мубталоға можаро қилғон кўзинг.

Жонима рохат етар, қилсанг тараххум дам-бадам,  
Дийдаларни талъатингдин пурзиё қилғон кўзинг.

Назм аро, эй махлиқо, номингни пинҳон айлади,  
Чунки Завқийни балоға мубтало қилғон кўзинг.





## КЕЛ

Эй менинг риштаи жонимга чекилу соз кел,  
Айтайин ҳижрон ғамидин мен ҳам анда роз кел...

Айладим булбул каби ҳардам фиғон гулёр деб,  
Сен ҳам энди бир замон айлаб менга шахноз кел.

Қил тарахҳум шоми ҳижрон ичра ўтди умрлар,  
Офтоби субҳ васлингни қилиб оғоз кел.

Гарчи парвойи пари юзлик оёғинг тортмаса,  
Бизни бу вайроналарга айлабон парвоз кел.

Хотиримни маҳвашимни(нг) ёди маскан айлади,  
Жилва қил, сен ҳам кўзимга сурати танноз кел.

Ёр кўнглин риштасиға оҳанг охиста чекиб,  
Йўқса айлар лаҳни довудий учун ғаммоз кел.

Азм қил, йўлингга айлай, нақди жонимни нисор,  
Бастайи фитроқ қил бошимни, эй шахбоз кел.

Хотирингни юрту эл ишқи мушавваш этмаса,  
Эй мени мискинга бўлган ҳамдаму ҳамроз кел.

Васл тонги отса деб Завқий қулинг уммедивор,  
Келмадинг қишлар, баҳор айёми эмди ёз кел.





## КЎРДИМ

Мани бечора боғ ичра ажойиб дилрабо кўрдим  
Ки, жаннатдин адашган ё магарким хурлико кўрдим.

Адаб бирла гулистон гуллари анга салом берди,  
Бу чархи бебакода, дўстларим, бир хушнамо кўрдим.

Лабини тишлабон қилди табассум ул маҳи анвар,  
Қизил гул ғунчасида йиғлади, ман бир хино кўрдим.

Манам ишқида қон йиғлаб оқузуб ашки ҳасратни,  
Ўшал соат ани шох-у, ўзимни бир гадо кўрдим.

Мани сабру қарорим йўқ сани ҳажрингда, эй дилбар,  
Сани хоки қудумингни кўзумга тўтиё кўрдим.

Бу Завқий ҳар замон бир дилрабо ишқида қон йиғлаб,  
Ажойиб ушбу дунёда ўзимни пуразо кўрдим.





## ОФАРИН

Жоно, жамолингни кўриб, жононлар айтур офарин,  
Ўз кўксига ўзи уриб, ёронлар айтур, офарин...

Қадди ниҳолингга қараб, абру камонингга қараб,  
Шоҳо, висолингга қараб, султонлар айтур офарин.

Булбул санга нолон ўлиб, қумри ажаб ҳайрон ўлиб,  
Тўти кўриб гирён ўлиб, хушхонлар айтур офарин...

Лутфу қарам хонлар берур, дўст-дўстига нонлар берур,  
Лаъли лабинг жонлар берур, ўлганлар айтур офарин.

Ишқингда кўп оворалар, борсун қаён бечоралар,  
Хуснинг аро парвоналар, куйганлар айтур офарин.

Ёр келса маҳбубинг бўлиб, бир кеча маъшуқинг бўлиб,  
Мезбон дуоғўйинг бўлиб, меҳмонлар айтур офарин.

Завқий қулингни додиға, тун кечалар фарёдиға,  
Таҳсин этиб абётиға, жононлар айтур офарин.







## ТҮЙНИНГ МУБОРАКЛАРИДИН

Фарғона ахли, сизга химмат муборак ўлсун,  
Ихён шаръу миллат муборак ўлсун.

Ижоду ўйларингиз асли усули фаръин,  
Хўкми Хўдо, Расулдин суннат муборак ўлсун.

Мақтабга бердингизлар бизларни, ота-она,  
Ўргандик илму одоб-давлат муборак ўлсун.

Хам сизга, бизга келгон аҳбобу ошнолар,  
Покиза хулқ бирлан хислат муборак ўлсун.

Айларга дафъи бидъат, қилмоқга ражъи сарват,  
Ихлоси содикона ният муборак ўлсун.

Рост ўлса гар мунохий ишларни эҳтиёти,  
Бир-бирга, мўъмин ахли, шафкат муборак ўлсун.

Дунёю динни маъмур, бонийни айласун, халқ,  
Ўғлию хам атоға санъат муборак ўлсун.

Эй келгон имтихона, бу мажлис олимона,  
Ом ахли маърифатлик сухбат муборак ўлсун.

Завкий ила Сабрлар йиғлаб, деса «Илоҳо,  
Миллат муборак ўлсун, нусрат муборак ўлсун».





## ЎРГАНГАН

Дўст-хамнафас қайда ошнога ўрганган?  
Сухбати Масиҳосо ким давога ўрганган.

Мен вафо шиор айлаб, топмадим висоли дўст,  
Хамнишину улфатлар бас жафога ўрганган.

Носиҳо, сўзинг бас қил, тоқатим тугар тинглаб,  
Менму шайху ё мулло, ким риёга ўрганган?

Булхавас хумо бўлса, булбули навогарман,  
Ким гули висол истар, ким ҳавога ўрганган?

Ваҳши хотирим билмам ҳар нечук ҳаво айлар,  
Мубтало кўнгул қурғур ким навога ўрганган.

Айб айламангиз, аҳбоб, қариса қуйилмас деб  
Завқийни(нг) кўзи, кўнгли дилрабога ўрганган.





\* \* \*

Ман каби ҳеч ким жаҳонда ошики зор ўлмасун,  
Бир парипайкар ғамида дийдахунбор ўлмасун.

Рози дил айтай десам, бир ҳамдамим йўк, оҳким,  
Кимса мандек ёридин маҳруми дийдор ўлмасун.

Айла тақрир ул хабарсиз ёра бир-бир арзими,  
Воқиф ўл, бегоналар харгиз хабардор ўлмасун.

Ушбудур арзимки, эй ороми жон, ҳижрон аро,  
Хар киши мандек жаҳонда зору афгор ўлмасун.

Ҳасратим афзун, дилим пурхуну бағрим чок-чок,  
Душманам қани ман каби ранжуру бемор ўлмасун.

Манга оламда юзинг гулзоридур мақсуд, бас,  
Бўлмаса, сансиз жаҳонда боғу гулзор ўлмасун.

Доимо Ҳақдин умидим шулки, эй ороми жон,  
Сандин ўзга манга ҳамдам ҳеч дилдор ўлмасун.

Хотирим ғамлик, кўзум намлик йўлингда субҳу шом,  
Интизорингда киши ҳеч мандек афгор ўлмасун.

Эй фалак, ул маҳлиқо ишқида саргардан ўлуб,  
Ҳеч банда ман каби мажнуни безор ўлмасун.

Назм ила қилди Каримжон арзини Завқий баён,  
Раҳм айланг холиға, маъюсу ночор ўлмасун.





\* \* \*

Даргохинга ҳожатлар, ё Раббий, раво бўлсун,  
Аҳбоблар, «Омин!» денг, мақбули дуо бўлсун.

Дин заъфида дил мажруҳ, бечора кўнгул маҳзун,  
Жон қолди рамақларда, бу дарда даво бўлсун.

Еткурса насими хуш бу фасли баҳор ичра,  
Гулшан гулин очмоқға бир боди сабо бўлсун.

Борони Ҳамал, раҳмат ямғурлари ёғдурсанг,  
Ранжур кўнгулларға бир оби шифо бўлсун,

Бошлар уза еткурғил масъуди кавокибни,  
Ислом эли бошидин наҳсият адо бўлсун.

Бу миллати ислома навбатни насиб айла,  
Мўъминлара ҳам шояд бир нашъу намо бўлсун.

Эмди қаридинг, Завқий, қўй ғайрни зикрини,  
Хар кимни ҳақиқатда мақсуди Худо бўлсун.





\* \* \*

Сабрим уйини бузди келиб бир бало чафан,  
Дарду балоға қилди мани мубтало чафан.

«Ўлдурдинг, во, ситамгару бедодгар!» десам,  
Тобора-бора қилди зиёда жафо чафан.

Лозим эмасму нимнигоҳ ила ишқ элин  
Таскини хотири учун этса имо чафан,

Хайратда қолдим ойинаи хуснингни кўруб,  
Раҳм айлаб интизорина бокмас қиё чафан.

Жаллодлиғ кўзина мусаллам эрур экан,  
Қатл этмак они мазхаби ичра раво, чафан.

Одам ичинда кўрдиму давронда кўз очиб,  
Оламда мунча шўҳ табиат, расо чафан.

Нозофарин, Худо хаки тарк эт санглиғинг,  
Раҳм айла сода Завкийға эмди, аё чафан.





\* \* \*

Кулунгман шарбати васлингдин эт инъом, айлансун,  
.....

Ики зулфинг тараб, жоно, тушумда жилвагар бўлдинг,  
Эшонбек, Қорихон деб айлади илҳом, айлансун.

Рухинг зеболиғидин андалиблар жон чекиб, афғон,  
Ўқуб минг дoston ишқингда, Гуландом, айлансун.

Юзи атрофида тебрансун ул кокуллари, айтинг,  
Насими жон бошимға келса бир фаром, айлансун.

Хами абрў билан савдосидин ман айланай ялғуз,  
Бошингдин ою кунлар, даври нофаржом айлансун.

Агарчи дилда бордур кўп паривашлар таманноси,  
Ва лекин санга кўпдур эътиқодим том, айлансун.

На танхо айлади Завқий мувашшах, ёр, исмингни,  
Мукиму Фурқатий айлаб эмиш эълom, айлансун.



---

\* Кўп нукта ўрнидаги мисра матида тушиб қолган.



\* \* \*

Манинг ахволи зорим сўргали ороми жон келсун,  
Латофат боғида битгон ўшал рухи равон келсун.

Лаби лаъл-у, кўзи наргис, кади сарву санавбардур,  
Жамши махлиқолар ичра ошуби жахон келсун.

Анинг хусну жамолини нечук ман шарх айларман,  
Паривашлар аро рухсори мисли арғавон келсун.

Санинг хажрингда, эй жоним, карору тоқатим қолмай,  
Бўлуб ёдингда, эй махваш, юзим мисли хазон, келсун.

Раводурму манго мунча жафою жавру кулфатлар?  
Жамоли орзусинда бўлубман нотавон, келсун.

Манинг арзимни, эй боди сабо, арз айла дилдора,  
Манинг кулбамга лутф айлаб шақарлаб меҳмон келсун.

Салом айғил, агар Бозорқўрғонга гузар этсанг,  
Насимо, Андижон сори нигори меҳрибон келсун.

Анинг хар бир сўзиға жон нисор этсам, ажаб эрмас,  
Соғиндим дўстлар, эмди ўшал ширинзабон келсун.

Карору тоқатим олди манинг сарви хиромоним,  
Кўзимга жилвалар айлаб нигорим дарзамон келсун.

Хаёли дилгадур хамдам, висоли жонима марҳам,  
Кўнгулни айласун беғам, ўшал сарви равон келсун.

Ўшал махваш жамолиға чунон муштоқимиз мунда,  
Ўлар холатга етдим, бир табиби меҳрибон келсун.

Нихон этмиш анинг номини Завқий байт аро, тоқим,  
Ўқуб ул позанин ёрим, ракиблардин ниҳон келсун.



\* \* \*

Аё, эй роҳати жоним, санго қул бўлғоним бўлғон,  
Кўнгул тахтига султоним, санго қул бўлғоним бўлғон.

Кўруб зебо жамолингни, талаб қилдим висолингни,  
Қилур кўнгул хаёлингни, санго қул бўлғоним бўлғон.

Муяссар бўлсанг, эй ёрим, фидо айлай, йўқу борим,  
Етушмас нолаю зорим, санго қул бўлғоним бўлғон.

Юруб мастона-мастона, хироминг қилди девона,  
Халойиқ қилса афсона, санго қул бўлғоним бўлғон.

Соғиндим, ёри жононим, нега сўрмайсан аҳволим?  
Эшит арзим, қадрдоним, санго қул бўлғоним бўлғон.

Боқиб бир йўл, қилиб ханда, ўзинга айладинг банда,  
Ақл, хуш қолмади манда, санго қул бўлғоним бўлғон...



---

\* Ғазалининг охири йўқолган.





\* \* \*

Ман ики дилдор топдим, офати даврон экан,  
Орази гул, хўбрўлар хайлида султон экан.

Лаблари шахду шакардур, сўзлари канду асал,  
Барча махвашлар етолмай васлига гирён экан.

Ул латофат гулшанинда парвариш топган учун,  
Доимо ошиқлари шому сахар нолон экан.

Ошиқ ўлдум иккисининг хусну атвориғаким,  
Иккиси ҳам чун булуғда мисли йўқ жонон экан.

Бир-бириға ёр бўлмиш икки дилбар ёрлар,  
Лахза-лахза иккиси ҳам васлиға жуён экан.

Дод этмай найласун ошиқлариким, хар бири  
Қатл учун ул қоши «ё»лар кифриги пайкон экан.

Лоларухлар, хушсуханлар, икки шахрошублар,  
Дилраболар, махжабинлар лаблари хандон экан.

Лахжаси ширин, каломи жонфизо дилдорлар,  
Рост айтсам, иккиси ҳам нодири даврон экан.

Хар ким инкор айласа сизларға, эй маҳбублар,  
Бовар айланг, бокмайинким, акли йўқ, нодон экан.

Жоним ўртар ул паривашлар ўти, афсуским,  
Ўртагоним, куйгоним, маҳбублар, пинхон экан.

Не бўлур, ул дилраболар хар замон ёд этсалар,  
Хаста Завқийники, ул ҳам лойиқи эҳсон экан.



\* \* \*

Гунаҳ қилмоқдин, эй тан, ўйла, куйгонингга арзирму?  
Бу янглиғ минг йил умринг бир кун ўлгонингга арзирму?

Юурсан айш бирла лаззати нафсу ҳаво истаб,  
Жаҳон ширинлиги боталҳаи жонингга арзирму?.

Йиғитлик қувватини сарф этиб беҳуда ишларға,  
Қарифон вақтдаги афсусу армонингга арзирму?.

Жаҳоннинг гирудори, салтанатда шоҳлиғ тахти,  
Қаро ер остида бир кеча ётгонингга арзирму?

Таадди, зулм ила бу жамъ қилғон мулку амволинг  
Кетар фурсатдаги ҳоли паришонингга арзирму?

Минар бўлсанг сихатликда агар тозийнажод узра,  
Яғоч от фикрини қилғилки, жавлонингга арзирму?

Эрур машриқда хуршиди ҳаётинг, тавба қилмайсан,  
Чинқар бўлгонда мағрибдин пушаймонингга арзирму?

Тириклик борида иста ҳақиқат ёрин, эй Завқий,  
Мажозийларни васли сўзи хижронингга арзирму?.





## ФАРҒОНА

Фалак, афсуским, дастингда обу дона, Фарғона,  
Хаводис оташида айладинг вайрона, Фарғона.

Кеча-кундуз, халойиқ, жаҳд ила айш истадингизлар,  
Мукофотиға бўлди жумлага ғамхона, Фарғона.

Қилиб бойликни шукрин, ҳайру эҳсон этмадингизлар,  
Кўрунг, оз кунда мухтож ўлдилар эҳсона, Фарғона.

Машойихлар риёсиз айламас бир таквию тоат,  
Риёдин холи ўлмай хонақоҳу хона, Фарғона.

Мударрис дарсгўйлиғ қилмади авқофсиз харгиз,  
Эмас рўшною холим, олдилар моёна, Фарғона.

Тамоми козию аълам иши бўлди ришвату пора,  
Хама авқоти бўлди эрта-кеч сулхона, Фарғона.

Хама савдогар аҳли бирга ўн фойда талаб қилди,  
Харид этмоқда ўрганди хама ялғона, Фарғона.

Вафо жон дўстлардин истамангиз, жабр кўргайсиз,  
Биродарсиз, кани аҳду кани паймона, Фарғона.

На ялғуз бўлса очлиғ, балки тўфони бало ёғди,  
Етимлар ноласиндин тўлди бир афғона, Фарғона.

Тузарга янги меҳмона муаммои азал тархин,  
Муносиб бир бино айлар келар меҳмона, Фарғона.

Бихамди-глаҳки, Завқий, ушбу майдин нўш қилдинг сан,  
Асири доми ғам, бир гўшаи майхона, Фарғона.



\* \* \*

Бошимға тушуб шўриши савдойи Мадина,  
Кўнглумға яна доғи таманнойи Мадина.

Доғи жигарим дилда ниҳон лола кабидур,  
Кўргайму дебон лолаи сахройи Мадина.

Фирдавс тамошоси дилим истамагайким,  
Кўнглум мани муштоқи тамошайи Мадина.

Айларму Худованд яна манга насиба?  
Бўлмас янадин бодияпаймойи Мадина.

Ризвон дилида жаннат аро ушбу надомат,  
«Ман бўлмадим анда чаманоройи Мадина».

Фирдавс қусурини хавас айламагайман,  
Бир бўлса муяссар манга маъвойи Мадина.

Кимхоб ила атлас на керак, бўлса мухайё,  
Бистарға агар мрамару хоройи Мадина.

Танг ўлди дилим халқи жахон шўру шаридин,  
Ё раб, карам эт гўшайи танхойи Мадина!

Эй, кошки Завқийга Худо қилса насиба  
Ким, бўлса эди жон била сакқойи Мадина.





\* \* \*

Манки солмазман назар гулшан гули раъносина,  
Бокмазам харгиз фалак меҳри жаҳоноросина.

Лолаю сарву санавбар, гулни манзур айламай,  
Бохмайин гулчеҳраларнинг қомати зебосина.

Оҳким, этди фалак ошиқ бани саргаштани,  
Гулписар маҳбубларнинг барчадин аълосина.

Этмадим манзур, гарчи маҳжабинлар, шукрким,  
Банда бўлдум хўблар хайлини бир мирзосина.

Суврати хуснин назора айлайин, солмам назар,  
Боғ аро садбаргу лола, наргиси шаҳлосина.

Форат этди ул пари яқбора нақди ишқими,  
Эмди солмазман назар дунёю мофиҳосина.

Раҳмат айтур халқ доим ул париваш ёрима,  
Офарин айлаб яна одобу истиғносина.

Жонима ўдлар тушуб рухсори оташнокидин,  
То назар солдум жамолу хусни беҳамтосина.

Орзу қилманг жамоли Юсуфи Мисрий агар,  
Айла наззора нигорим суврати зебосина.

Не ажаб, манзур ўлгач бўл мувашшах, ул пари.  
Айласа меҳру муҳаббат Завқийдек шайдосина.





## НЕТАЙ

Ёр келур замона йўк, келмаса-келмасун нетай,  
Сарф этарға хазона йўк, келмаса-келмасун нетай.

Маскани кўз ичра десам, мардум аро калон экан,  
Таклиф этарға хона йўк, келмаса-келмасун нетай.

Эски бузук харобада чуғздек айладим ватан,  
Бир тузук ошёна йўк, келмаса-келмасун нетай.

Манъ этарга келмагин, кўп эмиш истихоралар,  
Мундин ўтар бахона йўк келмаса-келмасун нетай.

Таъни занонлар ўқлари кўксимизи хадаф килур,  
Келмагиндин нишона йўк, келмаса-келмасун нетай.

Журъаи жоми васлидин бермаса-бермасун менга  
Базми майи муғона йўк, келмаса-келмасун нетай.

Кундузи партав афканим бўлмаса шамъи анжуман,  
Ваъдаси бир шабона йўк, келмаса-келмасун нетай.

Жону-қўнгулни(нг) торини соз чекарға шунчаким,  
Мутриби хуш тарона йўк, келмаса-келмасун нетай.

Кўзни тикиб кудумига токай ўлурман интизор,  
Илмаса кўзга кулбами, келмаса-келмасун нетай.

Ишқ элини(нг) додига солмаса юрту эл кулоқ,  
Одили бир замона йўк, келмаса-келмасун нетай.

Ул кўзи ваҳшимиз буён бўлмаса ром не ажаб,  
Завқийда дому дона йўк, келмаса-келмасун нетай.



## НАСИҲАТ

Жахонда камсухан ким бўли, асрори нихон бўлди,  
Кимики сўзлади кўп, билки, расвойи жахон бўлди.

Назокат ортурай десанг, мисоли ғунча хомуш бўл,  
Надинким оғзини то очди гул, барги хазон бўлди.

Чаманда арғувондек сураторо бўлмағинг хўб йўк,  
Пишарда мевасиз шармандадур, сирри аён бўлди.

Дема машхур бўлмоқ яхши, буғдой донаси пинхон,  
Дарахти қилди жавлон, сарғайиб охир самон бўлди.

Биродар, ол мени(нг) пандимни, ўз қадингни синдирма.  
Киши ўз иззатини билмади, охир ёмон бўлди.

Агар иззатталабсан камнамолиғ орзусин қилғил,  
Қаю ажнос бисёр ўлса суди йўк, зиён бўлди.

Садафлар кўп оғиз очмак билан кўкси бўлур холи,  
Ки баъзиси лабин кам во қилиб дурри ягон бўлди.

Э Завкий хаста, оғзинг кам очиб, ибрат кўзинг очғил,  
Ажабким қўл якода юргудек турфа замон бўлди.





\* \* \*

Айни назарда ногоҳ кўз ул жамола душти,  
Кўнгул дегон асирим юз минг хаёла душти.

Ой оразина боқиб, қолди хижолат ичра,  
Йўкса, камар юзина нечунки хола душти.

Давронда мен баланд деб, қилди уруж хуршид,  
Урди юзин уёлиб, кам-кам завола душти.

Лаъли лабингда, жоно, холингни қора курдум,  
Лаззат топиб чибинлар гўёки бола душти.

Хушрангликни шуҳра қилғонда чун Амирий,  
Қочиб шаҳар ичидин сахроға лола душти.

Ўз тоқатиға боқмай, ҳамранглик қилиб гул,  
Шабтоб шамнамидин бошиға жола душти.

Назме қилибки Завкий васлига етмак учун,  
Қилди мувашшах оғоз, Фурқат висола душти.







\* \* \*

Афсус, хасратоки, мадори жаҳон қани?  
Шайхи баланд мартаба, қутби замон қани?

Иршод элининг зубдаси, автоду қудваси,  
Султони бовалояти сирри нихон қани?

Хар дам маорифин эштиб, дил сафо эди,  
Йўқ бўлди орифим манинг, нури аён қани?

Пири ҳақиқий, пешвойи машойихдин айрилиб,  
Кон йиғласам, топилмас, ул оромни жон қани?

Дарёин илм, маъдани хилм бўлдилар фано,  
Эй нақди моя, гавхарим, эмди кон қани?

Йиғлаб фироқи Каъбада, Ҳақнинг ризоси деб,  
Жон бердилар, мазори улуғ остон қани?

Умрин ахир вақтида хижрат қилиб пирим,  
Бир тарқи суннат этмади, пири муғон қани?

Офоқи вақт, Ғавси маҳал, Саъдийи Сонийдур,  
Анқойи ҳол, Завкий, баланд ошён қани?





\* \* \*

Кўрдингизму, эй ахбоб, ранг-баранг балоларни,  
Бир-биридин ортуқроқ дарди бедаволарни.

Тангдастлиғнинг отин кўрмагон киши йўқдур,  
Фарқи йўқ бўлуб колди шох ила гадоларни.

Жон рамаққа етилар «мол» дебон, биродарлар,  
Молпарастлик айланг аввал ағниёларни.

Таъна йўкидин тавба бу замона осибн,  
Ҳеч бири ижобатсиз айлагон дуоларни.

Кўрмагон, бешакдур, ул насли одам ичра бир,  
Ҳеч қулоқ эшитгон йўқ бўйла можароларни.

Фойдага ҳарис ўлманг, меҳнатингиз ортуқча,  
Чунки хосият бермас суди кўп бахоларни.

Эй хаваснинг ахбоби, сизга тобакай, точанд,  
Собит айлағай тақдир жумла муддаоларни.

Сабр этинг, биродарлар, айланур бу чархи дун,  
Ҳосил этгуси токай коми худнамоларни.

Бизга, эй муосирлар, Тангри ўзи раҳм этсун,  
Эй замон эли, қўйманг, тилдин авлиёларни.

Завкий, дема чун-чаро, бандалиғнинг шартидур,  
Сабр кил балоларға, тут ризо қазоларни.





\* \* \*

Дариф, умри азизим, хайфким, исён илан ўтти,  
Ажал ёди кўнгулда турмади, исён илан ўтти.

Азоби охират, ваҳми киёмат, нома паррон бор,  
Надомат қилмай, умрим шод ўлуб, хандон илан ўтти.

Сирот отлиғ гузаргах, сидки дил-ла Ҳаққа ёлборган,  
Сахар тургон, худо дегон киши осон илан ўтти.

Жаҳолат бирла юрдим, суҳбати марди Худо топмай,  
На Ҳақ ёди билан кўнглум, на кўз гирён илан ўтти.

Агарчи наҳйи билдим, нафси шайтон раъйига кирдим,  
Гуноҳи ошқоролар килиб пинҳон илан ўтти.

Таассуф қилмадинг ҳеч химмати мардона ҳақларға,  
Ажал дарвозасидин давлати имон илан ўтти.

Йигитлиғ давлатин кўрдинг, қарилиғ иззати етти.  
Қани шукринги, ризкинги неъмат алвон илан ўтти.

Единг, ичдинг, гунаҳ қилдинг, неча ғафлат билан ётдинг,  
Баҳойимтийнат ўлдинг, сийратинг инсон илан ўтти.

Жаҳон боғи аро гул фаслида булбулни кўрдингму,  
Фигону нолалар айлаб сахар, нолон илан ўтти.

Ғанимат умр, ғофил бўлма, ўтган жумла ёроннинг,  
Тарикат борасинда хизмати мардон илан ўтти.

Ўзинг инсоф қилғил, ақлу дониш лофини урма,  
Тамоми умр. Завкий, суҳбатинг нодон илан ўтти.



# МУХАММАСЛАР



\* \* \*

Фурсат ғанимат, ахбоб, миллатга кўз очайлик!  
Саъй ила жону дилда химматга кўз очайлик!  
Дину диннат истаб, ғайратга кўз очайлик!  
Ҳақ амри фарз бирла суннатга кўз очайлик!  
Умр ўтти ғафлат ила, ибратга кўз очайлик!

Бу кунда бошга тушгон савдони ҳеч унутманг,  
Қўргон қиёмат охин ғавғони ҳеч унутманг,  
Ҳар кимса онт ичарлик даъвони ҳеч унутманг,  
Бу ваҳм бирла эмди уқбони ҳеч унутманг!  
Поси шарият айлаб, хизматга кўз очайлик!

Хуррияту мусовот ёндирдулар чироғин,  
Маҳкам тутунг бу фурсат шаръи шариф яроғин,  
Истанг амаллик олим фатвосининг сўроғин,  
Очинг аҳолиларнинг ғафлатда қар қулоғин,  
Бас эмди сустдинлик, журъатга кўз очайлик!

Истанг ҳукуки диний, якраг эмиди ҳукумат,  
Уйкудин уйғотинлар, хожотталаб раият,  
Бўлди шиори ислом истарга бизга рухсат,  
Жонларга қўйса миннат, истар кишига раҳмат,  
Бемор аср ўтти, сиххатга кўз очайлик!

Уммидимиз гули ҳам бу навбахор очилди,  
Қон ёшлар оқғониға юз лолазор очилди,  
Ҳар ерда оби раҳмат лайлу наҳор очилди,  
Сармаст эдик хамиша, эмди хумор очилди,  
Хушёр ўлуб, муваққат суҳбатга кўз очайлик!

Алхамдулиллоҳ, бўлди равақ фиёо шарият,  
Қилди замона сайқал, топди жило шарият,  
Ҳар гўши қар эшитсун, қилди нидо шарият,  
Йўл бошлади тутуб қўл, бу раҳнамо шарият,  
Қўб йил азоб чектик, жаннатга кўз очайлик!

Бўлғон вакил бизга, эй, мутлакул-инонлар,  
Тангри ато қилибдур, хол ўзгариш замонлар,  
Миллат хазойинина, эй, яхши посбонлар,  
Сарф айланг ушбу йўлда бош бирла нақди жонлар,  
Бир иш қилинги, Завкий, хайратга кўз очайлик!<sup>3</sup>

## АЖАБ ЭРМАС

Бу кунлар бошимизда бир саҳоб ўлса, ажаб эрмас,  
Мунаввар зимнида бир офтоб ўлса, ажаб эрмас,  
Бу давлат сув юзинда бир ҳубоб ўлса, ажаб эрмас,  
Кўрулса суврати, асли никоб ўлса, ажаб эрмас,  
Очилса пардалар юздин, хижоб ўлса, ажаб эрмас.

Дуоя қўл очиб, аз тахти дил йиғланг, мусулмонлар,  
Заиф ўлди, билурмусиз, бу нуқсон бирла иймонлар,  
Худого ялбаринглар, кетмасин кўнгилда армонлар,  
Буродарлар, азизлар, яхшилар, аҳбоб ёронлар,  
Дуолар Ҳазратига мустажоб ўлса, ажаб эрмас.

Насими жонфизо беморларга, эй сабо еткур,  
Хазон пажмурда бўлганларга бир оби ҳаво еткур,  
Қўй эмди биз билан бегонани, бир ошно еткур,  
Ғадомиз, бошлар узра соялар солсун, Ҳумо еткур,  
Муқаррардур, замона инкилоб ўлса, ажаб эрмас.

Шариат нури бирлан арсаи оламини анвар қил,  
Бисоти салтанатга зийнати исломни зевар қил,  
Амири адл густар, ҳукмрон мазлумпарвар қил,  
Асоси зулм дафъин қил, адолатпеша сарвар қил,  
Адувлар қор бори ихтисоб ўлса, ажаб эрмас.

Шиори шаръ бирлан зийнат афзо бўлса Фарғона,  
Ҳавоси руҳпарвар ҳам дилоро бўлса Фарғона,  
Жаҳон аҳлига гўё дафъи савдо бўлса Фарғона,  
Тонг эрмасдурки, гўё жаннат осо бўлса Фарғона,  
Бўлуб туфроғи анбар, сув гулоб ўлса, ажаб эрмас.

Ўтуб бир қарн, аҳбобим, жаҳон обод кўргайсиз,  
Жаҳон аҳлини қайғу қайдидин озод кўргайсиз,  
Гирифтори алам эрмас, хамани шод кўргайсиз,  
Авалги ўтгану кетган кўнгилда ёд кўргайсиз,  
Қариган чоғда бир аҳди шабоб ўлса, ажаб эрмас.

Башоратларни билсанг, Завқий олам огаҳидиндур,  
Бу раъй, албатта, ислом аҳли бўлса, матлабидиндур,  
Бўлур бир қанзи махфий ошқоро деб жалидиндур,  
Деган тарихлар ул Неъматуллоҳ Валидиндур,  
Бу сўз валлоҳу аълам биссаваб ўлса, ажаб эрмас<sup>1</sup>.



\* \* \*

Фалак иликида гуногун балолар бор экан мундоғ,  
Вафосиз даҳр ичинда бевафолар бор экан мундоғ,  
Ситамгар чархдин рангин балолар бор экан мундоғ,  
Балолар ёғдуран боди хаволар бор экан мундоғ,  
Ўз ўғлига муҳаббатсиз атолар бор экан мундоғ.

На деб оху наво қилмай бу кажрафтор дастидин,  
Бошимга ғам кетурган ушбу пурозор дастидин,  
Фигони андалибдур доимо ул хор дастидин,  
Изоларни кўруб озурдаман бисёр дастидин,  
Фано мулкида сайр этган анолар бор экан мундоғ.

Бирор ғамхору мунис йўкки, ифшо айласа холим,  
Қулок солса, эшитса, лахза-лахза арзи ахволим,  
Баён қилсам, кўнгулда қолмаса бир қийл ила қолим,  
Мани мазлума зулм айлаб, бариси бўлдилар золим,  
Тараххум этмаган бемехр анолар бор экан мундоғ.

Нечук дод этмайин бул кун манга ҳеч ким бўлолмайдур,  
Дема улфат билан ғамгин дилим беғам бўлолмайдур,  
Паришондур дилим, бир бор хотиржам бўлолмайдур,  
Зиёда бўлди дердим бора-бора, кам бўлолмайдур,  
Жахон ташвишидин фориг уколар бор экан мундоғ.

Атолик кул эрурман, ўз кулимга ихтиёрим йўк,  
Жамоалар ичинда бир гадодек эътиборим йўк,  
Ғарибу бекасу афтодаман, хешу таборим йўк,  
Хама бешафкату гўё мусофирман, диёрим йўк,  
Валек бегонага ўхшаш тағолар бор экан мундоғ.

Чикиб бошим олиб, дунё кезиб бир ёр ахтарсам,  
Ғамимни шарх этарга дардлик ғамхор ахтарсам,  
Дилим хушнуду хуррам этгудек дилдор ахтарсам,  
Ўзимдек бағри бирён, сийнаси афғор ахтарсам,  
Мурувватсиз қариндош, ақраболар бор экан мундоғ.

Буларнинг зулмидин юз дод, бедод айламай найлай,  
Куюб зор ингрануб, дардида фарёд айламай найлай,  
Машаққат бирла ўтган кунларим ёд айламай найлай,  
Танимни қайди ғамдин, Завқий, озод айламай найлай,  
Ямону яхши неча ошнолар бор экан мундоғ.

## ЮЗИНГНИ КҮРСАТИБ

Юзингни кўрсатиб аввал, ўзингга бандалар қилдинг,  
Яна кўнглум олиб юз ноз бирла хандалар қилдинг,  
Жамолинг партавин сочиб, ажойиб жилвалар қилдинг,  
Масихдек бир боқишда мурда жисмим зиндалар  
қилдинг,  
«Сенга мен то қиёмат ошно», деб ваъдалар қилдинг.

Қани менга вафойи аҳд қилганинг, гули ғунча?  
Қани булбул сифат олдингда тургоним очилгунча?  
Қани бизларга ҳамсухбат рақиблардек тонг отгунча?  
Сани дарду фирокинг айтиб-айтиб йиғлай ўлгунча,  
На деб, э меҳри йўқ, мен хаста қулга ғамзалар қилдинг,

Деб эрдинг: кеча-кундуз мен сени ёринг бўлурман деб,  
Тикондек сухбатингда бир гули норинг бўлурмен деб,  
Жафони сенга оз айлаб вафодоринг бўлурман деб,  
Умидим кўп эди ёлғиз харидоринг бўлурман деб,  
Ажаб ким халқ ичида булҳавас деб шиквалар қилдинг.

Менга мардумлар айди: «Берма кўнгил бевафо ёра,  
Сени овора айлар, аҳди ёлғондур ситамкора,  
Вафоси йўқ, ишонма сўзига, шўхи жафокора»,  
Дедимким, носихо, инъоми кўпдур ошики зора,  
Нетай, э бемурувват охири, шармандалар қилдинг.

Тариқи ошнолиғни бузиб номехрибон бўлдинг,  
Мени жононим эрдинг, энди кимга жонажон бўлдинг,  
Неча кун менга улфатлик қилиб оромижон бўлдинг,  
Кўзимни мардумида неча соат меҳмон бўлдинг,  
Қаландардек танимға ғам ҳаририн жандалар қилдинг.

Кима айтиб, кима йиғлай бу золим ёр жафосини,  
Ҳақиқат қилмаса маъшуқ деган ошиқ хатосини,  
Ҳамиша фурқатин тортсам, рақиб кўрса вафосини,  
Қаю Лайлисифат мундоқ қилур Мажиун гадосини,  
Юзингни бир кўрай десам қўлингни пардалар қилдинг.





Агар билсам эди бегона бўлмок ихтиёрингни,  
Бошимга солмас эрдим, беҳуда савдойи корингни,  
Хама айтур: нечук қилдинг, ўшал мастона ёрингни,  
Қўнгўлда гинаси бор, арз қил ахволи зорингни,  
Солиб бўйнимга хажринг занжирин бадкардалар  
қилдинг.

Юрагим раҳна бўлди, бас қил истиғнони, жононим,  
Фироқинг торта-торта ёшлигимда кетди дармоним,  
Арозингни қўйиб, лутф айласанг ҳеч йўқдур армоним,  
Қўзим нури, танимнинг қувватисан, эй дилоромим,  
На хуб бир неча кун Завқий қулингга шевалар қилдинг.





## ДЕМИШ ХОН

Чекиб хасрат демиш хон, шахри Хўқандимдин  
айрилдим,

Иним Султон Муродбек эрди пайвандимдин айрилдим,  
Ки Насриддин деган шахзода дилбандимдин айрилдим,  
Яна Ўрмонбек отлик яхши фарзандимдин айрилдим,  
Бошимда тож, белим узра-камарбандимдин айрилдим.

Кўриб давлат фурурин юрту элдин беҳабар бўлдим,  
Заволининг кўриб, дўстлар, хазондек ғам билан сўлдим.  
Гуноҳсиз нечалар мўю соқолин тердириб юлдим,  
Мукофотин кўриб, дўстлар, ажал келмай тирик ўлдим,  
Қолиб бу ерда ғамлар бирла, хурсандимдин айрилдим.

Чиқардим бидъат ишларни хазина бўлса шояд деб,  
Ижора бирла таг жойи олурдим тўлса шояд деб,  
Хушомадгўйларим ўргатдилар хон кулса шояд деб,  
Фақир бечораю бе хонумонлар ўлса шояд деб,  
Ёмонлар сўзи бирла яхшилик пандимдан айрилдим.

Кауфманга мураса деб килурдим ошнолиғни,  
Кўтарди ул кўнгилнинг хонасидан рўшнолиғни,  
Шариатга солиб раҳна қилардим беҳаёлиғни,  
Бериб султонлигимни мен сотиб олдим гадолиғни,  
Хазина ичра ях дону саноч ганжимдин айрилдим.

Хароб ўлдим бу ерда билмадим ободлик қадрин,  
Кишига қул бўлиб билдим бугун озодлик қадрин,  
Кўриб меҳнат, машаққатлар билибман шодлик қадрин,  
Шикоримдан қолиб фаҳм айладим сайдлик қадрин,  
Қўлимдан кетди давлат оҳуси сайдимдан айрилдим.

Васиқа бузганим, албатта, бошимга бало бўлди,  
Тушиб эл ичра ғавғо шўру шарга мубтало бўлди,  
Раият тортди тиф шохига, найлай, беҳаё бўлди,  
Тутиб Офтобачи бирла ҳамма лашкар адо бўлди.  
Захар бўлди еган ошим, ширин қандимдин айрилдим.

Менингдек ҳеч мусулмон хонавайрон ўлмасин ҳаргиз,  
Қидирмиш-қилмишига ҳеч пушаймон ўлмасин ҳаргиз,  
Хижолатдин юрак-бағри тўла қон ўлмасин ҳаргиз,  
Худоёрдек яна ҳеч бандаси хон ўлмасин ҳаргиз,  
Хусусан Марғинову Завқий жон Андимдин айрилдим.

---



## МЕН КИМГА ДЕЙ

Дилдаги розимни, эй, боди сабо, мен кимга дей,  
Сен кўнгул сиррига маҳрам ошно, мен кимга дей,  
Чекканимни зулму бедоду жафо, мен кимга дей,  
Хасратим кўп, бир париға мубтало мен кимга дей,  
Ишқида куйган юрак бағрим адо мен кимга дей.

Қайда зикри шахд этай, ширин мақолимни демай,  
Гулни(нг) васфи йўк керак, рухсори олимни демай,  
Сарвлар фикри керакмас, навнихолимни демай,  
Хусн мулкин шохи бўлса арзи холимни демай,  
Термулиб йўлидаги ётган гадо мен, кимга дей.

Андалиби боғ ўлиб илхон чекардин тинмадим,  
Гох-гохи нолайи пинхон чекардин тинмадим,  
Савти гулбонги садо нолон чекардин тинмадим,  
Гул юзингни шавқида афғон чекардин тинмадим,  
Бу чаманда булбули дostonсаромен, кимга дей.

Қўрмаган кимдурки ошиқларни охи сардидин,  
Бестун тоғидаги Фарходи гампарвардидин,  
Бу жунун саҳросида Мажнуни олам гардидин,  
Ақл носих, ишқ бебок иккисини(нг) дардидин,  
Айта олмай ҳеч кимга бу можаро, мен кимга дей.

Сокиё, садқанг бўлай, бир нўш тутғил Завқийға,  
Йўк ғалат дерман шароби хуш тутғил Завқийға,  
Риндлар ичра майи мадхуш тутғил Завқийға,  
Гарчи икрохи табиат гўш тутғил Завқийға,  
Сенга демай арзихолим, дилрабо, мен кимга дей.

\* \* \*

Эй кўнгул, фурсат ганимат, йиғла хар шому сабо,  
Бу замона фитнасини кўл очиб айла дуо,  
Халк аросинда таажжуб бўлди бир фирка бино,  
Малла тўн эгнига кийгон, ўзлари ахли фино,  
Диллари пурдур гунаҳдин, суврати сўфинамо.

Доимо дунёни фикри, ишлари судхорлиғ,  
Йўк эрур тийнатларида зарра мардумдорлиғ,  
Ўтқарур авкот эшиқларда, қилиб беорлиғ,



Кўнглида тазвиру макру хийлаю бадкорлиғ,  
Қўлда тасбиҳ, белда сажжода, тилида раббано.

Ҳар киши кўрса вужудин, «Кел бери, муфлис! — дегай,  
Қалтираб тоқай юрурсан, ман закотингни берай!»  
Титраб айтур: «Мискину бечораман, қандоғ қилай?!»  
Етти кунлик қолғон ошини кўюр бўлса, дегай,  
Йиғлаб айтур: «Эски тўн бўлса, беринг хожатраво!»

Ойига тиллоки беришгаки олгай судини,  
Қилмағай ҳаргиз ижора, билмағай беҳбудини,  
Хиндую тарсо қилолмас ушбу иш мавжудини,  
Жузялар айлар, ўшал ҳам навъи эҳсон, жудини,  
Эл кўзига бўлмаёй ўлсун зохири аҳли сафо!

Қайди дунёлиғ учун хафтоду ду миллатга хеш,  
Баъзига айлаб хушомад, баъзига келтурди пеш,  
Суди йўқ одамни кўксига урор охиста ниш,  
Хотири ғамгин бўлиб, бўлғай юроги реш-реш,  
Ботини занги кудурат, таклидидур порсо.

Ҳирс аҳли, хизмати пири муғон қилмай ўлинг!  
Амри маъруф, наҳйи мункардин баён қилмай ўлинг!  
Эл кўзидин, жамъ этиб зарни, ниҳон қилмай ўлинг!  
Нафси сағни доим анда посбон қилмай ўлинг!  
Бош қўюб ётгил зар узра, эй, ниғаҳбон аждаҳо!

Макру найранг ишларида, важҳида шайтон шарик,  
Бошида оқ дўффи, пойида кафш, маҳси чирик,  
Гох панжшанба кунда қайнатиб ичгай филик,  
Мисли Корундек бўларни, эмди Мирпўстин тирик,  
Ёки ёғдирсун бошиға тошлар сўйи само.

Хонақоҳ ичра қочарларким харобот ўлғали,  
Қиш узун салла қилиб, соҳибмуножот ўлғали,  
Яхши ушбу фикрлик марги муфожот ўлғали,

.....\*

Қайдоғ айлай, бу замона ичра бўлди беҳаё!!

Завқиё, қилдинг шикоят неча нурхор аҳлидин,  
Динини дунёга сотгон жамъи бадкор аҳлидин,  
Ҳирси дунёга фирифта баъзи беор аҳлидин,  
Эҳтиёт эт, домига тушма, бу маккор аҳлидин,  
«Ётмиш икки, — деб, гуноҳимдур», хабар берди яно.

\* Кўн нукта ўрнидаги ишара йўқолган.



## ЗАБОН ОЧДИМ

Забон очдим, килай тавсифини аввал калам коша,  
Насибинг бу эрур деб солди хижрон захридин оша,  
Қилибдур ваъда мендин ёшурун бир-икки ўйноша,  
Кима дод айлайн, ёр ўлди ёрим неча авбоша,  
На суд эмди фиғону нола қилсам бош уриб тоша.

Қачонким хор янглиғ гул рухинг васли аро бўлдим,  
Жудолик ихтиёр этганда мен япроқ каби сўлдим,  
Самуми ғам келиб тегди, алам борониға тўлдим,  
Видойи қилдим кўргил, қаро бахтимни ким, ўлдим,  
Муяссар бўлмади юзина боқмоқ кўз тўлиб ёша.

Насихат этмагил, ахли фасохат, айлама таън ҳам,  
Фидо қилдим нигорим йўлида жоним била тан ҳам,  
Кўриб бир лаҳзасин таън этмагил, содда эмас ман ҳам,  
Мени айб этма, бердинг нақди жон деб, зоҳидо сан ҳам,  
Эрур савсар олиб ой эгри қўйса бўркини боша.

Қаю жонбоз ошиқ жонини жонона бермишдур,  
Фироку Фуркатий хижрон ўтина ёна бермишдур,  
Ғадоларга азал султони бир дурдона бермишдур,  
Ғами ишқинг кўнгулни захм айлаб қона бермишдур,  
Ажабдурким, саховат айламиш султон қаллоша.

Умид айла Муқимий кўйида кўп нола қилдурди,  
Толиб Нусрат ўзини тиғи Фуркат бирла тилдурди,  
Ўшал Муҳий кушиға Нисбатий Завқийни илдурди,  
Нихон дардингни кўз қон ёш тўкиб оламға билдурди,  
Гирифтор ўлмасун Ғозий каби ғаммоз йўллоша.





\* \* \*

Фарёд, эй гардуни дун, юз додлар сандин букун,  
Килдинг бизи мотамзудо сан-сан сипехри нилгун,  
Бошларга солдинг фитнадим найранг била турли ўюн,  
Бу зор сар то по чигал бўлди, тугун узра тугун,  
Доим замонанг инкилоб, давронинг ўлди бесукун.

Эй чарх, давринг илгари мундоғ замон кўргонмуди?  
Ёинки мундоғ даврни ахли жахон кўргонмиди?  
Бир номлик анко масал жумла ямон кўргонмуди?  
Тўфони Нўхи набий бу мавжи кон кўргонмуди?  
Хасратда ўлдурдинг бизи, эй вожгун, эй вожгун!

Очлиғ, вабодин вахми жон хам болшувикдин хам дейин,  
Бу жумладан тинчитмади хам эртаю кеч ўғридин,  
Хар ерда хар мансаб учун бўлди адоват бирла қийин,  
Душвор иши бечоралар хам бўлди, бойларга қийин,  
Эй, саъди кавкаб, бормусан, бу мунча толеълар забун?!

Фафлатда кўп-кўп ухламанг, ахли замона, ўйғонинг,  
«Оллох» демакка кечалар топиб баҳона уйғонинг,  
Ташлаб риё, жон шайхлар, ўқуб, дугона, уйғонинг,  
Хар марди Ҳақ бир оҳ ила зулми ямона уйғонинг,  
Шоядки, Хизр ила Фиёс бизларга бўлса раҳнамун.

Бу инкилобий даҳрда токай бўлар бу доругир,  
Ё раб, ўзинг осон қилиб, лутф айла бир одил амир,  
Бирни дуосин қил қабул, хоҳи сағир, ўлсун кабир,  
Бир софтийнат хукмрон то бўлмаса равшанзамир,  
Бу лавхи оламдин қачон махв айлағай нақш фусун.

Ё, раб шифое қил карам биз осийи маъюбга,  
Юв, чирки ғамдин тоза қил, бу чашман Айюбга,  
Айлаб иноят, восил эт толиблари матлубга,  
Кўн мунтазир, муштоқмиз бир Махдийдек махбубга,  
Еткур висолнга бизи, кўн бўлди хижрони узун.



Бу ер юзини мунча хам мотамсаро қилдинг, фалак,  
Ҳар кимсаға юз миңг балони ошно қилдинг, фалак,  
Ҳар дарди оламсўз этиб, кўп бедаво қилдинг, фалак,  
Бизларға юз жабру жафолар борхо қилдинг, фалак,  
Ҳушу хираддин айрилиб, бўлдик хама ахли жунун.

Ким ҳукмрондур, зулм ила, ҳукми адолат бўлмади,  
Тобора нахсият фузун, саъди саодат бўлмади,  
Маъмур ўлуб дунёю дин, тоза иморат бўлмади,  
«Аврод» ўқуб қилгон дуо харгиз ижобат бўлмади,  
Ҳеч кимса жону дил била тавбаға бош қўймас букун.

Ё раб, қўнгулда ихтиёр, хижрат насиб этсанг агар,  
Узлат қилиб, олсам қарор ислом малудиға мақар,  
Кам-кам ирода хохиши бўлса, Ҳарам қилсам сафар,  
«Таскин топарму» деб, умид Завкий қилар шому сахар,  
Оламда бу жангу жадал, дунёда чангу хам қуюн.





\* \* \*

Бу фалак кажравидин омию мулло аралаш,  
Неча нодонлар ила мардуми доно аралаш,  
Зоҳиду обид ила фосиқу расво аралаш,  
Диллари абтар-у, ботинлари бийно аралаш,  
Хотири жамъ Хўқанд аҳлига ғавғо аралаш.

Шукр қилмай, бошимиз узра бало келтурдинг,  
Айтайин бир-бир ани, дилга ҳаво келтурдинг,  
Нақшлик, рангин иморатни бино келтурдинг,  
Каъбадин неча васиятни яно келтурдинг,  
Анда ҳам бўлмади фосиқлара тақво, аралаш.

Неча ойлар тутулуб, кун, кулишиб бўлди қаро,  
Думи бор юлдузи сайр этти, чиқиб сўйи само,  
Кундузи кеча бўлуб, ёғди бало узра бало,  
Тебраниб рўйи замин, сўнгра кириб келди вабо,  
Ўдилар яхши-ямон, жўраю тухфо аралаш.

Кирдилар халқ масжид сори ажал шиддатидин,  
Уйғониб нафсу ҳаво бирла ҳавас ғафлатидин,  
Кўлиға тасбиҳ олиб, қилди Расул суннатидин,  
Кўтарилди бу вабо ходийи дин химматидин,  
Яна эрликлари, хотунлари ихфо аралаш.

Тавба қилмай юрушуб, ўтти неча даврони,  
Бидъат ишларни бино қилди Худоёр хони,  
Қувдилар сабрсизин, гарчи эди султони,  
Дин уйин раҳна қилиб кетти бани куфроний,  
Мўъмину нўғай кофиру тарсо аралаш,

Кўн киши ўлди шахид ўк била, кўзи сузулиб,  
Бердилар шаҳрни ҳам, ринтаи уммид узулуб,  
Келди Фарғона аро турлу балолар кўзулуб,  
Эмди бу ҳолда келишмиши яна Қошғар бузулуб,  
Хитою тунғошию қошғарий гўё аралаш.

Хали ҳам айни маҳал, ҳар дамига шукр қилинг,  
Аслингиз бир кафи туфроғдин эрур, фикр қилинг,  
Доимо ҳамду сано тилга олиб, зикр қилинг,  
Қолмасун дин ишнинг зарра камини, бикр қилинг,  
Завқиё, ҳосили сўз ушбуки, дунё аралаш.





\* \* \*

Дариғо, дунёда сохибдуо пиримдин айрилдим,  
Очилмай гунчайи дил, муддао, пиримдин айрилдим,  
Кўнгул миръоти доим хушжило пиримдин айрилдим,  
Басе мушкил эрур, мушкилкушо пиримдин айрилдим,  
Муридлар, йиғлашинг, марди Худо пиримдин айрилдим.

Кел, эй, жон булбули, гулшандин айрилдинг, фигон  
килғил,

Кел, эй, тил сўзлагил, ахволи пирингдин баён килғил,  
Кел, эй, кўз, йиғла бу дардимға, кон ёшим фишон  
килғил,

Кел, эй, хасрат ўти, кўйдур вужудимни, ниҳон килғил,  
Тирикликни нетай, аҳли фано пиримдин айрилдим,

Кетарда Каъба сори дасти покин ушламай қолдим,  
Пиримни орқасидан Қитмир ишин бошламай қолдим,  
Ғубори роҳ бўлуб, кибру хавони ташламай қолдим,  
Кўнгул зангори кўпдур, сайқал этмай, ишламай қолдим,  
Неча мисни зар этгон кимё пиримдин айрилдим.

Ҳамиша иштиёқи Каъбан равза хаёлида,  
Агарчи йўқ эди қувват қари қалди ниҳолида,  
Ва лекин қуввати ботин бағишлар касби холида,  
Анинг-чун азм қилдилар етарман эхтимолида,  
Қолиб ғафлатда, андок раҳнамо пиримдин айрилдим.

Қилиб хижрат ахир умрида Ҳазрат суннатин тутган,  
Ризоин Хожа излаб, лаззати дунёсидин ўтган,  
Топай деб обрўй, йўлларда кўп хуноби ғам ютган,  
Етолмай Каъбага, ул Каъбайи максудига етган,  
Равиши доимо сабру ризо пиримдин айрилдим.

Тириклик борида шаҳру диёридин жудо бўлғон,  
Намозин Робийадек ҳар қадамда бир адо қилғон,  
Кўруб ранжу машаққат йўл аро, паймонаси тўлғон,  
Ададсиз ранж тортиб, орзуин Каъбада ўлғон,  
Ажал жомин тутуб эрмиш қазо, пиримдин айрилдим.



Пиримнинг марқадига жон фидо қилмасмудим, кўрсам,  
Губори хоки қабрин тўтиё қилмасмудим кўрсам,  
Тавоф айлаб мазорин, илтижо қилмасмудим кўрсам,  
Уруб остониға бош оху вох қилмасмудим, кўрсам,  
Қадам босгон изи кўзга даво пиримдин айрилдим,

Сулуки орифи Раббоний, нисбат эрди Нақшбандий,  
Эдилар Хазрати эшон Азимхожамни фарзанди,  
Ики, уч насл бирлан Боғдор эшонни пайванди,  
Аларнинг ким ризосин топса, Мавлосини хурсанди,  
Замона хосларига муқтадо пиримдин айрилдим.

Насабнинг асли таҳрири эдилар оли Аббосий,  
Ҳасаб важҳиға якто эрди, билсанг, поси анфоси,  
Муборак номи Саъдийи Соний, Хўқанд эрди маъвоси,  
Урарди мавжи илму хикмату тавҳид дарёси,  
Ҳақиқат бахри дурри бебаҳо пиримдин айрилдим.

Муҳиблар маърифатлик соҳиби бу хонаках қайда?  
Шариат ичра комил пиримиз оламшаноҳ қайда?  
Сутуни дину дунё, устивори таъягоҳ қайда?  
Бу гумроҳларга йўл бошлагучи ул марди роҳ қайда?  
Тарикат водийсида раҳнамо пиримдин айрилдим.

Фигонким, хасрату афсус, мардонни жаҳон кетти,  
Қолиб гофил, учурдим, пири шахбозим қаён кетти?  
Ҳама зулматда қолди, партави нури аён кетти,  
Бако мулкини сайр этмак учун шоҳи жаҳон кетти,  
Ладун илми замири ичра жо пиримдин айрилдим.

Шукр, алхамдулиллаҳ, нури чашми жонишини бор,  
Ики фарзанди оқил, комили нисбат аро таъёр,  
Кўнгул бори очилгон ҳол бирлан юз чаман гулзор,  
Бўлубдур баҳравар қол илмидин ҳам вокифи асрор,  
Қилай булбул каби юз минг наво, пиримдин айрилдим.

Илоҳо, топгла маҳшар бизга ходийларни раҳбар қил,  
Ҳабибинг Мустафони жумла раҳбарларға сарвар қил,  
Қиёмат кунда ташна тутмағил, сероби кавсар қил,  
Бу толибларға жаннат ичра дийдоринг муъяссар қил,  
Шухуди ботини Завкий, сафо пиримдин айрилдим.

## ҚИССАИ ФАРҶОНА

Эшитинг, қиссае ман айлайин изхор Фарғона,  
Куюб, хокистар ўлди жумлаи бозор Фарғона,  
Мисоли оташ бўлди, кўрунг гулзор Фарғона,  
Чекиб ахли бу золим дастидин озор Фарғона,  
Мусулмонлар кўзиға эмди бўлди тор Фарғона.

Мусаллат қилди ноҳақ феълимиздин болшувикларни,  
Кўтарди бошимиздин соя бўлгон хону бекларни,  
Ўлум чоғига солди болшувиклар бу тирикларни,  
Киши билмас хисобини куюб ўлгон ўлукларни,  
Ўлуклардин бўлубдур кўчалар мазор, Фарғона.

Куюб икки тараф Хиштлик масжиддин хавли, дўконлар,  
Билинг, то бу тараф Хишткўфруку хам Жомеъ,  
каффонлар,  
Асар йўк расталардин, куйдуруб бу номусулмонлар,  
Куюб кул бўлди беҳад, кўп «Далойил» бирла  
«Қуръон» лар,  
Худодин ўзга билмас, бу нечук асрор, Фарғона.

Эсиз, бу шаҳримиз обод эди жаннат каби гўё,  
Йиғилди неча гофиллар, иборат бўлдилар аъзо,  
Очилди маслаҳатхона, анинг номи эрур «Шўро»,  
Берибдур катгалар улким, «Ғазот фарз бўлди» деб  
фатво,  
Урушти беҳазона, бевали, ночор, Фарғона.

Қадам кўйди неча бир фитнажўлар кори бежога,  
Сабаб бўлди касофатлар бу янглиғ шўру ғаввога,  
Қочиб, ғавғони кўзгаб, ўзлари чўл, дашту саҳрога,  
Қилиб вайрон бу оламни, келур охир тамошага,  
Кўринмас кўзга харгиз, қил назар, осор, Фарғона.

Бериб фатво, «урушинглар!» демай кози Камол ўлсун,  
Ҳамани йўлдин оздургон ўшал фосидхаёл ўлсун,  
Яна Абдуррашид ханги хардек оксоқол ўлсун,  
Бўлуб «Шўро» да аъзо, бетамиз бир неча мол ўлсун,  
Алар зулми билан бўлди, билинг, мурдор Фарғона.



Кима дод айлаин, ахли хукумат бўлса Одил кўр,  
Тўқуб, халқ қонига зомин бўлубдур бўйла жоҳил кўр.  
Урушни бошлабон бесар, ўзи бўлмай муқобил кўр,  
Қочиб, билмамки, охир кетти Афғон ичра Қобил кўр.  
Юруб гурбатда, харгиз кўрмасун дийдор, Фарғона.

Бу ишлар барчаси ўз феълимиздин бўлди, ёронлар,  
Қамаб анборига буғдой, жўхори неча боёнлар,  
Тилаб қийматчиликни доимо бу ғалла йиқғонлар,  
Йўқолди ўртамиздин раҳму шафқат, хайру эхсонлар,  
Мурувват ўрнига кон тўктилар хунхор, Фарғона.

Ҳасад бирлан хароб ўлди, дарифо, шахримиз охир,  
Ҳамани хонавайрон айлади бу раҳми йўқ кофир,  
Ажаб йўқ, раҳм қилса холимизга Ҳақ ўзи кодир,  
Нетармиз, харна қилса, кори Ҳақға бўлмаин собир,  
Тўкилди оқибат тўлғон эди бисёр Фарғона.

Кўрунг, Хут аввалидин харб итмоми эрур етти,  
Бу ғавғолар жумодиюл аввал шаҳраки йўл топти,  
Билинг, тарихи минг тўққуз юз ўн саккиз эрур исий,  
Яна бир мингу уч юз ўттуз олтинчи эрур хижрий,  
Тавобеълар билан мазлумга зўру зор Фарғона<sup>5</sup>.





\* \* \*

Масти бепарво фалак, махвашни кўргон бормукин?  
Ноз этиб, кўнгул олур дилкашни кўргон бормукин?  
Ёки мандек ошики ғамкашни кўргон бормукин?  
Ман каби ишк ўтидин оташни кўргон бормукин?  
Дарди кўп, пурғусса, кўнгли ғашни кўргон бормукин?

Гулбадан, эй сиймтан, бизларни зор этмак надур??  
Хулқи хуш, товус юруш хам мунча хор этмак надур?  
Ошики зорингни ташлаб, бошқа ёр этмак надур?  
Эътиборим йўқ этиб, безътибор этмак надур?  
Дилбари хунхор, бағри тошни кўргон бормукин?

Кўп сазо қилдим, сўзумни олмадинг, эй бевафо,  
Ошиқи бечорага қилмоқ надур мунча жафо?  
Рост айтинг, дилбарим, кўнглунгда недур муддао?  
Ғунча янглиғ қил такаллум, сўзлагонда жон фидо,  
Йиғлағонлар кўп, вале қон ёшни кўргон бормукин?

Ногаҳон оху кўзинг тушгонда бу афсонага,  
Қаҳр этиб бокма, қабоғинг солма бу девонага,  
Ҳеч тараххум қилмасанг бу кўзлари мастонага,  
Токаю точанд лутфу марҳамат бегонага?  
Завкийи афтодае бардошни кўргон бормукин?





## ШОКИР НОИБ

Эй кўнгул, бир соати қил яхшилар зикрин хаёл,  
Гарчи ақлинг қосиру мадҳида бу тил бўлса лол,  
Шояд умринг ўтса хўблар хизматида моху сол,  
Қўб азизлар руҳидин ҳар дам дуойи хайр ол,  
Топса бу важҳ ила шояд фаҳму идрокинг камол.

Айлагил гўё тилимни қодиру донойи қор,  
Истиғонат айлангиз аввал Расулу сўнгра ёр,  
Хозир авлоди Набий, Шоҳ Жарир отлиғ мазор,  
Риштон узра Хожа Илғор боши дерлар номдор,  
Хушҳаво, жонбахш бир маъво эрур жаннатмисол.

Ул ер обод бўлғонидин сўз очиб айлай дуо,  
Икки оламда Худо хожатларин қилсун раво,  
Ҳақ ато қилсун кўнгилда ҳар на бўлса муддао,  
«Офарин бодо!» – деди рўйи замин, аҳли само,  
Умр борича, Илоҳо, давлатин қил безавол.

Кунчиқиш одамларин мақбул бўлубдур кўз ёши,  
Толёьига бўлдилар Мирзо Қаландар мингбоши,  
Адл изҳор айлади Умар табъ бўлсун ёши,  
Ҳазрати Хизр ила Илёс доим бўлғой йўлдоши,  
Даҳри фоний кулфатидин Тангри этсун бемалол.

Боракаллох, боракаллох, бўлдилар дин пояси,  
Бўлди халқ оромгоҳи онинг адлин сояси,  
Доимо қилғон ишидур охират сармояси,  
Суд этар деб икки кўлда шаръдур дастмояси,  
Наҳли қаддига, Илоҳо, етмасун совуқ шамол.

Ҳам туфайлидин ўлуб обод масжид, хонақоҳ,  
Неча манзилга бериб зийнат, қилиб оромгоҳ,  
Киргану чиққанга айлар марҳамат бирла нигоҳ,  
Қорни очларга таому ҳам яланғочга паноҳ,  
Тонгла кун Дорул Жалол ичра Худо берсун висол.



Яхшилик бирла хаётда номингиз шуҳрат топиб,  
Боргоҳингда қарор олғон киши иззат топиб,  
Дамбадам Шери Худодин ғайратинг нисбат топиб,  
Сиздек ҳеч ким топмади иш вожибу суннат топиб,  
Манзили бўлсун қиёмат кун анинг Дорул-Жалол.

Хони эҳсонинг кўруб, Хотамни ҳеч ким изламас,  
Адл осоринг кўруб, Нўширвонни сўзламас,  
Арзҳоҳлар сиздин ўзга додгоҳни кўзламас,  
Тобеъи ҳукмингга бир ношаръ ишлар юзламас,  
Дарбар ўлди тобеъотинг барчасига қийлу қол.

Қаддингиз узра муносиб кўрди давлат рахтини,  
Барқарор этсун ҳамиша иззу ҳурмат тахтини,  
Ҳамди лиллоҳ айлади сардор бу некбахтини,  
Ҳикмат ила имтиёз этти мулойим сахтини,  
Одамийзод ичра бу ишларни қилмоқлик муҳол.

Ҳақ ато қилмиш яна ул эрга уч фарзанди хўб,  
Бир-биридин ғайрати ортукча, жуд, эҳсони кўб,  
Қилдилар мақбул хосу ом афъолин кўруб,  
Мислини топмас кишилар юз йил ахтарса юруб,  
Бил: Муҳаммад Шоқир отлиғ қаттасин бе қийлу қол.

Ота ўғли покзода гавҳари яқдонаси,  
Қилдилар изҳор нисбат жумлани парвонаси,  
Бўлсаю ҳар ерда мазор, обод этиб парвонаси,  
Сайргоҳи Хожа Илғорбошини оstonаси,  
Шукрилиллаҳ, бўлмади анда шаҳидлар поймол.

Дониши эл олдида Афлотунни доноча бор,  
Шавкати мардум кўзида Жамшиду Дороча бор,  
Ҳиммати Жайхун урар, мажмуъ ўлан дарёча бор,  
Қадру қиммат авсагу адно эмас, аълоча бор,  
Тегмасун бу даҳрдин кулфат санга, эй навнихол.

Боз бир фарзанд номи Мир Исо машҳур эрур,  
Эл назаргоҳида доим ишлари манзур эрур,  
Мухтасар сўз: шул ўғул шахзодаи Фағфур эрур,  
Ҳикмату илми нужум ичра ҳақим жумҳур эрур,  
Ҳам туфайлингдир хунармаид ўлдилар, жумла қулол,



Бу адолат ажрини берсун қиёмат кун Худо,  
Подшоҳим Ҳазрати Умар агар қилса садо,  
Чарх уруб, «Лаббайка» деб мингбоши келса аввало,  
Бизни анда қилмағайлар пойи домандин жудо,  
Аввало, ушбу сифат манзур ўлурга эҳтимол.

Ҳар нечук бир неклик васфини изҳор айладим,  
Назм бирла бир-иқи абёт гуфтор айладим,  
Бир каро кўз ёрни олдида рафтор айладим,  
Бир мухаммас они амри бирла иқрор айладим,  
Лутф қилса кошки Завқийга ул соҳибжамол.







\* \* \*

Ваъдасида турмагон зебо нигорим, қайдасиз?  
Бу кўнгул тахтига шохи тождорим, қайдасиз?  
Чун зимистон ичра қолди навбахорим, қайдасиз?  
Гул юзинг кўрсотмадингиз, долазорим, қайдасиз?  
Хуру филмондин знёда балки, ёрим, қайдасиз?

Ахдлар қилдингки: «Жонинг бер, санго жонон бўлай,  
Чашми зору хунфишонинг устина меҳмон бўлай,  
Ихтиёрингни олиб, дил тахтига султон бўлай»,

.....  
Тарки ахд эттинг манго, эй шахсуворим, қайдасиз?

Эй, маннинг лайлишиорим, фуркатингда тоқман,  
Мисли Мажнун подшоҳ, саҳрода бир муштоқман,  
Кел, закот бергилки манго, муфлису қашшоқман,  
Ҳар нечук, эй муғбача, ишқинг аро ушшоқман,  
Ўтга тушгон қил каби йўқтур қарорим, қайдасиз?

Раҳми йўқ гулчехралар, лутф айламас, бебоклар,  
Фурқату хижронида бўлди юрогим чоклар,  
Бўйла меҳнат тортса доим хотири ғамноклар,  
Давлати васлидадур ағёри беиद्रоклар,  
Ҳолима раҳм айла, соҳиб ихтиёрим, қайдасиз?

Мулки дилни фатҳ қилгон шоху султоним, келинг,  
Тан уйин обод этиб, руҳи равон, жоним келинг,  
Бош уза мақдамлари, эй, яхши султоним, келинг,  
Завқий жону дилда дер: «Соҳиб Назирхоним, келинг,  
Айладим барбод сизга йўқу борим, қайдасиз?

• Кўп нукта ўридаги мисра матида йўқ.



\* \* \*

Неча кун бўлди дилбар сўрмади ахволи зоримни,  
Каю номард йўлдин озғурубдур эмди ёримни,  
Жудо қилма, фалак мандин париваш, гулўзоримни,  
Дахони ғунчаи гулдур, юзи чун лоззоримни,  
Машомим сориға еткур яна бўйи бахоримни.

Неча афсус қилмай, бевафо дилбарга дил бердим,  
Ракиб, ағёрларга ошно дилбарга дил бердим,  
Гадолик нисбатида подшоҳ дилбарга дил бердим,  
Ки қадрим билмаган бир норасо дилбарга дил бердим,  
Фирок ўтига кўйдурди бу жисми бемадоримни.

На бўлғай йўлда қолғон зорлар ахволини сўрсанг,  
Кеча-кундуз сўроғинг айлаганни холини сўрсанг,  
Бу ишқинг йўлида ошиқни беикболини сўрсанг,  
Чин ошиқни бориб олдида кийлу қолини сўрсанг,  
Деди Завқий: «Билолмасман, қаю жониб кеторимни».





## НАВОИЙ ҲАЗАЛИГА МУҲАММАС

Ёр, паришон кокулнингни шоналар айлаб тара,  
Сўнгра шонаггни қўюб, кўнгли паришона қара,  
Ёй қошингдин, ўк мижангдин кўнглума солдинг яра,  
Ой жамолинг долазору кўзларинг оху бара,  
Лоладек қон боғлади ҳажрингда бағрим қаб-қара.

Бошима солдинг мани ишқ йўлида юз минг бало,  
Хонумонимга ўт урдинг, дардга қилдинг мубтало,  
Ул надурким, чирмашибдур оразинг даври аро,  
Ёраб, ул кокулмудур, оҳим тутунидин қаро,  
Ё ўтоғолар ичинда сайлаб олган қарқара.

Бўлса Мажнун қисса олғай эрди иншо қилғали,  
Сўнгра андоза қилиб, ишқини ифшо қилғали,  
Лайли бўлса ёр борур эрди таманно қилғали,  
Оразинг гулзорига бордим тамошо қилғали,  
Чин эмиш лола очилганда туғар оху бара.

Синди зарфи айш ағери ситамлар тошидин,  
Қилдилар маҳрум мани ёримни кўзу қошидин,  
Қил жудо, ёраб, рақиб отлиғ анинг йўлдошидин,  
Ёр учун айвон ясабман кўз учи наққошидин,  
Қирпигидин туттирайин даврасига панжара.

Гоҳ-гоҳи сўзлагил ман қулға, эй равшанзамир,  
Ман гадойи даргоҳингдур, хусн ичинда сен амир,  
Лабларингдин бўса уммид айлади Завқи фақир,  
Эй Навоий, қулларингда бормидур мендек ҳақир,  
Хусравий лашқаршиқан Султон Хусайни Бойқаро.



## НАВОИЙ ҒАЗАЛИҒА МУҲАММАС

Кўзларим васл интизори бирла бўлди чор-чор,  
Печи зулфи ёдида мен гўйиё бемор-мор,  
Бора-бора бўлди ҳажр андуҳи кун душвор-вор,  
Дўстлар, мен телба аҳволиға йиғланг зор-зор,  
Ким, солодур гах-гах ўт кўнглумга тушкон хор-хор.

Кокулига даста сунбул бирла гул жамъ айламак,  
Шохлар дастури-даргоҳида кул жамъ айламак,  
Дилнавоз аҳли эрур кўйида дил жамъ айламак,  
Истамас бўлса сабо бир-бир кўнгул жамъ айламак,  
Нега зулфингни паришонликдин айлар тор-тор?

Базми васлинг, зухраваш, кўргуз чалиб танбурлар,  
Рўзи хижрон, шоми ғам, кўрдум шаби дайжурлар,  
Эй, камарталъат, тулуъи оразингда нурлар,  
Сен куёш бирла муносибсен, ўюнда хурлар,  
Икки-икки, чунки киргайлар отошиб «ёр-ёр».

Эй, тағофулфан, жафою жабр бўлмиш одатинг,  
Ҳар замон мехру вафо ойиниға йўқ тоқатинг,  
Сарвқад, бори малолат чекма: йўқтур ҳолатинг,  
Кўрқарамким, бўлмағай озурда нозук қоматинг,  
Эгнинга хуш-хушки, солмиш жаъди анбардор-бор.

Қайси кунгулдурки бўлмайдур хароби зулфини,  
Ҳар гирих мушкил муаммо, фатҳи боби зулфини,  
Жон қуши домин асири, печу тоби зулфини,  
Ҳалқа-ҳалқа бўйнима солмиш таноби зулфини,  
Журми ишқимға мағар ҳукм айламиш дилдор-дор.

Бир сурури дил насимидин кетур, етгач манго,  
Ҳасталиғ аҳволи зоримни билур, етгач манго,  
Гарчи ниши ғам кўнгулларни қилур, етгач манго,  
Ишқ эрур андоғ мураббийким, қилур етгач манго,  
Булбул ўлғай, очса юз бир сарви гулрухсор-сор.

Солди дил мулкиға гулгул кофари оташпараст,  
Оташин рухсора булбул, кофари оташпараст,  
Дема ялғуз Завкийи кул кофари оташпараст,  
Эй Навоий, бўлди ул гул кофари оташпараст,  
Не ажаб, ваҳ-ваҳки, урса жонинга зуннор-нор.

## НАВОИЙ ҒАЗАЛИҒА МУҲАММАС

Эй кўнгул, килғил харид ишки жунун бозоридин,  
Айлагил васлинг талаб хусн ахлининг сардоридин,  
Туфрок узра бош кўюб ётсам, турор йўллоридин,  
Вах, на хушдур, шахсуворим келса майдон соридин,  
Кирлигим бирла оритсам гардини рухсоридин.

Айласам йўлдин тўсуб ул дилбаримни базми хос,  
Устида гулгун либос-у, остида рангин палос,  
Базм этиб танхогина, ағёрдин олсам қасос,  
Ешибон заррин камар, нозук белин қилсам халос,  
Тортибон гулгункабо, сарви сахи рафторидин.

Силкиниб, бир-бир босиб тургонда нозу нўз била,  
Бир такаллум айласа охистагина сўз била,  
Гох қошидин ишорат, гохи қилса кўз била,  
Хар аёғидин ўтук тортиб, аритсам юз била,  
Тер гулобин ул хино ёқғон қафи гулзоридин.

Кошки кирпич ўки бирла мани қилса шахид,  
Орзуи васл айлардим неча муддат мадид,  
Шукрким, бизларга бўлди ушбу кун Наврўзи ийд,  
Меҳр бирла моҳдин равшанлик этмасман умид,  
Жон ила кўнглум мунаввардур анинг рухсоридин.

Бир синук зарф ичра сунгон майки Жамжид жомида,  
Ишк элининг барчаси маъшукларнинг домида,  
Бир замона ухламас ошиқлари оромида,  
Дарду меҳнатда на қилсунким, фирок айёмида,  
Васлини топғон кўнгул бир дам рақиб озоридин.

Қайси кундур май ичишиб, ёр кулбамда уюб,  
Қолса, анда мен туруб, юз минг бошидин ўргулуб,  
Васли ёра масти мустағний бўлурманму тўюб?  
Маст ўлуб эл ётса-ю, мен юз аёғига кўюб,  
Ўзни қутқорсам замоне Хизр умри оридин.

Завкийи афтода, кўп ёд айладинг соҳибжамол,  
Бора-бора бўлмади гўё забонинг, бўлди лол,  
Махв этиб, қочгон парини тушда кўрсанг, ушлаб ол,  
Эй Навоий, даҳри фоний тушмудур ёхуд ҳаёл?  
Давлати боқий тилар бўлсангки, кечил боридин.

---

**ФУЗУЛИЙ ҒАЗАЛИҒА  
ЗАВҚИЙ МУҲАММАСИ**

Эй махи олам, юзингга тут никоб,  
Кўп кишининг жонина қилма шитоб,  
Хуршиду маҳ инжимак эт ихтисоб,  
Чихма тамошоя, чихар офтоб.

Меҳру вафо истаюб, етдим жона,  
Ҳажру фироқ ўтида юз минг ёна,  
Зулфи мутаррога урарсан шона,  
Маст чиқиб, солма назар ҳар ёна,  
Кўрма равоким, ўла олам хароб.

Кўйинг улуғ Кисро дегон тоқдин,  
Бинг-ики бинг биз каби ушшоқдин,  
Муфлиси ишқинг ўла кашшоқдин,  
Кесма назар жониби ушшоқдин,  
Нолаи дилсўздин эт ижтиноб.

Зулм эдасанким манга, золим фалак,  
Бўлди ишим тун-куни оҳ айламак,  
Сабрсизин шому сахар истамак,  
Кечалар анжум сонирам субхатак,  
Эй, шаби ҳажринг манга рўзи ҳисоб.

Ошиқ ўлонларни азиз жонина,  
Бир назар эт чоки гирибонина,  
Бағрин эзиб, кўздин оқар қонина,  
Раҳм қил афтодаларинг ҳолина,  
Ҳеч керакмазму санго бир савоб.

Сунбули сочингга тушар бинг гирих,  
Шона солиб, йўқ эдасан ул гирих,  
Солма мани бўйнима зулфинг гирих,  
Риштаи жонингга етар бир гирих,  
Солма сари зулфи сумансоя тоб.



Ошики бечор ғамингдин ёнан,  
Ўдлара ёнмай, аламингдин ёнан,  
Лахза ўтирмай кетанингдан ёнан,  
Дўзаха ёнмаз ситамигдин ёнан,  
Қобили жаннат дағул, ахли азоб.

Хастадуман, кўргали ёрим қани?  
Қолди бу ошикни низори тани,  
Кўрмайин ўлсам, нетарам, ёр сани,  
Солди аёғдин ғами олам бани,  
Вер банга ғам дафъия, сокий шароб,

Завкиё, сан ёра хаёлинг надур,  
Ёр назар қилса, саволинг надур?  
Деки, юзинг сахнида холинг надур?  
Ёр савол этсаки, холинг надур?  
Хаста Фузулий, на верурсан жавоб?





## ФУЗУЛИЙ ҒАЗАЛИГА ЗАВҚИЙ МУҲАММАСИ

Ман ижобат истадим тийри дуодин дам-бадам,  
Шояд ўлғай деб қабул, ул дилрабодин дам-бадам,  
Руқъа уммид айлагайлар ошнодин дам-бадам,  
Ҳажри бемори таним боди сабодин дам-бадам,  
Сиххат учун суҳбати ахборинг айлар орзу.

Йиғлаб айтурман фалакка: «Вер муродим ҳар даме,  
Соате айланма каж, олғил қароре бар даме,  
На бўлур десанг, аё, юз бирла олғил гардими»,  
Зулмати ҳажрингда бохмаз шамъа чашмим мардуми,  
Партави рухсори пуранворинг айлар орзу.

Ҳусни зебо, оғзи ғунча, қомати шамшод гул,  
Зулфи торингга ўролгон қулларинг озод қил,  
Ҳажр зиндонида қолди Завқийи побаста, бил,  
Орзуманди висолингдур Фузулий хастадил,  
Васлинг истаб, давлати дийдоринг айлар орзу.





## ШАВҚИЙ ҒАЗАЛИГА МУҲАММАС

Келиб эрди махбуб, жавлон этиб,  
Бузуб бу кўнгулларни, вайрон этиб,  
Кетар бўлди кўзимни гирён этиб,  
Мени кетти ул ёр хайрон этиб,  
Гирифтори ул Нуҳи тўфон этиб.

Килиб байтул-аҳзон, кўнгул доғлатиб,  
Ғаҳи телба айлаб, ғаҳи соғлатиб,  
Яна тори зулғига жон боғлатиб,  
Хумори-ла шабу рўз кон йиғлатиб,  
Фирокида кумрийи нолон этиб.

Манго бермадинг журъае тўлдуруб,  
Ракиб олдида болу пар юлдуруб,  
Нетарсан мени тиргузуб, ўлдуруб,  
Бу ишк оташи бирла жон куйдуруб,  
Бу жисмимни мажруҳу сўзон этиб.

Мени хажр занжиридин кил кушод,  
Қилай умр боринча васлингни ёд,  
Айё, меҳрибон дилбарим, санга дод,  
Борурман эшикингга, эй хурзод,  
Ки, хар тун сахар оху афғон этиб.

Қошинг хамлигидин кадамнинг хами,  
Юсуфдин жамолингнинг йўқтур ками,  
Кўзум йиғла-йиғла қурубдур нами,  
На бўлгай дилим шод қилсанг даме,  
Бирор бўса бирла сан эҳсон этиб.

Сариғ бўлди хажрингда сурх образим,  
Шаҳо, сан эшитгил манинг бор арзим,  
Туну кун килурман дуою таъзим,  
Керакмасму санго савоби азим?  
Ки, бу мушкулимиз сан осон этиб.



Кўнгул қушлари кўйинг этти харам,  
Жафолар қилурса манго ложарам,  
Қил эмди бу Завқий қулунг мухтарам,  
Висолингга етқуз зи рўйи карам,  
Бу Шавқийни хушнуду хандон этиб.





## ЗИЛЗИЛАИ АНДИЖОН

Бул ажойиб ходиса, кўр, халқни хайрон айлади,  
Андижон мулкани бир соатда вайрон айлади,  
Бул касофат ул шароратдин намоён айлади,  
«Бирники мингга, туманга» ҳам паришон айлади,  
Ҳазрати Жаббори Аъзам ерни яксон айлади.....\*



---

\* Қўп нуқтадан кейинги баъдлар матни йўқолган.



**МУСАДДАС**



\* \* \*

Эй, сониъи хикматнамо, кулл акл кунҳинг билламиш,  
Юз ажз бу қосир тилим ҳамдингга гўё ўлламиш,  
Хар лахза минг неъмат кўруб, бир бор шукрин  
қилламиш,  
Қустантана этган назар, ҳеч шаҳр кўзга илламиш,  
Турк ичра бордур бир масал: «Хар кимса нозир  
ўлламиш,  
Истанбули ким кўрмамиш — гўё жаҳона келламиш.

Қадр ила гардундин буюк Султон афандим давлати,  
Кўз кўрмагани кўрди кўз шаъни, шукуҳи шавкати,  
Абра чикиб солмиш каманд абру саҳоби химмати,  
Хай-хай, рафеъ ул-мулк ўлуб, ўлмиш бу янглиф  
рифъати,  
Турк ичра бордур бир масал: «Хар кимса нозир  
ўлламиш,  
Истанбули ким кўрмамиш — гўё жаҳона келламиш».

Қайсар фалакфарсолари солмиш самоя нардбон,  
Маъвоси юлдуз устина, бўлмиш малоник посбон,  
Фармондехи рўйи замин тахти хилофатда экон,  
Ёраб, бу шаҳаншоҳимиз қил мулки миллатда амон,  
Турк ичра бордур бир масал: «Хар кимса нозир  
ўлламиш,  
Истанбули ким кўрмамиш — гўё жаҳона келламиш».



\* \* \*

Ул хусрави Жамшиджоҳ кўргузди авжи салтанат,  
Шоҳона волий бандага, амвожи баҳри маъдалат,  
Лутфи раоё аҳлига, инъоми жуди марҳамат,  
Фикри ривожин дин учун, арбоби илми маслаҳат,  
Турк ичра бордур бир масал: «Ҳар кимса нозир  
Ўлмаиш,  
Истанбули ким кўрмаиш — гўё жаҳона келмаиш».

Шавкат била султонимиз келди Бешиктош устина,  
Иззат била наълайнини шаҳлар кўюб бош устина,  
Ҳам қурратул — айни жаҳон-шаҳзодалар қош устина,  
Давлат аноси шаън ила бир шиша избош устина,  
Турк ичра бордур бир масал: «Ҳар кимса нозир  
Ўлмаиш,  
Истанбули ким кўрмаиш — гўё жаҳона келмаиш».





\* \* \*

Заррин қаболи шохлар саф-саф ўзин чокар кўруб,  
Чолоқу чобук, жангжў хурмат била аскар кўруб,  
Дерлар садойи «Чўх ёша!» човуши бахру бар кўруб,  
Мундоғ тамошо кўрмаганким қарни Искандар кўруб,  
Турк ичра бордур бир масал: «Хар кимса нозир  
ўлмамиш,  
Истанбули ким кўрмамиш – гўё жахона келмамиш.

Жомеълари ломеълара, Завкий, на дерсан, чек рақам,  
Мухри «Ҳамидия» махе афлок тоқиға алам,  
Усмон бу давлатга келиб, юз шукрим қўйди қадам,  
Сан ким буларни мадҳини изхорини қилмоқ рақам,  
Турк ичра бордур бир масал: «Хар кимса нозир  
ўлмамиш,  
Истанбули ким кўрмамиш – гўё жахона келмамиш.





## **МАСНАВИЙЛАР**





\* \* \*

Эшит арзи дилимни, эй, парирўй,  
Гуландому парипайкар, суманбўй.

Юзинг-гул, кокилингдур мушку анбар,  
Лабинг канд-у, сўзингдур шахду шаккар.

Латофат боғида бир тоза гулсан,  
Паривашлар ичинда нозанинсан.

Санинг ишкинг манго кайдин ёпушти?  
Юрак-бағрим куюб, жоним тутошти.

Куюб-ёндим, соғиндим, эй паризод,  
Санинг дардинг учун кимга қилай дод.

Келиб, топмай сани, ман зор бўлдум,  
Кўролмай гул ёзинг, афгор бўлдум.

Нечук бўлгай иложим, ёри жоним?  
Паривашлар аро абрўкамоним.

Манго сансан муродим, эй суманбар,  
Шакарлаб, нозаниним, зухраманзар.

Санинг ишкингга ман бўлдум гирифтор,  
Хабар ол мадин, эй шўхи жафогор.

Соғиндим ман, аё ёрим, нигорим,  
Турарга қолмади харгиз қарорим.

Сани кўрголи келдим, эй паризод,  
Висолинг бирла ғамдин айла озод.

Аё, эй дилбари маъшуки таниоз,  
Иши доим қарашма, ишваю поз.

Мани сан йўхлаб, айла шоду хуррам,  
Кетар бўлдим яна юртимга ман хам.



Эшит Завқийни пандин, эй суманбар,  
Қулоғингга мисоли дурри гавҳар.

Ки, чин ошиқни озори хатодур,  
Чин ошиққа жафо ҳеч нораводур.

Вафо қилғил, вафо қилғил, аё ёр,  
Ҳақиқий ошиққа жавр этма зинҳор.

Кетар бўлдим яна, эмди ниҳон бўл,  
Ниҳон бўлғил, амон бўлғил, амон бўл!.





## ҚАҲАТЛИК

Қахатлик бўлди бу Фарғонамизда,  
Топилмас парча нон вайронамизда.

Паямбар бўлса нон, ош-авлиёдур,  
Яна очлик давосиз бир балодир.

Ўлим хавфи ўраб кишлокларни,  
Не кишлоқу жибол авлоқларни.

Қирилди қанча одамлар вабодин,  
Нишона қолмади меҳру вафодин.

Шишиб ўлганни кўммакка киши йўқ,  
Ким ўлган бирла одамни(нг) иши йўқ.

Киши бокмас жигар, хамсоясига,  
Кочиб шафқатки Анқо соясига.

Ўғирликка тушиб кимларни ройи,  
Гуноҳсиз нечалар қирқилди пойи.

Неча газзоб бўлиб ришватга мойил,  
Диёнатли кишилар бўлди сойил.

Шахарга келди ҳар ёндин халойик,  
Қидиргай дардига ким тиби хозик.

Шахар ахволидин берсам нишона,  
Кишилар тентирар ҳарёна ёна.

Ғарибу бекасу бечора беҳад,  
Бамисли «дол» янглиғ ҳам бўлиб қад.

Тилангайлар бокиб ҳар ёнга зори,  
Гўдақлар, марду зан кетган мадори.

Чахорсу, растаю, бозор томонлар,  
Хатарли тўпланиб қанча ёмонлар.

Кисабур, дузлар сиғмас жаҳонга,  
Тиқиб қўз ҳам қилурлар қасд жонга.



Бировни(нг) парча нонин тортиб олғай,  
Бировға молу жондин ваҳм солғай.

Йўқотди нечалар номус-уётин,  
Унутди ким шарафли одам отин.

Олиб қочғай саватдин даста нонлар,  
Ва ё чайнар солиб оғзиға донлар.

Урар раҳм айламасдин боз аларни,  
Бу ожиз, нотавон бечораларни.

Демаслар чорасиз, йўқ ихтиёри,  
Бу янглиғ чархи золим қилди зори.

Чиқиб эрдим бугун янги шаҳарға,  
Кўзим тушди бу янглиғ шўр-шарға.

Яланга тўпланибди кўп халойиқ,  
Сўз айтур ҳар бири холиға лойиқ.

Камитет садри, ҳоким ҳам приступ,  
Чиқиб келди аларни қуршади тўп.

Хотин-эркак тушибким орқасиға,  
Илиб нимжон боласин елкасиға.

Ҳама шовқун солиб, ким юлди сочин,  
Дедилар: «барчамиз оч, қил иложин».

Бу янглиғ хор бўлғайму одамзод,  
Агар кодир эсангким айла имдод.

Хлеб деб телгром берғил ишиға,  
Ўшал оламини титратган кишиға.

Хабардор айлағил оқ подшони,  
Билурму кўкка урган луди охни.

Ғариб бечоралар очу ялонғоч,  
Ғанийлар айтадур: ёндашмағил, қоч!

Қилиб эрдик, ҳоким бир ишора,  
Йиғилди қанча миршаб бешумора.

Боқиб тилмочиға айди ғужурлаб,  
Афандим таржима айлар бижирлаб:



Темур йўллар бузук, ёпик дўконлар,  
Тахаммул қилсангиз андак замонлар.

Ўшал Гирмон уруши тўхтаган он,  
Пойнзларда келур ошлиқ билан нон.

Фукаро: хоҳ ўрус, сарт, армани хоҳ,  
Мудом оқ подшо холидин огоҳ.

Кими ким кўнглида бўлса ёмонлик,  
Қилурмиз хаёс, кўрмас ул омонлик.

Бу сўздин таржимони тўхтаган чоғ,  
Камитет садрини(нг) кўнгли бўлиб чоғ.

Такаллум айлади воиз каби ул,  
Билиб гўёки жойиздек каби ул:

«Бўлур халво сабрдин гўраларким,  
Топур бахт собири мастураларким.

Бориб уй-уйга айланглар дуони,  
Худойим асрасин оқ подшони».

Жавобиға халойик қилди фарёд,  
Кишига бермади нафъ нола-ю, дод.

На бўлғай эрди каждор, эй замона,  
Мурувват айласанг топиб бахона.

Фарибларни(нг) муродин ҳосил этсанг,  
Фақат «кут-лоямут»га восил этсанг.

Баҳор борони ҳам бенам бўлурму,  
Хисобсиз неъматинг ё кам бўлурму.

Ва ё хор айламай мундоғ жаҳонни,  
Қаро ер остиға жо қил бу жонни.

Қулоқлар хар тарафда кеча-кундуз,  
Фалакда бор эмиш қуйрукли юлдуз.

Агар эҳсон дариг тутсанг башардин,  
Фалак тоқинг ушалсин шўру шардин.

Ёқангни ушла, Завкий, ибрат олрил,  
Халойик меҳрини кўнглингда солғил.



# ҲАЖВИЙ ШЕЪРЛАР



## ҲАЖВИ АҲЛИ РАСТА

Арзим буки Қори сумалакка,  
Етсун боши. арзиса, фалакка.

Гаҳ-гаҳ назора айласун ул,  
Ибрат кўзи бирла бу самакка.

Сангмайда носдонни махтаб,  
Сўз нақдини урмасун маҳакка.

Синмайди деманг Набиқулини,  
Фойнакни уруштуруп саракка.

Шокир кора тарз одам ўлмиш,  
Минг лаънат ўшал қаро эшакка.

Улфатлари шамъгарму аҳмок,  
Шамъкайчини бойласун этакка.

Ул Шоҳ Азиз айрилиб отидин,  
Ўхшайди Солиҳ ҳезалакка.

Сўз таъсири кетмасун, Мўъминшоҳ,  
Ош еса, офиз артмасун фатакка.

Кўп хаддин ошмасун Назирбек,  
Ўхшайди ул ошкабок хамакка.

Ул локичабойвачча дастор,  
Килганда силатмасун бўзакка.

Пул келмаса, Бонкабойвачча,  
Карнай чоладур бўлар-бўмакка.

Кофирча деган бир Аҳмаджон бор,  
Кўп шуғли баланд пўк емакка.

Аъламни ўғуллари Охунджон,  
Хайф тўн била салла гунгалакка.



Бир зарра риоя қил тўрамни,  
Қўш рамзи сухан билан кўмакка.

Шодмонхўжа баччағар (хотин)боз,  
Жоиз солиб отса замбаракка.

Сил афт, ориққина Муҳиддин,  
Ахволи аён бўлур кузакка.

Фозилхўжа деган оқфуруш бор,  
Дафъ ҳар мараз ила зиндалакка.

Олиб борур ўлди Қосим охунд,  
Бизни Қоракўлга, хандалакка.

Усмончани соати ярашмас,  
Ришхўр олишурми мўйчинакка.

Шашвар лақаб-отли бойвачча,  
Хуштор бўлубти оқ билакка.

Кир кўйлак ўлубтилар Умаржон,  
Сотмоқ учун эмди жун жиякка.

Чинни била чой сотур Жалолхон,  
Сингон ани зарфи қуш муякка.

Абдулла хожи суюлди кўпроқ,  
Минг марта чап берур куракка.

Чит растаси ичра Мирзо Хамдам,  
Хў қилди кўрнамак субакка.

Довудхўжа чорбозор қатнар,  
Чит мошинасин сотур элакка,

Ўрис қўли чит сотиб Зокиржон,  
Қочди, еди камчини иякка.

Мирҳамзабой ўғли Кичкинажон,  
Нисфи газ эмас, келур сеякка.

Ул хожи Ҳасан деган закиїтабъ,  
Йўк тоқатим анга сўз демакка.



---

Нусрат била ошнолигим бор,  
Тентаккина, шатрама-шатакка.

Сўфини балоси Абдукодир,  
Қаттиглиғи ўхшамиш данакка.

Хожи Касал ўғли Бодрафтор,  
Доғулики панд берур Камакка.

Қосим шамол-андаке енгилрок,  
Ўхшаб учар банди бодфаракка.

Халқ они акосин ўхшатурлар,  
Оғзин тувак, бурнини сумакка.

Ул Маъдалибаччани қадини,  
Қўп қаттиғ эғибти чанбаракка.

Ортукбачани семуртурунглар,  
Ўқ бўлғуси қатта занбаракка.

Қўр иштаҳосини, Ҳожибачча,  
Ош солиб ичар эмиш челақка.

Йўлдошни дермиш Хитой табиби,  
Бор бод мухолифи юракка.

Элликбоши ўғли мокиёнвор,  
Устод бўлубти куркуракка.

Корибача синчалакка ўхшар,  
Фарзинбача мисли войвоёқка.

Қози қизига дуолар айтнинг,  
Ул насли башар эмас, малақка.

Эй Ҳожижаҳон, қўп аччигим тез,  
Ҳам етти бориб фичок суяқка.

Завкий осилурга химматидин,  
Дор боғлади бир баланд терақка.



\* \* \*

Каменский кантўри<sup>6</sup> баччағар неҗа мунча ахчани  
оладур?

Бу не наҗма, не таронадурки, синук нақорани чоладур.

Бу на ақл эмиш, бу на хуш эмиш, бу замона мардумини  
кўрунғ,

Бир ўрусни сандуки оҳанин дебон, ахчасин анга  
соладур.

Пули борлар йўқотиб йўлин, тили борлар бари  
гунгалак,

Ва на рўбарўсиға борадур ва на маблағини дея оладур.

Бу кадар жазосини тортадур, киши гар рибоға чу хў!  
килур,

Яна иштиёқида пулларин кечалар фиғон ила ноладур.

Кима ҳасби ҳолини сўзласа, киладур жавобиға  
сарзаниш,

Бу ямон касал, пули ҳасратин кишиға дегони уёладур.

Бу ўрус эмас, ўзи бир бало, неча халқ жонигадур жазо,  
Бахусус ижорачиға вабо, бу иши ўлумға ҳаволадур.

Сўраса бирав хасана учун, анга қайдадур бигта  
сўлкабой,

«Келинғ эртаға, эди йўк букун», неча кунгача бу  
хаёладур.

Неча бор эди ўротепалик кишилар бу ишға ҳарисроқ,  
На мадори бор, на қарори бор, на юроладур, на  
туроладур,

Деди Завқий ушбу фасонани «Ана тан олинғ, мана  
фонда»,

Десанғиз, пулини бероладур, эрта-кеч қочиб  
кетақоладур.



## ТАЪРИФИ КАЛИШ

Бутун оламда энг аъло калишдур,  
Кияр одамға хўб зебо равишдур.

Нишони ушбудур: тумор тамға,  
Тригольнигин маълум билишдур.

Енгилтак, иссиғу кўп жонга ором!  
Даво хар фасли лою даъфи кишдур.

Чапак чолғай гўдақлардек сочиб лой,  
Демас тўн шохи хох кимхоб кафишдур.

Қадок солғай қабартмоқдин аёкка,  
Тўпукдин панжа то яксар харишдур.

Ўрусча мактаса Завқий: хорошо,  
Жувон, пир, марду зан монанди ишдур.





## ҚУЛОҚ СОЛИНГ, ЁРОНЛАР

Юракда лахта қонлар, қулоқ солинг ёронлар,  
Асрида бегу хонлар, эсиз ўтган замонлар.

Чингиз билан Чамачбий оламини қилди тобиъ,  
Савдойи умр гоҳи қилгай экан ҳаёнлар...

Шоҳона ишрату базм мадҳиға айдилар назм,  
Илму хунарға йўқ жазм, ўтмишки бегу хонлар.

Эл захрасини ёриб, асов отида бориб,  
Умрида солқон отмай бўлур «сохибқирон»лар.

Йиғиб ҳамшираларни, муғлуқ бокираларни,  
Шом этди тийраларни, соврулди хонумонлар.

Кулфат тушиб бошиға, оғу тушиб ошиға,  
Келмай киши қошиға, ақрону меҳрибонлар.

Йўқ истаса халойиқ, дардға табиби хозик,  
Раҳбар бўлурға лойиқ, бошиға соябонлар.

Худоёр қочди-кетди, жулус ўрусға етди,  
Хукмин равона этди то Шошу Андижонлар.

Ким ишда илму ҳикмат қўллаб очар тилисмот,  
Ўтхона бирла бир ряд кетур бари вагонлар.

Пружиналик коляска жон роҳати олисга,  
Зийнат телеграмдин топура янги замонлар.

Савдо қизиқ бозори, кўп ўлди харидори,  
Тужжор элин гузори, тушди фаранг томонлар.

Илму хунар ривожини, бўлғай ақли(нг) тожи,  
Ҳам юрту эл хирожи, собит топура омонлар.

Аҳбоб Муқимий қат-қат, Завкий дилида ҳасрат,  
Ҳижрат тутибди Фурқат, қолдик неча ёмонлар.



\* \* \*

Сен кантурлар ичинда ямон экан Бектурбой,  
Темур сандук дегони ялғон экан Бектурбой.

Ман хонаи пухта деб, олдинг олам ахчасин,  
Санга бергон одамлар нодон экан, Бектурбой.

«Арзон эмас беиллат, киммат эмас беҳикмат»,  
Бемазхабу бемиллат олгон экан Бектурбой.

Кимки санга пул қўйди, «кўп яхши» деб, қўл қўйди,  
Бир умр ани ишлари армон экан, Бектурбой.

Бир лак сўмни бергонлар, йиғлаб келиб юргонлар,  
Андижонлик бечора меҳмон экан, Бектурбой.

Сандин талаб қилсалар, минг сўм берса, ўттуз сўм,  
Олгил судхўр пулларин, арзон экан Бектурбой.

Кўп бойларни синдурдинг, суд(хўр) кўнглин тиндурдинг,  
Хамма қилгон ишинга хайрон экан, Бектурбой.

Хўкандлик, андижонлик, Ўротепа мардумин  
Бир курашда йикитти, полвон экан Бектурбой.

Мусулмонлар ўз халқин инобатга олмади,  
Ажаб замон, ажойиб даврон экан, Бектурбой.

Қосим даллол бўлди бой, Карим охун(д) «хой-хой»,  
Бирга хаёи, бировга зиён экан, Бектурбой.

Етсун санга юз алам, на мулк бор(у) на ҳарам,  
Яйдоқ бўлуб тойдин ҳам сингон экан, Бектурбой.

Баъзи одам пулларин бермай еб кет, (ман) рози,  
Шахрисабзий, Бухорий, Афғон экан, Бектурбой.



Шарнатни хор айлаб, закотини бермагон,  
Нонемаслар пулларин олгон экан Бектурбой.

Ўлгон устига кўмгон, шўри курсун Карим (кул),  
Бир сартарош минг сўмни бергон экан, Бектурбой.

Завкий, жазоси шулдур, танзилга қўйса ахча,  
Ким санга пул қўюбдур, фиён экан, Бектурбой<sup>7</sup>.





## ДАР МАЗАММАТИ ЗАМОНА

Эй фалак, Фарғонага тегдиму билмам кўзлар,  
Чилла-ю доим зимистон, бўлмағай наврўзлар.

Бева-ю бечора косибларға хурмат колмади,  
Ўғрилар атлас кийиб, бой бўлди кўп тўнгузлар.

Юрту эл ахволиға зор йиғламоқдин ҳар кеча,  
Ой кўкси доғу гардун ашқидур юлдузлар.

Арзихол этсанг чикиб, ҳеч бир кулок солмай яна,  
Депсагай, мажрух калбинг бўлғуси маъюслар.

Ағниё аҳлиға айни муддао бўлди, кўринг,  
Айшу ишрат бирла ўтгай кечаю кундузлар.

Чархи кажрав, шум замона иллати қилгач асар,  
Аҳли дониш кўзлариға тийра бўлди рўзлар.

Бу шаҳар фиску фужурдин бўлди бадбўйким, кўринг,  
Кўплигинин пул эгаси, (думалок) кўнғузлар.

Кўп машаккат бўлди элга ўғриларни(нг) ваҳмидан,  
Ҳеч бир жон ухлаёлмас яккаю ёлғузлар.

Молу жонға кўз тикиб, тўпланди чор атрофидин,  
Уйма-уй боскин ясаб олғур карокчи-дузлар.

Ўлди кўплар беажал, номус бўлди поймол,  
Қиз анодин ажралибким, бўталардек бўзлар.

Тавба деб, Завкий яқонғни ушла, бўлғил эҳтиёт,  
Аждаходек комини очганда ялмоғузлар.



## ПАШШАЛАР

Кимга бориб арз этайким, дод, қўймас пашшалар,  
Ўткарур жабрини юз фарёд, қўймас пашшалар.

Пиру муршиди билан бошинг уза ғавфо қилиб,  
Одам ўғлин бир нафас дилшод қўймас пашшалар.

Кечаси оқи урур ниш, кундузида қораси,  
Хох пешин, хох намоз бомдод қўймас пашшалар.

Эй Худо, берғил омон, зарра магасни(нг) шарридин,  
Айла биз ожизга бир имдод қўймас пашшалар...

Бангу кўкнор кайфи бирлан хужрада қилдим «ғазот»,  
Кўнглими Мингтепадек обод қўймас пашшалар.

Мубтало бўлғил, илоҳо, подшоҳи(нг) дориға,  
Учрасанг биттангни ҳам озод қўймас, пашшалар.

Панд берур, ушлай десанг искабтопори доғули,  
Гўё иблис ангадур устод, қўймас пашшалар.

Келса меҳмон, Завкнӣ, суҳбатға берур доим ҳалал,  
Охири қилмоққа хайрибод қўймас пашшалар.







## ПАШШАЛАР

Кечалар уйқу бузиб безор қилди пашшалар,  
Ниш уриб жарроҳдек, бемор қилди пашшалар.

Қўймади ёз ойларида зарра роҳат қилғали,  
Бошима ғинг-ғинг қилиб бедор қилди пашшалар.

Тезроқ ўлсин, бошимизда кечалар чолмай дутор,  
Хам ашула айтишиб, «гулёр» қилди пашшалар.

Бўлди душман кўнглидек, йўқ зарра одамгарчилик,  
Борғали пайкал бошиға зор қилди пашшалар.

Гар таом келтурса тинг-тинглаб қилур овозлар,  
Найзасин сукмоқ билан кўп хор қилди пашшалар.

Ухламай куллий баданга кечаси гарми тошиб,  
Хар тарафдин жабрини бисёр қилди пашшалар.

Бир замоне қўймагай ким хоби харгўш айласанг,  
Душмани одам ўзин бадкор қилди пашшалар.

Айлади Завкий ракам зарра магасдин шиквалар,  
Гарчи мехмон эрди, зулм изхор қилди пашшалар.





## ҚАРЗ

Мухтож кишига бўлди бу йил балойи қарз,  
Йўқ осойиши айш, хама мубталойи қарз.

Фарзи Худо, қарзи халойиқ бори елкада,  
Ё раб, адоий фарз этайин ёки адоий қарз.

Ўтсам тутадур, хар кўча-ю маҳалладин,  
Гўё қазойи хожат этурдек адоий қарз.

Йўқ зарра нажот ҳеч, кун-тун зиёд ўлур,  
Кўш-кўш туғадур ҳафтада янги оийи қарз.

Бозор касод, касбу хунарга ривож йўқ,  
Нафс шайтонининг васвасаси, ройи қарз.

Етмаса мулку ашъё зуд тутиб мени,  
Айлар юзи каро бир кун сазойи қарз.

Найлай бу зиндаликни, Завқий, сафоси йўқ,  
Ортар хамиша ғаму кулфат, жафойи қарз.





## ИЛТИМОС

Чикиб эл аросида бир касал, қилинг отидин ҳазар,  
илтимос,  
Негаким, жахон эли кўрдилар жуда кўп бўлуб зарар,  
илтимос.

Эшитинг, аламзада бўлсангиз, муни жон қулоғида  
асрангиз,  
Урунг оғзига тиши сингудек, деса бир киши агар  
илтимос.

Агар ошнолари жонажон, ота-онангиз каби меҳрибон,  
Ини-оға ёки ширинзабон бўлса ҳам, бўлур заҳар  
илтимос.

Кўнгул оғриғи тушар ўртаға, бу алоқадин қилинг эҳтиёт,  
Анинг миннатининг нихолидин хафалик берур самар,  
илтимос.

«Бу фалоний бонка повисқаси, мана числасини кўринг»,  
деса,  
Юзи сарғайиб, кўзи термулуб, ана ваҳмалик хабар,  
илтимос.

Бир ҳакимедин сўрасам бориб, «Маразиға марҳами йўк», —  
деди,  
Билинг, онинг дардига йўк даво, касалин деса, магар  
илтимос.

Кредит кани-ю, учут\* қани, фрасон\*\* қани, қани  
сўлкавой?  
Фротис\*\*\* бўлуб, ушалиб, синиб, қани эмди карру фар,  
илтимос.

Дема лофи дўстлик уруб букун, бу замона зарфиға  
сигмади,  
Қани ушбу маърака мардиким, бари мода бўлди, нар  
илтимос.

Қўя кўрма, Завкий, пулингни ҳеч, деса ота-онанг агар  
келиб,  
Кўфуруқлара аёғинг тушуб, сенга танбих ўлди хар  
илтимос.

\* Учёт (хисоб-китоб) демокчи.

\*\* Процент (физ) демокчи.

\*\*\* Протест (льтироз) демокчи.



## ФОНУС

Арзим сенга етишсун, эй катта зўр фонус,  
Кел мунда, эмди еткур кулбамға нур, фонус.

Жону дил ила айлай, келганда иззатингни,  
Сен бўлмағил тўрамға ул ерда хор, фонус.

Мохи шарафларида оқшом қилиб риёзат,  
Кундузлари назардин ўлдингни дур, фонус.

Бир умр ҳамки қилсанг ҳазратлариға хизмат,  
Иқболу толибинг кам, пешона шўр, фонус.

Кўнгулда бўлса ногоҳ мен бирла ошнолиғ,  
Борган замони дарров, чопкилла, юр, фонус.

Васфинг эшитганимда хушвакт бўлди кўнглум,  
Кўз равшан ўлди сандин, дилга сурур, фонус.

Ҳазрат халога таъйин қилган дебон эшитдим,  
Тез қочмасанг ўзинг бил, шўринг қурур, фонус.

Хўб розларини истаб, сўнгра буён кадам кўй,  
Сандин вафо тариқи бўлсун зухур, фонус.

Бир кеча шамъ ёқсам ҳаргиз шамол кўймай,  
Сенсиз камина Завкий, кўп беҳузур, фонус.





## ДЕМАНГ

Хужжож, Макка ахлига чуну чаро деманг,  
Харчанд зулм кўрарсиз, хам ох-во деманг.

Зиёрат учун келурсиз бу шахри араб учун  
Яъни фалонини оку, фалонини қаро деманг.

Эҳсон этинг ғариблара имкон борича,  
Аччиқ сўхан била анга сиз бу жазо деманг.

Суратлари агарчи, назарда ҳақир эса,  
Бир сўз аларни(нг) юзига бемархабо деманг.

Бахшиш деб саиди шайх сизга юз карат,  
Ибром айласа они, шилким гадо деманг.

Таън айламанг бировни бу кашфи вужуд деб,  
Бу мағриби, бу хинду, бу аҳли жаво деманг.

Хар кимсаға бўлмиш насиб ўзга феъли хў,  
Бежо бировни(нг) феъли, бировни бажо деманг.

Воизи кўп хар гўшада панду насихати:  
«Ким кўйса бошингизга қадам, босма ҳо деманг.

Қилманг биров шикоятин кимсаға бориб,  
Тақдири илохий айлади жабру жафо деманг».

Аркони хаж шарти эмиш зоди роҳила,  
Бир кунга юз сўм истаса, киймат киро деманг.

Завқий сафар машаққатидин шиква айлади,  
Жабр этгучини жонингиза ошно деманг.



## ОТИНГ

Корвон, қарғай, сенингла мустадом ўлсун отинг,  
Жиннилик бобида умри бардавом ўлсун отинг.

Сотмасанг, ё сўймасанг, бундоқ ёмон феълин кўриб,  
Нотавон сен бирла дунёда харом ўлсун отинг.

Бизга билдурмай киро қилдингу бизни алдадинг,  
Дунёда сен бекафан, бул белажом ўлсун отинг.

Ҳеч ким биздин бўлак минбаъд кулфат кўрмасун,  
Умр кўрмай ёки бир кунда тамом ўлсун отинг.

Бўлмаса танбеҳ акангни(нг) панжасин карт узгани,  
Ўлдириб сен баччағарни, некном ўлсун отинг.

Олға юрмасдин Қароқчиқумда қилди танг дил,  
Қорақаш, ханги асов, ҳар ишда хом, ўлсун отинг.

Рўбарў келганни тишлайди қутурган ит каби,  
Шатталар толу терак хоҳ бўлса том, ўлсун отинг.

Берма ем, қантар қозуққа, боғла ушлаб думларин,  
Тутма асло сув юзига ташна ком ўлсун отинг.

Завқийга ҳамроз Муқимий, Ўш келиб Мирзо Умар,  
Қори Акрамжонға танбеҳи мудом ўлсун отинг.



---

## ҒҮДАСЛИК БОЙ ҲАҚИДА ХАЖВ

Танг кўзингдек мунча тангу тор бўлмай ўл!  
Жамоат вақти пешин жомияда тайёр бўлмай ўл!

Ғусл демай, туғилиб умрда ювмай (бету кўл),  
Доим биров таҳоратиға ҳамкор бўлмай ўл!

Таълими нопок гахи олиб кўр Ашурбойдин,  
Ваё муфти Ҳасанжон каби бадкор бўлмай ўл!

Шаётин кўрса юзинг ўқиб қочур «валоҳавло»  
Хийла-ю, макр бобида иблиси маккор бўлмай ўл!

Ўтқариб авкот мудом сифла-ю дун, нокас бирла,  
Бухл-кийна майдонида номдор бўлмай ўл!

Кўтис вужуд кўрса, эл дегай Ғўдос улуғи,  
Яёв сафарда кўш ўрқачли нор бўлмай ўл!

Қўтанда қўй, таблада от, соябон арава  
Зохиран сойилу кашшок каби хор бўлмай ўл!

Яширур юз, кўча-қўйларда кўриб ким турқинг,  
Махалла-қўйга бунингдек дилозор бўлмай ўл!

Эшик санаб туну кун, мудом чўмич овида,  
Эл ичра суллоҳу баднафсга ёр бўлмай ўл!

Йили гар ўтса ўлук қутулмағай дастингдин,  
Маърака, хатм-хўжасиз ховлида тайёр бўлмай ўл!

Ҳар сўмидан мири деб фойдага қўйдинг пулни,  
Қарздорларни(нг) осилмоғига дор бўлмай ўл!

Чўл йилон ёки газанда каби мардумни чақиб,  
Панд беришда тулки-ю, эчкиэмор бўлмай ўл!

Ахли дониш сўзи, Завкий, сира қор айламаса,  
Ақча учун кеча тонг отқуча бедор бўлмай ўл!



## ОТИМ

Бу падар лаънат ҳаром ўлгир отим,  
Ҳар қачонким, мен минар бўлсам касал.

Зарра келмас ўзига боққан била,  
Емига қўшиб бериб қанду асал.

Ётса ўрнидан туролмас нотавон,  
Қилмасам қўйиб пишанг бирлан шатал.

Йўқ табибларким юриб боқтирмаган,  
Тортсайди эртароқ, кошки, ажал.

Тўғрисидин бўлмасин оту улов,  
Хўжахондек ҳеч бир одам ўсал.

Эларо афсоналар қилди, кўринг,  
Ҳар тарафдин чиқди минг байту ғазал.

Етмадим Завқий пиёнбозорига,  
Эртадин то кечгача қилсам жадал.







## СИГИРИМ

Бобом жамолига тўйган табарругим сигирим,  
Момом висолини кўрган бу бузругим сигирим.

Таважжух айлар эди ҳар кечада шохи била,  
Ота-она ва қариндошиму пирим сигирим.

Сахарда маъраганингдин бўлурди халқ оғох,  
Теридга сурма қўшиб берди, хирхирим сигирим.

Ажалдин асрадим-у неча кун камаб кўйдим,  
Жахонда колмади мен қилмаган ирим, сигирим.

Ўларда фарғаралар айлаб арралар тортдинг,  
Тамоми амалга мохир дурадгорим сигирим.

Охирда йиқилибон кетганингча чалқамча,  
Бошингда турдим-у дедимки: «ёпирим» сигирим.

Терингни устида кўп кўнчилар хужум этди,  
Алар қайиш дедилар, мен дедим қирим сигирим.

Сени(нг) борингда ёнимдин танга кам бўлмас эди,  
Ки энди колмади ёнимда бир мирим сигирим.

Соғар маҳалда момом келса шатталар эрдинг,  
Сузонғич узра тепонғичу галдирим сигирим.

Ясан-тусан қилар эрдим суту қатигни сотиб,  
Ки энди колмади устимда шолпарим, сигирим.

Подага борибон алафлара назар солмай,  
Теридга иштаха сақлаб, такаббурим сигирим.

Подага борса келур эрди ўз аёғи билан,  
Адам сари кадам урган каландарим сигирим.



Суту каймокни сотиб, уйга харж айлар эдим,  
Ки ризки-рўзима бўлган сабабгарим сигирим.

Тебратишиб рўзгоримни оқладинг ёвғонимни,  
Ки сенсиз энди курур бўлди шу жирим сигирим.

Маҳрум этдинг қатиғу қаймоғингдин Завқийни,  
Бориб бу зор ила кимга дейин сирим, сигирим.

## БЎЛ

Ахли дил бўлма, замоннинг бойи бўл, баззози бўл!  
Акчадин лангар чўп ушлаб растанинг дорбози бўл!

Шеър эшитмайди биров, даврон қулоғи анга қар,  
Бир ҳовуч олтин, кумушнинг хуш жаранг овози бўл!

Тегмагай харгиз нишонга отган ўқ юз хажв ила,  
Хоҳ замоннинг шоири бўл, хоҳ тийрандози бўл!

Истамас бўлса замона Завқий ёзган шеърни,  
Ким эшитсин арзининг хоҳ рози, хоҳ норози бўл!





## МУЛЛАВАЧЧАЛАРГА

Сиз эшитсангиз, ахли Фарғона,  
Айтайин бир ажойиб афсона.

Расм деб хар ишни хў килманг,  
Эй хирадманду ахли фарзона.

Толиби илмсиз, эшитсангиз,  
Фасли аср айламангиз авомона.

Андижон, Марғилон, Хўқандийсиз,  
Ё Намангон, Чуст, Косона.

Бунн «сак сайр» дер Бухор ахли,  
Хеч ярашмас бу феъл инсона.

Ҳам валангу саланг юрмоқни,  
Дейди дангаса ёки девона.

Безори-ю чапан ишидур бу,  
Боки йўқ нисбат этса хайвона.

Кўргузинг хар тарафни, тонг эрмас,  
Кўрмаган бўлса ғайри меҳмона.


Истасангиз агар саёҳатни,  
Ақлингиз бирла боринг харёна.

Чорсуларда хеч уялмайсиз,  
Чапанона юришда саллона.

Субх то шом захр чой ичасиз,  
Кўп зарар, жабр этмангиз жона.

Дарс такрорин айлангиз доим,  
Бас корин тўйса ош ила нона...

Бўлса таътил кунларида қаранг,  
Жомию, Бедилу назми девона.



Жомиъ сахнига яхши жой солиб,  
Ўқишнинг анда шеър мастона.

Бу насихатни мен сиза қилдим,  
Меҳрибонликда тенг тутуб жона.

Айламас ушбу пандни сизга,  
Отангиз, бўлса, ё муҳиб она.

Бу васиятни Завқийдин эшитинг,  
Ҳикмат ойиндур, ҳакимона.

### УЙ ПУЛИ

Анди деган шаҳарға тушди шитоб уй пули,  
Айлади кўп одамни хонахароб уй пули.

Зулм қилиб ҳокими солди дўконларға пул,  
Тушмуш алар бошиға қаттиқ азоб уй пули.

Лак пули деб бир солур, уй пули деб бир олур,  
Қилмаса деб кўрқаман хоки туроб уй пули.

Ғалла хирожи қабул топмасидин илгари,  
Деди жадал айлабон устига: «топ уй пули»!

Дуди фиғони, кўринг, чиқди фалаклар уза,  
Қилди фақир аҳлини бағри кабоб уй пули.

Уй пулидан хат аро сўзлади бечора халқ,  
Завқий Хўқандий деди унга жавоб уй пули.





## ХАЖВИ АҲМАДХҶЖА ҚОЗИ БА ТАРИҚИ ТАРИХ

Жахондин кетди Аҳмадхўжа қози,  
Қазога юз тутиб умрини(нг) ёзи.

Ҳақиқат шарҳи ҳол айлаб кўрулса,  
Амоли хулқиға бўлғай тарози.

Қутилмай ўтдиларким феъли баддин,  
Олиб ном эл аро: шум, боз-бози.

Киши арз бирла борган чоғларда,  
Сўраб аввалда борму назру ниёзи.

Алл-инсофни дастмоя айлаб,  
Олурлар эрди боқмай кўпу ози.

Адо айлаб эдилар фарзи ҳажни,  
Қилибон жамъ амволу арози.

Мударрисликка ҳам мансуб эдилар,  
Эмас маълум «Музори» бирла «Мози».

Неча йиллар саёзбоши бўлубон,  
Яна бўлган эди Қайнарға қози.

Амалдорликни доим пеша айлаб,  
Бўлинмай ҳеч мағрурликка рози.

Эшитиб азл ахборини ногоҳ,  
Бўлинди қабзи рух бўлмокка рози.

Чикиб руҳи ажалнинг раъйи бирлан,  
Эрур тарихи: «Аҳмадхўжа қози».



## АБДУРАҲМОН ШАЙТОН

Хира иблис каби беномусу беор кетсанг-чи!  
Ялоғ йўқ сукмаган бош, эй саги бозор, кетсанг-чи!

Вужудингда саодатдин асар йўқ, наҳси акбарсан,  
Балоангизсан, эй кавкаби думдор, кетсанг-чи!

Сени катта-кичик кўрганда тутгай бемаҳал безгак,  
Ёмон калтак емай, бу ердан беозор кетсанг-чи!

На танхо кет демай, Мусича Маҳсумни олиб ҳамроҳ,  
Қилиб бизларни ҳам бир йўли миннатдор кетсанг-чи!

Кафан косибга Шолим бўлса, сен бичмоқ учун қайчи,  
Қасофат мақдаминг бизларга нодаркор кетсанг-чи!

Фирибгарликда танхо, Доғуливаш ё Камак насли,  
Харидорларга мисли кўсаи алдор, кетсанг-чи!

Хонатлас деб сотиб бўзу бўёқдин сурмаю элик,  
Олиб қўйганни(нг) турқин айладинг гулдор, кетсанг-чи!

Тириклик лаззатидин гар умидинг бўлса дунёда,  
Халойик қилмайин охир, дами сангсор, кетсанг-чи!

Газанда – захри қотил мор, макарнаждек вужудингни,  
Халойик кўргали бу растада безор, кетсанг-чи.

Ипактек гоҳ мулойим, келса истаршин ваё хожи,  
Амалдорларга бўлган эй(лаган)бардор, кетсанг-чи!

Шаётин, уммисибён тарқалур дунёга наслингни,  
Агар аввалда йўқ эрса ўзинг, бадкор, кетсанг-чи!

Ваё юртимга борсам хотуним деб минг талок ўлсун,  
Қасам ичкан эсанг ҳам, баччағар, бир бор, кетсанг-чи!

Ўлум афзал кишига эл аро олгунча шайтон ном  
Агар кетмоққа райинг бўлмаса, почор, кетсанг-чи!

Тавалло қилган эрди андижонлик: келмасин минбаъд,  
Хўканд аҳли учун, Завкий қилай, изҳор, кетсанг-чи!



## КЎП ҚИЗИК

Кўп кизик бу жаҳонни(нг) савдоси,  
Кўринур ранг-баранг тамошоси.

Хар ерга борса сўзи макбулдур,  
Кимни(нг) бор бўлса нуқра, тиллоси.

Жумласи бойлар сўзи айтур,  
Хохи эшони, хохи муллоси.

Илмдин истасанг, нишон йўқдир,  
Бошида бор қозонча саллоси.

Тўй килиб, ош берур ғанийларга,  
Камбағал парча нонни(нг) шайдоси.

Тўн қўюр олдига имом, бойни(нг),  
Камбағал келса хайда-хайдоси.

Сарф эгар тўйга пулни минг-минглаб,  
Йўқ хаёлида мактаб иншоси.

Илм учун пулни кўзлари қиймас,  
Ким билур бору йўку фойдоси.

Завкийи хаста ўлса очликдин,  
Бўлмагай бойларни(нг) парвоси.





\* \* \*

Сигмас мани ҳасратим жаҳона,  
Каждору мариз, эй замона!

Яхши хама даҳр аро нигунсор,  
Хар ерда ривождур ямона.

Пул бўлса кифоя, душман ўлсун,  
Ҳеч ким қарамайди дўсти жона.

Инсон шарафи-ла қадрсиздур,  
Ҳайвон жасади-ла мардумона.

Зоғу зағани юрубдур озод,  
Булбулга қафас этиб замона.

Билъакс биравга от кўярлар,  
Фарзонани жинни ё дебона.

Душмандур ўғул, ямон соғинмас,  
Фарзандиға ҳеч ота-она.

Сажжода, на саллаю на мисвок,  
Суннат бари тарк, қайда шона?!!

Ғайр аз гуноҳ аҳли йўқ, сахархез,  
Ғафлатда, ким уйғонар азна.

Хунсо хама садри мажлис ўлди,  
Мардона иши бўлуб занона.

Ҳеч камбағал бўлмагай қариндош,  
Мол бўлса, демас ани бегона.

Ерга боқар, «Осмона боқ!» деб,  
Будурму, фалак, санго баҳона?

Бедонага доим қўйса сайёд,  
Мусичага муфт бўлди допа.





Хўб комрас ўлонни чарлар,  
Акл ахли юроги тўлди қона.

Дунё эли, ҳеч кўрдингизму  
Қосиб кишини ҳалол баҳона?

Ақлу эсин дунёға сотарлар,  
Савдосини фойда деб зиёна.

Ҳеч ким емас охират ғамини,  
Дерларму бу даҳр жовидона.

Қолмаз ўтар умр бу сабуксайр,  
Оз қунда на ном-у, на нишона.

Эй, теззабону мардумозор,  
Қил фикрини ниш урур чаёна.

Бир кун санга етса муҳлати умр,  
На коргар ўлғуси ҳазона.

Йўқ поси нафас, на лукма таййиб,  
На тийри дуо етар қамона.

Рўзона амалсиз илм ахли,  
На шайхда тоати шабона.

Эл таънида шикваи замондин,  
Завқий, ишинг ўлди бу фасона.





## ЗОЛИМ ПУЛИ

Ғам еманг эй раста, ўн сўм тушди Шохалим пули,  
Бу эмас Шолим пули, албаттадур золим пули.

Йиғ деса амрона тергай битталаб бор-йўқдин,  
Жамъ қилсам етмабди жумла пару болим пули.

Нақд бир минг олти юз сўм зохир этди кассаси,  
Насия маълум эрди, эй аҳбоб, ахволим пули.

Дод денг, ҳар ерга бориб бу ҳамоқат дастидан,  
Қолмади ҳағтоки, уйда аҳлу аёлим пули.

Пулни олгач, мактаниб хўб айтар эрмиш бетамиз,  
Бул эрур аввалги бозордин қо(л)ган молим пули.

Сехр ўқиб, келгуси бозор бўлгуси бир пира зан,  
Берсангиз, ўлганда қолган эрди, — дер, — чолим пули.

Завқий қосиблар тилидин қимга арзу дод эгар,  
Бу эмас Шолим пули, албаттадур золим пули.



## АФАНДИЛАР

Айтсам сиза сўз ростидин,  
Хам авж баланду пастидин,  
Тушманг бировлар қастидин,  
Эй «порсо»сиз афандилар.

Фарқ айламай яхши-ёмон,  
Ким арпа, буғдой, ким сомон,  
Тухмат ҳақоратлаб хамон,  
Не муддаосиз афандилар.

Таън айлангиз бўлса ҳаёт,  
Ўлганга сўз котмоқ уёт,  
Йўқ маъносида қатъиёт,  
Ким иштибоҳсиз афандилар.

Доим Муқимий Фурқатий,  
Ёдимда меҳру шафқати,  
«Ислох» да бошлаб тухмати,  
Кўп норасосиз афандилар.


Бўлса дегай эрди Муқийм,  
«Ислохи»нгизга ...  
Эй шолча таб, ақли тўқим,  
Шум беҳаёсиз афандилар.

Айбимни ашъор битмасам,  
Сиз бирла ҳамроҳ кетмасам,  
Ёхуд зиёфат этмасам,  
Юзи қаросиз, афандилар.

Ок деб бўлурму мўрини,  
Тотлик демаслар ғўрни,  
Хам кўйни кўр, хам бўрнини,  
Эй бедавосиз афандилар.

Посид ҳаёликим агар,  
Бўлса этаклаб ой тўсар,  
Қалбида фитна, ишўру шар,  
Явмул-жазосиз афандилар.

---



Сизлар юрусиз исловот,  
Ҳам барча «боз-бозига» бот,  
Шарм айлагай сиздин уёт,  
Номус-ҳаётсиз, афандилар.

Сидкийки, «Рафъи иштибоҳ»  
Журналингизга бир гувоҳ,  
Наъра урарким оқ-воҳ,  
Айланг даво сиз афандилар!

Дўзанда косиблик ишим,  
Эл бирладур ёзу кишим,  
Йўқ арз этарга бир кишим,  
Дорилказосиз афандилар.

Сайёҳ келди бир куни,  
Одил этаклаб кун-туни,  
Мақташди минмасдин уни,  
Казо-казосиз афандилар.

Ҳар раста бойи дўстингиз,  
Сиз – мағз, алардур пўстингиз,  
Борми суханда ростингиз,  
Кесма яқосиз афандилар.

Карнай чалиб беморға,  
Завқий осилмас дорға,  
Арзим шу: дўсту ёрға,  
Ким хўл балосиз афандилар.



---

## ОБИД МИНГБОШИ ҲАҚИДА ҲАЖВ

Хайхот, эшитсангиз улус,  
Обид деган қайнар бўлус,  
Мансаб эсиз, хайфи жулус,  
Бадлафзу бадгуфтор экан.

Дашт ерда мулким бор эди,  
Атрофи бедевор эди,  
Бой чорваси ўтлар эди,  
Қўй-эчкидин озор экан.

Тинмай дарахт экдим хадеб,  
Қўй-эчкилар қўймас ғажиб,  
Оклаб кетар, қолдим ажиб,  
Ердин киши безор экан.


Бир кун қўноқлабдур келиб,  
Вокиф бўлиб бордим билиб,  
Кетган экан озроқ жилиб,  
Дехқонбой анда бор экан.

Қирғиз қочиб, йўлга солиб,  
Эшак барим талаб олиб,  
Хизматчилар чарчаб қолиб,  
Ўлжа олиб тайёр экан.

Бойи бориб мингбошига,  
«Жаз» ташлаб они ошига,  
Чорлатди бини қошига,  
Кўп ваъзи тангу тор экан.

Бир умри тушта бир ишим,  
Олдим муросолиғ кишим,  
Кўрган замон учди хушим,  
Бадшакли ноҳамвор экан.

Ҳамдам топиб, тошиб тўлиб,  
Бордик узок чарчаб ўлиб,  
Эшак тарафдори бўлиб,  
Бизга қараб хангрор экан.



---

Қайнар гапи Қайнар булоқ,  
Хеч сўзга солмайди кулоқ,  
Ўлсин емай эчки-улоқ,  
Кўп порахўр мурдор экан.

Оғзилари ким ит ялоқ,  
Доим егай эчки-улоқ,  
Ё шайхму бу хотинталоқ,  
Гўё кўпак сардор экан.

Оламда йўқ бундай чапан,  
Ўғлини дер бу: «наъра зан»,  
Шанғи, шалоқ, кўп пешдахан,  
Беҳуда дил озор экан.

Чақсам чиён деб мактанур,  
Мен кўп ёмон деб мактанур,  
Умрим пиён деб мактанур,  
Ўз айбига иқрор экан.

Арз бирла кўп бечоралар,  
Бағри эзилган ёралар,  
Борса, қилур оворалар,  
Раҳм айламак душвор экан.

Бер эшагини, кет, деди,  
Завқий, уйинга ет, деди,  
Мен бир қопонғич ит, деди,  
Беномусу беор экан.





## СУВ ЖАНЖАЛИ

Олдим қўлимга хомани,  
Ёздим ажойиб номани,  
Тингланг қизиқ хангомани,  
Жанжоли то алҳол экан.

Қурғур Карим бобосидин,  
Ҳеч тинчимамай даъвосидин,  
Ўлдик анинг ғавғосидин,  
Боёнлари дажжол экан.

Айбини икром айламас,  
Ҳеч номусу ор айламас,  
Панд этсангиз, қор айламас,  
Сўз садқаи увол экан.

Ҳар қанча қилса гуфту гў,  
Бу ёзда тансиқ бўлди сув,  
Ким можарони(нг)боши бу,  
Моҳияти якқол экан.

Борганда пешвоз қўй сўйиб,  
Ҳожи миробга тўн қўйиб,  
Қунлар ўтар шу хил тўйиб,  
Қўнгиллари хушқол экан.

Ҳох рози, ҳох бўлсин хуноб,  
Юрт-элға сув бермай мироб,  
Ҳожи ерин қилмиш сероб,  
Дехқон учун қаттол экан.





## ТАЛАДИНГ БАРИНГ

Эшит арзи холим, эй (шанқилар)  
Мени мунча яккаладинг баринг!  
Чопишиб келиб, кокишиб тутиб,  
Хийла кўрқитиб, таладинг баринг.

Менга бир бўқокни хириллатиб,  
Қопиб ол они деб ириллатиб,  
Олақарғадек йиғилиб чўкиб,  
Менга хўмрайиб қарадинг баринг.

Чит растасини говур қилиб,  
Ит қувган соқовдек ховлиқиб,  
Гаронишга арз этиб охири  
На иш қилгали ярадинг баринг!

Бир эски тўнга бу хусуматинг,  
Бижғиб ичингда неча иллатинг,  
Гўдайиб Сибирь қиламиз дебон,  
Бир авахтага солмадинг баринг!

Мени ўлдурур кишидек бўлиб,  
Ана ўтди деб, мана кетди деб,  
Тўпаланг қилиб, кўча чангитиб,  
Кўз олайтириб қарадинг баринг!

Аччиқ суханим қилдими асар,  
Чопишиб ҳар қаёнга сарбасар,  
Мисли бир пашша чаққан мода ҳар,  
Кўча-кўйда шатталадинг баринг!

Ва на манда сўз, ва на санда гап,  
Манам индамай, санам энди хап.  
Шаҳри Фарғона ичра Завқийни  
Бу баҳонада синадинг баринг!



## ЗАМОНА КИМНИКИ

Сен дема ушбу замонда обрў муллоники,  
Қолди аълолар оёк остида, сўз адноники,  
Сар дарахти мевасин кўр: зоғ ила қарғоники,  
Демангиз, ахбоблар, гул булбули гўёники,  
Давлати васли тиконда, хажри ул шайдоники.

Сендин, эй даврон, ичиб ғам захрини ғамнокман,  
Ғунча янглиғ оташинликда гирибон чокман,  
Демадим бир бор ичсам дафъиға тарёкман,  
Халқ наздида хакиру хок ё хошокман,  
Давлату иззу шарафлар марди бодунёники.

Шахру кишлок демангизким, фиск ила тўлди жаҳон,  
Ахли дунё қошида ёлғончилардур нуктадон,  
Йўқ ривож касбу ҳунарға, соврилибдур хонумон,  
Хох косиб, хох дехқон қайға борса бағри қон,  
Холи ҳар ерда суҳан шармандаю расвоишки.

Мўътабар, нодон элидин қочди, донолар бари,  
Гўшага олди ўзин қўнгли мусаффолар бари,  
Қолдилар роҳи равишдин диёда бийнолар бари,  
Эътибор ўлди жаҳонга сурат оролар бари,  
Бу замона ғарч қовуш қийган, силиқ саллоники.

Ҳеч ким фақр аҳлиға жон бирла қилмайди савоб,  
Ағниё аҳлиға анқо парча нон, бир томчи об,  
Шу сабабдин бева-ю, бечоралар бағри қабоб,  
Бекасу бечора сўзига киши бермас жавоб,  
Манзилат ҳар ерга борсанг суврати зебоники.

Маъсият тўлди жаҳон ичра, зухур айлар фасод,  
Хайру эҳсон тонди барҳам, халқ бозори қасод,  
Ошно, ёру биродарларда ҳам йўқ илтифот,  
Меҳру шафқат йўқ, ота ўғлиға қилмас эътимод,  
Давру даврон ҳамма жойда ҳоқиму мирзоники.

Ағниё аҳлида йўқ хайру саховатдин асар,  
Бас эрур илму амал ўрниға бўлса сийму зар,  
Қўрмаман бу феъли баддин ютмасин деб ер магар,  
Сўрсаларким, бу мухаммасни ким айди деб агар,  
Завкий деган бир ямоқчи, маҳсидўз устоники.



## ВЕКСЕЛЬ

### *Завқий газалига Муқимий мухаммаси*

Мастур қолмағайким сўзнинг йўғони чиқди,  
Олтиариғлари ҳам векселни(нг) қони чиқди,  
Зовутни битқаролмай эшонни(нг) жони чиқди,  
Афсус, э халойиқ, ишлар ёмони чиқди,  
Охир замона маълум бўлди нишони чиқди.

Хар ишки халқимизга ҳокимлар этса фармон,  
Қилмай иложи йўқдур душвор, хохи осон,  
Нуқра қумушларидин бойлар хижил, пушаймон,  
Юз дод қилмасинму бечораи мусулмон,  
Хар танга-ю миридин якқол зиёни чиқди.

Банд ўлди олди-сотти фуқароларингни бил деб,  
Пуллар жаримасини қилсанг экан бу хил деб,  
Бозор бай очолмай, кишлоқу шаҳр сил деб,  
Арз этдилар халойиқ ҳокимга ҳукм қил деб,  
Қирк кунда уч миридин буйруқ дегони чиқди.

Дикқат ҳама сотолмай, ё бир нима олурға,  
Қассоб етти ўзни гўшт ўрнига тилурға,  
Солган қулоқларини эл, гап недур билурға,  
Бозор аҳли хайрон савдо-сотик қилурға,  
Сўйи самога йиғлаб қосиб фиғони чиқди.

Халқики камбағаллар гўёки галтак ўлди,  
Ўлганни(нг) устига ҳам бир неча калтак ўлди,  
Бу воқиа, Муқимий, ҳар ерда дастак ўлди,  
Пул-дабба, нарх-қиймат устига пўстак ўлди,  
Пўстак (белиға) боғлаб, Завқий, баёни чиқди.

## МУНЧА КЎП

Золим фалак бисотида озор мунча кўп,  
Инсон шарафли номида хор мунча кўп,  
Хар кўчаларда кашшок ила зор мунча кўп,  
Тархи жахон биносида бадкор мунча кўп,  
Хўканд аро балога гирифтор мунча кўп.

Хамрозу дўст топилса-ю, жонлар фидосидур,  
Орзу шулким: камина кўнгул муддасидур,  
Хуш сухбати мажрух дилим давосидур,  
Мақдами кўзума айни шифо хоки посидур,  
Йўк андоғ анисим, дунёда ағёр мунча кўп.

Нодон севар замона, дод илкидин нетай,  
Бошим олиб фиғон ила ё бир томон кетай,  
Ушбу диёри масхарани эмди тарк этай,  
Тинмай шикоят ила ёмонга рақам битай,  
Жумла фалокат аҳлиға ғамхор мунча кўп.

Дориламон бўлди ажаб фоҳишахоналар,  
Тўлмасми касофатдин охири паймоналар,  
Доно кўриб бу кулфат ўтида ёналар,  
Қолсин фиску фужури бошидин ордоналар,  
Қарғишга нишон беномусу беор мунча кўп.

Илму хунарлар ўрниға пулдор тўнг бўйин,  
Уч-тўрт йиғилиб қилишур ит каби ўйин,  
Эҳсони ғарибга йўк, шохона қилур тўйин,  
Айтса адо бўлмас сира минбаъд феълу хўйин,  
Гуссаи дилим, шарх айласам асрор мунча кўп.

Қишлоқ эли шафтоли, қоқи-нон тополмагай,  
Қийган либосини тортса (белини) ёполмагай,  
Ўлди совуқда кўпи оч, ўтун қолмагай,  
Кўрдики бу машаққати харгиз йўқолмагай,  
Қиш чилласида ёзга умидвор мунча кўп.



Ким ташна ёр учун, кимида икки-уч ҳарам,  
Бирови беватан-у, бировда боғи эрам,  
Бировни(нг) сўзи зулфиқор, бировни(нг) қадди хам,  
Ғаддор фалак, доим ишинг бўлди бешу кам,  
Каждор замона, доғули маккор мунча кўп!

Биров сийму зар ила ўлимдин омон бўлур,  
Етиб муродға бири хокими замон бўлур,  
Ақча учун киши рохизан ёмон бўлур,  
Бечора косиб аҳлиға, билгил, зиён бўлур,  
Ноҳак кон тўқарга босмачи хунхор мунча кўп.

Дерлар биров улуг-у бирни(нг) паст тақдири,  
Бири тўқу, бири оч, балоларни(нг) собири,  
Инсон шарафли номида эмасми ҳар бири?  
Ёхуд она тукқанида бўлганми бир сирни,  
Ёхуд эътиқод ила бидъат шиор мунча кўп.

Завқий, ким айди, мунча шикоятни дароз қил,  
Сўзни мухтасар айлаб, иборатни оз қил,  
Ким зимистон кўнгулларни баҳору ёз қил,  
Қад рост туриб, сўз била элни сарафроз қил,  
Айтмай десанг, муносиби ашъор мунча кўп.





\* \* \*

Ажаб замонадур, ахбоб, бош котуб колди,  
Будур муомала: бозорлар ётуб колди,  
Кими нишонасиға келса қарз, отуб колди,  
Бу дин лойиға обдур ашқ, ботуб колди,  
Бу май шириндур-ачиқ, ҳар киши тотуб колди.

Насихат: Аҳли жаҳон, ҳеч кишиға сиз кулманг,  
Бутундур-эрта халойиқға кулқу бўлманг,  
Бу йил охириғача таъна чу кўрунг, ўлманг,  
Еса томурларингиз бонка қурти, ҳам, сўлманг,  
Ким ухласа, фросон бонки уйғотиб колди.

Ичутчиларни бўлуб бошиға бало бонка,  
Бало десам, яна эл жониға жазо бонка,  
Жаҳонни сийму зарин ютти аждаҳо бонка,  
Ким учраса, анга офат тегар, вабо бонка,  
Халос ўлуб, ўзи жонин ким ажратуб колди?!

Бу бонкахонаға банд ўлди пашшадин то пил,  
На коргар анга бахт-у, элмагига қолу қил,  
Нечук замонаки, нахсият ила ою йил,  
На кози колди, на аълам, на муфти ва на вакил,  
Бир илтимос-ла вексил олуб, хотуб колди.

Йўқотти чикса бозор, ҳар афанди қопини,  
Бўлур кузаккача маълум, ким урса лофини,  
Келичасини сотуб, балки еди сопини,  
Бу йил хуруж қилиб чикти қарзи ёфини,  
Ўзини мулкини бермай ким ажратуб колди?!

Ҳамиша шуъбадагар давр кўргузур бози,  
Жаҳон тўла бори хангомадур кишу ёзи,  
Фалакни ҳар кишиға бу тағофулу нози,  
Очилди мактаб, ўқиттию синди устози,  
Гар ўлса рўбарў, бир дамда ўргатуб колди.



Демакка рози дилим эмди ҳамнафас қайда,  
Қирарга булбули табъим тузук қафас қайда,  
Йўқотти йўлни ҳама, савтлик жарас қайда,  
Олурға боғу ҳарам орзу-ҳавас қайда,  
Тамоми олам эли мулкани сотуб қолди.

Амал чиқай деди илм аҳлини хаёлидин,  
Риё самар беради шайхлар камолидин,  
Ғанини парҳези йўқтур рибо ваболидин,  
Магар ахири замон бўлди халқ ҳолидин,  
Аломат ўлди, қиёматни қўзғотуб қолди.

Атони бўйнида йўқ ўғил-чун вафо тавқи,  
Аноси қиз боласи-чун қачон келур шавқи,  
Баробар ўлди, ямону яхшиларни йўқ фавқи,  
Бу даъво бирла ўтуб умри муддаий Завқий,  
Бировни алдамади, лекин алдатуб қолди.



## ВОҚИАИ ҚОЗИ САЙЛОВ

Сиз эшитсангиз, ахли Фарғона,  
Айтайин бир ажойиб афсона.

Қиламан бир хикояйи сайлов:  
Бир киши кози-ю, чиқди биров.

Дегайлар кўнгулга жо бўлса хавас,  
Ха ишда одами тинчимас бирпас.

Шахри Хўқандда, Хўжанд даҳаси,  
Сайлов хангомаси бўлди баси.

Қозийи вақт исми мулла Камол,  
Ўрнида қолмоғиға хом хаёл.

Тутубким жаҳонни ташвишу ғами,  
Фориғ ўлмайин бу ғамдин дами,

Бериб элликбошига ўн минг сўм,  
Деди: айланг на бўлса расм-русум.

Мунча ақча олиб бировдин қарз,  
Гўё ул билди козиликни фарз.

Демадиким ирода қор надур,  
Бир тақдир, ихтиёр надур.

Эди келиб мунда Шаҳрихондин,  
Тутар эрди ўзин баланд хондин.

Тутиб Шоқирқорадек ғанидин дўст,  
Не дўст бўлиб баайни бир мағзу пўст.

Яна нопоклиғи машхури жаҳон,  
Хасанжон аъламдин ажрамай бир ой.

Етиб элга ондин юз ранжи гарон,  
Фиску фужур ўлиб улусға аён.



Ким уни таниган ёшу қари,  
Вабо кўргандек бўлур эрди бари.

Бўлса агар етим-есир моли,  
Қози қилур эрди молдин холи.

Хийлаи шаръия деб ёлғон номин,  
Сочар элға дон қуриб домин.

Хузурига арз бирла келса биров,  
Гурба янглиғ бўлурки, пойлаб ов.

Йўлукса баногоҳ зебо рў хотун,  
Юзин очирур ҳам сўрур отин...

Ким йўлиқди анга шикоят этар,  
Бу янглиғ можаро хикоят этар:

Амри маъруф талаб бир аёл,  
Келиб қозидан айламиш савол:

«Пинҳони зино гар қилса киши,  
На бўлур тонгла маҳшарда иши?»

Эй покиза сўзли мумтоз роҳбар,  
Шариати расулдин бергил хабар?»

Қози дер: Ношаръ зино этса аёл,  
Ёхуд эр бу ҳақда қилса хаёл.

Тебранур арш, етти қат осмон,  
Боришур гумроҳлар жаҳаннам томон».

Ул зани пургуноҳ дер: «Гуноҳ қилдим,  
Нетарман неча бор зино қилдим».

Бу калимаши дегаҳ заифи осий,  
Титрамишки қозининг ҳама аъзоси.

Хирс била ёлбориб ул суллоҳ,  
Хотунға ёнишур бориб ногоҳ.

Демиш: «Бу кеча мен била хилватда,  
Бўлингиз боқи умр узлатда.



---

Сиз учун сидки дил дуода бўлай,  
То ўлгунимча муддаода бўлай».

Ул хотун юлиб қозининг мўйин,  
Дерки, махкамада тўкиб обрўйин.

«Зохиран дўзах азобини сўзлаб,  
Ботинда фикс-фужур ишин кўзлаб.

Баракалло, эй хирқапўши фосик,  
Ваъзингизгаму бу кор-бор лойик».

Қози жавобида уялмай-нетмай:  
«Арш кимирлар, аммо йнқилмас» дегай.

\* \* \*

Яна бир кассаки бордур машхур,  
Жойиз ўлтур гар айласам тахрир.

Бир заифани дерлар ўлиб эри,  
Қолди қўп мол, дунё-ю ери.

Васийликка олиб Камол қози уни,  
Совчи қўяр эрди туну қуни.

Муддао бутун амволин олгай,  
Эгасиз хирмондин бойиб қолгай.

Ихтиёр қилмаслигин ул бечора,  
Изхор айладиким неча бора.

Бўлса ул хотунга биров мойил,  
Никох қилдирмади қози неча йил.

Қарамай охир никох паттасига,  
Тегди-кетти бориб юртнинг каттасига.

Мулла Камол тортиб алам ёшурун,  
Ўтмиш ичларидин қон бирла йиринг.

Алқисса бу аснода ўзга можаро,  
Юзланиб чиқдиким ажиб бир бало.



Тарқалди халойиққа сайлов хабари,  
Қўзғолдилар ағниёю уламо бари.

Эрди бу частға қозийи мози,  
Исми Мулла Ҳакимжон қози.

Қозиликни жону дил суяр эрди,  
Мағрурлиғига кўп куяр эрди.

Соли хезу, Мўмин каби боёнлар,  
Шох Иноят кўрбошидек аёнлар.

Махалланинг беш-ўн пешқадами,  
Йиғилиб машварат айлади дами.

Оқибат ҳаммаси аҳд айладилар,  
Мулла Ҳакимжонни сайладилар.

Пешкаш гаронишу хокимгача,  
Юборди доноларни домигача.

Хўжа Камол ҳам топиб хабари,  
Йиғеди сак, хўк, муш, бақари.

Шоқирқаро, Олимқовок бошлиқ,  
Хушомадлар ила тарқатиб ошлиқ.

Зўр ҳарб учун камар боғладилар,  
Гўёки рақиб дилин доғладилар.

Ҳакимжон ҳовлисиға ким элчи,  
Юборди пинҳонни гўё тилчи.

Келиб ногоҳ бир-икки иғвогар,  
Қилди занжир эшик так-так дар.

Турган эрди эшикда бир миршаб,  
Деди: «Очинг, бу ерда недур гап».

Вале миршаб аларни ичкариға,  
Қўймади итариб кўкрағига.

Ким қози Камолга бориб бир-бир,  
Сўзлаб дедилар: «Айлагил талбир».



Бир-бирин уриб бошини ёрди,  
Дод деб ул хоким олдиға борди.

Хоқим Мединский, приставлар,  
Келди, жамоа ўлтурубдирлар.

Тамоми можарони бир-бир сўрди,  
Бу хилда халқ иттифоқини кўрди.

Мақтадилар Ҳақимжонни ишириб,  
Қўйиб эрдилар ишин пишириб.

Ҳақимжонга бўлиб хоқим ройи,  
Дедиким: -- қозилик бунинг жойи.

Шоқирқароникки хибс қилди,  
Мулла Камол барча мўйин юлди.

Бу масалким: оталмаса сопқон,  
Бошу(кети)га тегар отган он.

Бу воқиа, Завкий, эмас ёлғон,  
Мулла Камол бўлур шохиду бурхон.





**Қ И Т Ъ А**  
**В А**  
**Т А Ъ Р И Х Л А Р**



\* \* \*

Бир минг уч юз эди-ю ўн тўккуз,  
Келдилар Ҳазрати Миён Кодир.

Корни Заххок, Сухий Нажмиддин,  
Фазли Раббоний-отлари Нодир.

Ғозихон масихийдур, Умаржон бой,  
Завкийдин ушбу сўз бўлўб содир.





\* \* \*

Гул оразингни акси ила наззора боиси,  
Кўргуз чамангаки гаҳи бир оташин жамол.

Боғи малоҳат ичра ики навнихол мард,  
Раҳм айлагил ишқ аҳлиға, топай десанг камол.

Рози дилимни сизга демай, кимга айтайин,  
Меҳнат юкининг остида қад бўлди мисли «дол».

Жоно, фироқинг ҳасратини кўп чекиб эдим,  
Жоми жаҳонда бўлди насиб шарбати висол.

Изҳори ишқ ҳар хавас аҳли дилида кўп,  
Иқроп қилдим ушбу дунёда кўп моҳу сол.

Нозофарин даҳр боғида ики маҳбуб номини,  
Назмини Завқийнинг ҳар ики мисраъ бошидин ол.





## ҚОЗИ ИСФАНДИЁР АЗЛИГА ТАЪРИХ

Эйки, сайлов хикоясин сўрагон,  
Хафа ким бўлди, қайси кулди? — денг.

Қозию куззот масжидда, букун,  
Кимнинг паймонаси тўлди? — денг.

Қатағоннинг часининг сайловида,  
Ким тирилди, ким кўмилди? — денг.

Қозийни Чирикжикда шаҳр ичра,  
Хожа Аҳмад эшонни бўлди денг.

Бу казо гулшанида ҳар кимса,  
Гули айши очилдню сўлди, денг.

Азл агар мавт ҳукмида бўлса,  
Завкийдин таърих анго н-ўлди? — денг.

Чикти жон, ахчаси бўлуб бесар,  
Қози Исфандиёр ўлди, денг.

*Хижрий 1313 (милодий 1895) йил.*





\* \* \*

Мулла Эргаш деган первой рас (раз),  
Бўлди «мухториятда» мири асас.

Аҳли Хўканд жумла сайловда,  
Кўргану кўрмаган қилди хавас,

Ман ани рохзан деб ўйлагандим,  
Бўлса кўрбоши ўзга йўқмуди каср?

Деди хотифи ҳасли Завқийға,  
Санан таърихи: «Бу ўғри эмас»<sup>8</sup>.

*Хижрий 1336 (милодий 1918) йил.*





## ҚОЗИ ФАЙЗ ВАФОТИ ТАЪРИХИ

Икки жаҳон мулкини айладингизлар хавас,  
Бу тани хокий, билинг, рух қушиға қафас.

Барки шародат миниб, шох ва гар сиз гадо,  
Етса ажал, келтурар мингани чўбин фарас.

Кимки тўшаб зар палос, кийгали дебо, харир,  
Киргуси ер қўйниға хар нечук озода кас.

Қори Абул Файз эди вонзи ширинкалом,  
Шаҳри Бухоро, Хўқанд байнида бир маънирас.

Фафлати жаҳл уйқуси кўзларими маст этуб,  
Ибрат эмасму кўруб келмаганим пешу пас.

Мабдаи файёздин файзи илоҳий эди,  
Кимдур анинг суҳбатин айлаб умид истамас...

Қалби художўй эди, лафзи дуогўй эди,  
Тиллари алқобхон, наъгу сано эрди бас.

Мохи муборак аро раҳматидин очти боб,  
«Иржиъи» савтин билиб, рихлати кўси жарас.

Кетти юз афсуским, зубдаи аҳли замон,  
Завкий деди таърихин «Воизи кудсий нафас».

*Ҳижрий 1323 (милодий 1905) йил.*



**ТАЪРИХИ ВАФОТИ ДОМУЛЛА АҲМАТ ОХУНДИ  
МАРҲУМ МУЛАҚҚАБ БА «СУРМА» СУРМА ЛАҚАБЛИ  
ДОМУЛЛО АҲМАД ОХУНДИ МАРҲУМНИНГ ВАФОТИ  
ТАЪРИХИ**

Завқий топиб домуллонинг таъриhini «Хуб фани»,  
Булажаб, искот учун чун чиқди «Рахимжон бала».

*Ҳижрий 1279 (милодий 1901) йил.*




**ЗАВҚИЙНИНГ ЎЗ АЙВОНИ ҚУРИЛИШИГА  
АЙТГАН ТАЪРИХИ**

Даҳр бунёдини чун булбул кўруб гулшан, дедим,  
Риндедурманки, ҳар маңзилни бир гулхан, дедим.  
Завқис, бу кошона сар то пой ёғлангон учун,  
Бу бино таъриhini «Айвони боравған», дедим.

*Ҳижрий 1327 (милодий 1910) йил.*





**ЗАВҚИЙНИНГ ЎЗ МЕҲМОНХОНАСИ ҚУРИЛИШИГА  
ТАЪРИХИ**

Эй қулбан Завқийға дамодам йўхлаб, шарафи кудум  
етургон,  
Маълум жанобингизга бўлсун таърихи бино савол  
қилгон.

.....\*

Ихлосу адаб юзидин айди: «Хуш келдингиз, азиз  
меҳмон!

*Ҳижрий 1298 (милодий 1879) йил.*



**ЁРМАЗОР МАДРАСАСИ ТАЪМИРИ ТАЪРИХИ**

Абдурахмонбой ясаб бир касрким жаннатфизо,  
Ёрмазор ичра килиб бир мадраса олий бино.

Бойға доим дастгиру хомий, имдод этгучи,  
Боний, баъзан домла Аҳмаджон мударрисдур яно.

Бу бино таъмирини дилкаш кўруб, Завқий деди  
Таърихида «Мадраса бўлди ажойиб хушхаво».

*Ҳижрий 1313 (милодий 1895) йил.*

---

\* Кўп нукта ўрнидаги мисра матида тушиб қолган



**САЁҲАТНОМА  
ВА  
ШЕЪРИЙ МАКТУБЛАР**

## ШОҲИМАРДОН ХОТИРАСИ

Бу равзага кимки келиб,  
Бир кечаси меҳмон экан.  
Умрида бир кўрган киши  
Ўлганда беармон экан.

Икки тарафдин сой денг,  
Кўм-кўк мусаффо чой денг,  
Ҳар дам ичиб хой-хой денг,  
Оби ҳаёти жон экан.

Осмонга кўйган нардбон,  
Чиксанг тамошо бир жаҳон,  
Наҳри улуғ, ҳар сўй равон,  
Кўрмакка кўз хайрон экан.

Келдик етиб мохи ражаб,  
Ҳар ким кўрар айлар ажаб,  
На порс кўрган, на араб,  
Бир жаннати ризвон экан.

Болода танг-танг кўчалар,  
Тургайки, шайху хўжалар,  
Келса товук ҳам жўжалар,  
Ёзмокда дастурхон экан.

Бадшаклу бадхў, баднамо,  
Ботинда кийна, фиск, риё,  
Ким учраса шилким гадо,  
Суллох, озори жон экан.

Саҳни ажойиб хушхаво,  
Ҳам рухпарвар, жон физо,  
Хушбў кўринган ҳар гиёх,  
Жамбил билан райхон экан.

Бўлса керак бул тоғлар,  
Кам-кам чиройли боғлар,  
Ҳеч кимса кўрмас доғлар,  
Кўнгли аро қолган экан.

Завкий келиб кўп турмади,  
Турса рафиқлар кўймади,  
Оё насиба бўлмади,  
Эҳроми Учкўрғон экан.



## ЗАВҚИЙНИНГ ФУРҚАТГА МАКТУБИ

Жонимға тоб солди сўзи фироқ Фуркат,  
Кел ким, хароб қилди бу иштиёк Фуркат,  
Қосид етур паёмим, ҳар ерда топсанг они,  
Завқийни тоқатини кўп қилма ток Фуркат.



Бизларга сиз ёзибсиз, мактуб айлагонда,  
Таслим ила дуолар мактубларда хар бор.

Ул хат аро ёзилгон таслими шавқомез  
Бизларға айладилар изҳор нурул-абсор.

Хурсандлиғ муяссар бўлди, чунончи, ҳаргиз  
Ёзгон билан туголмас, поёни шарҳ бисёр.

Ҳақ айласун саломат, бообрўю давлат,  
Эй сохиби фазилат, иқбол сизғадуру ёр.

Уммид шулки, доим хатларда ёд айлаб,  
Бизларни шод айланг мактубларда хар бор.

Биз ҳам дуоға машғул, қилсун Худой макбул,  
Ҳақ айласун саломат, арвохлар мададкор.

Завқийнинг иштиёқи аз ҳад фузун, афандим,  
Бори дигар Худованд қилсун насиб дийдор.



## ЛУФАТ

### А

<i>Абёт</i> –	байтлар.
<i>Абр</i> –	булут: абри найсон-бахор булути.
<i>Абру</i> –	кош.
<i>Абтар</i> –	1) думи кесилган; 2) нуқсонли; 3) парокан-да, паришон; 4) вайрон.
<i>Авбош</i> –	бебош, саёқ, дайди.
<i>Аврат</i> –	кишининг беркитиши лозим бўлган аъзоси.
<i>Авоҷ</i> –	оддий халқ.
<i>Авсат</i> –	ўрта, ўртача.
<i>Авсоф</i> –	васфлар, мактовлар, таърифлар.
<i>Автод</i> –	Бир жамоанинг ҳурматли кишилари; тўрт ав-лиёнинг бошлиғи; худога етишганлар.
<i>Авҳоф</i> –	вакфлар.
<i>Адам</i> –	йўқлик.
<i>Адлуғстар</i> –	адолатли, одил.
<i>Адуҷ</i> –	душман, ёв, рақиб.
<i>Адно</i> –	энг паст, қуйи, тубан.
<i>Аждод</i> –	ота-боболар.
<i>Ажз</i> –	ожизлик, заифлик.
<i>Ажнос</i> –	1) турлар, хиллар, жинслар; 2) матолар, ки-йим-бош.
<i>Азич</i> –	катта, улкан, буюк.
<i>Азл</i> –	мансабдан бўшатилиш.
<i>Азм этмоқ</i> –	ирода, касд этмоқ. Бормоқ, кетмоқ, сафарга жўнамоқ.
<i>Аз таҳриди</i> –	чин кўнгилдан, астойдил.
<i>Ал</i> –	кўл, олд, рўнара.
<i>Алҳоб</i> –	1) лакаблар, номлар, тахаллуслар; 2) сифат-ловчи, мактов сўзлар.
<i>Амвож</i> –	мавжлар, тўлкинлар.
<i>Амвол</i> –	моллар, буюмлар.
<i>Амсол</i> –	ўхшаш, монанд.
<i>Андалиб</i> –	булбул.
<i>Анвор</i> –	нурлар.
<i>Анжуман</i> –	мажлис, йиғин.
<i>Анш</i> –	дўст, улфат, яқин ўртоқ.
<i>Анфос</i> –	дамлар, нафаслар.
<i>Арозий</i>	ерлар.
<i>Арса</i> –	майдон, яланг жой.
<i>Аргавон</i> –	арғувон, кизил гул.
<i>Асас</i> –	тунги қоровул, мири асас-тунги қоровуллар бошлиғи.
<i>Асбобу алоийҳ</i>	асбоб-ускуналар.
<i>Асрор</i> –	сирлар.
<i>Афлок</i> –	фалаклар, осмонлар.



<i>Афтада</i> —	нотавон, эзилган, кийналган.
<i>Афъол</i> —	1) феъллар, ҳаракатлар; 2) одат, ахлоқ, қилиқлар.
<i>Ашк</i> —	кўз ёши.
<i>Ағниё</i> —	бойлар, мол-дунё эгалари (бирлиги ғаний).
<i>Аҳбоб</i> —	севимлилар, дўстлар, ёронлар.
<i>Аҳд</i> —	1) касам, шарт, паймон; 2) замон, давр; 3) ҳаёт, умр.
<i>Аҳмар</i> —	қизил.

## Б

<i>Бадкарда</i> —	қилмиш ёмон, эл-халқ орасида ёмон ном олган.
<i>Бадкор</i> —	ёвуз ниятли, ахлоқсиз.
<i>Бадгуфтор</i> —	ёмон сўзларни қўп ишлатувчи.
<i>Бадмужаллад</i> —	ёмонлик билан танилган, бирорта яхши фазилатга эга бўлмаган.
<i>Бадрафтор</i> —	ёмон йўлга юрувчи, саёқ.
<i>Бадшакл</i> —	хунук, беўхшов.
<i>Бадҳаво</i> —	ёмон орзу, хунук қилиқ, ярамас майл.
<i>Байтул-аҳзон</i> —	ғамлар уйи, кулфатлар маскани.
<i>Балоангез</i> —	бало кўзгатувчи, офат келтирувчи.
<i>Бараҳна</i> —	тамом аъзоси очик, яланғоч.
<i>Барқ</i> —	чақмоқ, яшин.
<i>Баста</i> —	боғлик, борланган.
<i>Бақар</i> —	мол, ситир.
<i>Баҳойим</i> —	хайвонлар.
<i>Баҳру бар</i> —	денгиз ва қуруқлик.
<i>Бебок</i> —	1) ботир, қўрқмас; 2) золим, тошбағир; 3) ҳаёсиз.
<i>Бекас</i> —	кимсасиз.
<i>Белажом</i> —	югансиз.
<i>Бемарҳабо</i> —	хурматсизлик: келган меҳмонни очик чехра билан қутиб олмаслик.
<i>Бесар</i> —	боши айланган, гангиган, паришон.
<i>Бесуқун</i> —	беқарор.
<i>Бетаваққуф</i> —	тўхтамасдан.
<i>Бехирад</i> —	ақлсиз, эси йўқ.
<i>Бехамто</i> —	яғона, якка.
<i>Бехбуд</i> —	1) яхшиланмиш, тўғриланиш; 2) фойда, нажат.
<i>Бийно</i> —	1) кўрувчи; 2) хушёр, сезгир.
<i>Бинг</i> —	минг (озарбайжонча).
<i>Бистар</i> —	тўшак, кўрпа-ёстиқ.
<i>Бод</i> —	1) касалликнинг бир тури; 2) шамол.
<i>Водиятаймо</i> —	чўл, сахро кезувчи.
<i>Бодпарак</i> —	варрак.
<i>Бодрафтор</i> —	1) шамолдай сдувчи; 2) қадимги жангномалардаги айёр доғуликнинг лақаби.
<i>Бодунё</i> —	мол-дунёли, бои.
<i>Боз</i>	1) лочин; 2) яна тағин.
<i>Болунар</i> —	қанотлар, қўл, оёқ.





<i>Боний</i> –	бинокор, курувчи.
<i>Боравган</i> –	ёғли, ёғланган.
<i>Боргоҳ</i> –	1) подшоҳ қабулхонаси, қаср, махкама; 2) чодир, ўтов.
<i>Борон</i> –	ёмғир.
<i>Борҳо</i> –	бирнеча марта.
<i>Ботин</i> –	ич, ички дунё, кўнгил, хаёл.
<i>Булуғ</i> –	балогат, вояга етиш.
<i>Булҳавас</i> –	хавасга берилган, енгилтак, беқарор.
<i>Бўйла</i> –	бўнақа, бу каби, бундай, шунчалик.

## В

<i>Вабол</i> –	увол, гуноҳ, зарар.
<i>Вазив</i> –	паст, тубан; 2) оддий халқ.
<i>Вексель</i> –	бойлар, банкирлар пул қарз берганларида қарздордан олиндиған расмий ҳужжат.
<i>Вожгун</i> –	тўнтарилган, тесқарн.
<i>Воиз</i> –	ваъз айтувчи, маддох.

## Г

<i>Газзоб</i> –	ўғри, муттаҳам ярамас.
<i>Ганж</i> –	қимматбаҳо нарсалар (олтин, қумуш, лаъл, ёқут ва хоказо) бойлик, хазина.
<i>Гардун</i> –	осмон.
<i>Гарми</i> –	иссиқлик (ёз иссиғида инсон баданига тошадиган нарсалар).
<i>Гарониш</i> –	пристав, полиция амалдорларидан.
<i>Гирих</i> –	туғун, чигил.
<i>Гирудор</i> –	олишув, жанг.
<i>Гузаргоҳ</i> –	ўтиладиган жой, маҳалла.
<i>Гуногун</i> –	ранг-баранг-хилма-хил.
<i>Гурба</i> –	мушук.
<i>Гуфтор</i> –	сўз, сўзлаш, галириш.
<i>Гўш</i> –	қулок.
<i>Гўша</i> –	бурчак, хилват, чекка жой.

## Д

<i>Даврони нофаржом</i> –	оқибати ёмон тугалган давр.
<i>Дайр</i> –	1) бутхона; 2) майхона; 3) дунё, жаҳон.
<i>Далқ</i> –	дарвишларнинг жуздан тўкилган кийими.
<i>Дамсоз</i> –	дўст, энг яқин суҳбатдош.
<i>Дар</i> –	эшик.
<i>Дариз</i> –	афсус, наломат.
<i>Дасти байъат қўймоқ</i> –	қўл беришиб аҳд-паймон қилмоқ.
<i>Даҳан</i>	оғиз.
<i>Даҳр</i> –	замон, давр, дунё, олам.
<i>Дебо</i> –	позик, нафис ипак мато.
<i>Дийда</i> –	кўз.
<i>Дол</i> –	«Д» харфининг номи (араб алифбосида бу харф эгик шаклда бўлгани учун букки қадни шунга ўхшатадилар), далолат қилувчи.



<i>Дом</i> —	тузук, тўр.
<i>Доман</i> —	этак, ўнгир.
<i>Доругир</i> —	талаш, тортиш.
<i>Дорулқазо</i> —	козиҳона, кози маҳкамаси.
<i>Доғуливаш</i> —	алдамчинамо, айёр каби.
<i>Дудмон</i>	хонадон, онла.
<i>Дузд</i> —	йўлтўсар, ўғри.
<i>Дун</i> —	насткаш, разил.
<i>Душвор</i> —	кўйини, оғир, мушкул.
<i>Дузанда</i> —	тикувчи, бу ерда: этик тикувчи маъносида.

### Ж

<i>Жаво</i> —	Ява ороли. Ахли Жаво — Ява оролида яшовчи халқ.
<i>Жавҳардор</i> —	ялтирок, порлок.
<i>Жангжў</i> —	уруш-жанжал истовчи, жанговар.
<i>Жарас</i> —	кўнғирок.
<i>Жибол</i> —	тоғлар (бирлиги жабал).
<i>Жовидона</i> —	доимий равишда, мудом, абадий.
<i>Жошиб</i> —	томон, тараф, жиҳат.
<i>Жонишин</i> —	ўринбосар.
<i>Жонфизо</i> —	жонни қувватлантирувчи, жонга роҳат берувчи.
<i>Жувон-пир</i> —	ёш-қари.
<i>Жулус</i> —	ўтириш, мажлис. Завкий бу сўзни амал-мансаб маъносида ҳам ишлатади.
<i>Жумҳур</i> —	халқ, омма.
<i>Журға</i> —	бир ютум, бир култум ичимлик.
<i>Жўён</i> —	қидириб, излаб.
<i>Жўшина</i>	1) қайнаш; 2) мажозий; булғула, ғавғо, тўполоқ.

### З

<i>Забун</i> —	1) ожиз, нотавон, заиф; 2) маълум, енгилмоқ.
<i>Заввор</i> —	зиёратчи, саёҳатчи.
<i>Закийтабъ</i> —	зийрак, фаросатли.
<i>Замима</i> —	ёмон, ярамас, коралашга лойик.
<i>Зан</i> —	хотин. Занон — хотинлар.
<i>Зард</i> —	сарик.
<i>Зарф</i>	суюклик солиб қўйиладиган илпич, коса.
<i>Завф</i> —	қувватсизлик, холсизлик.
<i>Забогрўй</i> —	чиройли юз.
<i>Зевар</i> —	безак, зийнат.
<i>Зеридаст</i>	кўл ости, бўйсунувчи.
<i>Зийнатафто</i>	безак берувчи, зийнатли этувчи.
<i>Зимистон</i>	қиш.
<i>Зимн</i> —	орасида, ўртасида, ичида.
<i>Зиндалак</i>	бир турли хавфли яра.
<i>Зино</i> —	гуноҳ иш, номаҳрам хотинга яқинлик қилиш.
<i>Зоди охираат</i>	охираат озиги.
<i>Зоди роҳила</i>	йўл озиги.
<i>Зол</i>	1) араб алифбосидаги бир харфининг номи; 2) маскор каминр.
<i>Зоғу лаган</i>	карга, қурун.

Зоҳир —  
Зубда —  
Зухраманзар —

ташки кўриниш, бирор нарсанинг сирти.  
1) қаймоқ; 2) мохият; 3) сара.  
кўриниш, Зухра юлдузига ўхшаган.

## И

Ибром —  
Ибрас —  
Иззу шараф —  
Икроҳ —  
Илк —  
Ичдод —  
Иршод —  
Истихора —

кисташ, зўрлаш, каттик талаб.  
русча «здравствуйте» (салом) сўзининг бу-  
зилган шакли.

Икром —

эъзоз, икром, ҳурмат.

Икром —  
Икром —  
Икром —  
Икром —

1) жирканиш; ҳунук ҳисоблаш; 2) бировни  
зўрлаб бир иш қилдириш.

Истиъонат —  
Итмом —  
Ифшо —  
Ихфо —  
Иҳё —  
Иҳтироз —  
Иҳтисоб —

кўл.  
мадад, кўмак, ёрдам.  
тўғри йўл кўрсатиш.  
кўнглидаги мақсаднинг ҳосил бўлиши ёки  
бўлмаслигини билиб олиш мақсадида туш  
кўриш учун ният қилиб ўқлаш.  
ёрдам сўраб мурожаат қилиш.  
тамомлаш, тугаллаш.  
очиш, ошкор қилиш, фош этиш.  
яшириш, беркитиш, сир тутиш.  
тириштириш.  
1) ўзини тутиш; 2) эҳтиёткорлик қилмоқ.  
1) ҳисоб-китоб қилиш; 2) шариятга ҳилоф  
ишларни тақиқлаш.

## К

Кабк —  
Кавкаб —

каклик.  
юлдуз; кавкаби думдор — қуйрукли (дум-  
ли) юлдуз (мунажжимлар тасаввурича, бу  
юлдуз кўкда кўринса, нотинчлик бўлар  
эмис)

Кавокиб —  
Каж —  
Каждормариз —  
Кажрав —  
Кажрафтор —  
Качак —  
Каманд —  
Камсухан —  
Канз —  
Канора —  
Карат —  
Карру фар —  
Кас —  
Кашафи вужуд —  
Кеттичи —

юлдузлар.  
тескари.  
эҳтиёт билан ҳаракат қилувчи.  
эгри юрувчи, маккор, хийлагар.  
тескари юрувчи.  
алдамчи, фирибгар, айёр.  
ҳалка, сиртмоқ, банд, тузоқ.  
одобли, кам гапирувчи.  
ҳазина.  
1) чет кирюқ; 2) кучоқ.  
бир неча марта.  
шону шавкат, дабдаба.  
одам.  
тошбақага ўхшаш, ҳунук.  
аттор, ҳар хил нарсалар (игна, сақич, упа,  
элик, тишколи ва бошқалар)ни эшакка ор-  
тиб, кишлокма-қишлоқ сотиб юрадиган май-  
да савдогар.  
1) тилак, мақсад; 2) баҳра, баҳра олиш;  
3) танглай, ҳалқум.

Ком —



<i>Комрас</i> —	мақсадга етиш.
<i>комрон</i> —	1) ўз мақсадига эришган, бахтли; 2) хоқим, хукмронлик қилиш.
<i>Корроз</i> —	ишбилармон, маҳмадона.
<i>Корубор</i> —	иш-куч, машғулот.
<i>Қудурат</i> —	1) хиралик, ғашлик, ғам-қайғу; 2) ғубор.
<i>Қулл</i> —	ҳамма, барча.
<i>Қунҳ</i> —	асл, ҳақиқат, моҳият.
<i>Қушод</i> —	очик, очилган.
<i>Қўс</i> —	катта ноғора,

## Л

<i>Ладун</i> —	1) олдида, ҳузурида; 2) ғайб, илми ладуний — ғайб илми.
<i>Лайлу наҳор</i> —	кеча ва кундуз.
<i>Лавин</i> —	лаънатланган, қарғиш теккан.
<i>Лаҳн</i> —	куй, ашула, сайраш, лаҳни довудий-ёқимли ашула айтиш маъносида.
<i>Ложарам</i> —	шунинг учун, шу боисдан; албатта: шаксиз, шубҳасиз
<i>Ломъа</i> —	ялтирок, порлоқ.
<i>Лоюҳсо</i> —	беҳисоб, кўп.

## М

<i>Мабдаъ</i> —	бошланиш, асл, асос.
<i>Мавло</i> —	1) ҳомий, соҳиб, сарвар; 2) Худо.
<i>Мавт</i>	ўлим.
<i>Мағас</i> —	пашша.
<i>Маҳхуш</i> —	беҳол, ҳушдан кетган.
<i>Мажусий</i> —	оташпараст, ўтга тонинувчи.
<i>Макарнаж</i> —	эчкемарнинг каттаси, тимсоҳ.
<i>Малоҳат</i>	ғўзаллик, ёқимлилик.
<i>Малул</i> —	ранжиган, ғамгин, хафа.
<i>Манзалат</i> —	даража, лаёқат, кадр, мартаба.
<i>Мараз</i> —	касаллик, бетоблик.
<i>Марғ</i> —	ўлим; арг муфожот-тўсатдан, фожиаги ўлиш.
<i>Мардак</i>	1) эркак; 2) одамча, насткаш одам; 3) нодон, энгилтабиат.
<i>Мардум</i>	1) одам, инсон; 2) кўз қорачини.
<i>Мариз</i>	бемор, хаста.
<i>Мардумозор</i> —	одамларга озор берувчи.
<i>Марқад</i> —	қабр, гўр.
<i>Масиҳ-Масиҳо</i> —	Исо алайҳиссаломнинг лақаби.
<i>Масъуд</i> —	бахтли, саодатли.
<i>Мастур</i>	беркитилган, яширилган, махфий.
<i>Матлаъ</i> —	1) аввал, аввалги байт; 2) чиқиб жойи (ой, кўш).
<i>Машом</i>	1) бурун, димоғ; 2) бўй, хид.
<i>Маъао</i>	бошпана, макон, турар-жой.
<i>Маъдалат</i>	адолат, инсоф.
<i>Маъжун</i>	бир қанча дориворни бирга қўшиб тайёрланган, кайф берувчи қуюқ дори.



<i>Маъзул</i> -	бўшатишган, ўрнидан бекор қилинган.
<i>Маънирас</i> -	маъно етказувчи.
<i>Маъсият</i> -	гуноҳ.
<i>Мақар</i> -	қароргоҳ, қалъа.
<i>Мақдам</i> -	қелиш, қадам қўйиш.
<i>Мағриб</i> -	ғарб, қўнботар.
<i>Маҳак</i> -	қумуш ва олтинларга суртиб, уларнинг тоза-нотозалигини ажратадиган тош.
<i>Маҳжабин</i> -	пешонаси порлоқ, гўзал.
<i>Маҳзар</i> -	1) ҳозир бўлиш, тўпланиш жойи; 2) даъво хати, ариза; 3) ҳукмнома, фармон.
<i>Миръом</i> -	ойна, кўзгу.
<i>Модар</i> -	она.
<i>Мозий</i> -	ўтган, ўтган замон.
<i>Мосиво</i> -	...дан бошқа, ...дан ташқари.
<i>Мофавқ</i> -	уст, ҳар бир нарсанинг юқори тарафи.
<i>Мофихо</i> -	ундаги, унинг ичидаги: дунёу мофихо - дунё ва унинг ичидаги мавжудотлар.
<i>Моҳ</i> -	ой, моҳу сол-ой ва йил, моҳи шариф - шарофатли ой, рўза ойи.
<i>Муаддаб</i> -	одобли, хушмуомала.
<i>Муддаий</i> -	даъво қилувчи, даъвогар, ракиб.
<i>Мужгон</i> -	киприклар.
<i>Мужда</i> -	хушхабар, суюнчи хабар.
<i>Муноҳий</i> -	таққиланган.
<i>Мунъим</i> -	неъмат берувчи, ризқ берувчи.
<i>Муосир</i> -	замондош, асрдош.
<i>Муришд</i> -	тўғри йўлга солувчи, йўл қўрсатувчи.
<i>Мург</i> -	қуш, парранда.
<i>Мусаллач</i> -	тобе бўлган, таслим бўлган.
<i>Мусаллат</i> -	ғолиб бўлган, назоратчи.
<i>Мусалло</i> -	1) жойнамоз; 2) намоз ўқийдиган жой, масжид, намозгоҳ.
<i>Мусаххар</i> -	бўйсундирилган, ҳукми остига киритилган.
<i>Мусовот</i> -	тенглик.
<i>Мустадом</i> -	давомли, доимий, узлуксиз, ҳамиша.
<i>Мутарро</i> -	тозаланган, мусаффо.
<i>Мутлақул-инон</i> -	жилови бўшатишган, ўз эркига қўйилган.
<i>Мутриб</i> -	чолғувчи, созанда.
<i>Муфлис</i> -	камбағал, қашшоқ, фақир.
<i>Муфт</i> -	текин, бепул.
<i>Мухолиф</i> -	тесқари, қарама-қарши.
<i>Мухтасар</i> -	қисқартирилган, қисқартма, қисқача.
<i>Муш</i> -	сичқон.
<i>Мушавваш</i> -	ташвишли, бесаранжом, кўнгли паришон.
<i>Муқтадо</i> -	эргаштирувчи, йўл бошловчи, имом.
<i>Муганний</i> -	ашулачи, созанда, чолғувчи.
<i>Муҳиб</i> -	севувчи, дўст тугувчи, меҳрибон.
<i>Муҳол</i> -	мумкин бўлмайдиган иш, қийин.

## Н

<i>Навмид</i> -	воумид, умидсиз, маъюс.
<i>Наврас</i> -	1) янги ўсиб келаётган, ёш; 2) янги етишган ўспирин.



<i>Навха</i> --	товуш чикариб йиғлаш, мунгли йиғи, нола.
<i>Надам</i> --	надомат, пушаймон.
<i>Нажжор</i> --	дурадгор, ёғоч устаси.
<i>Наргис</i> --	кўзга ўхшаш бир хил гул, бўтакўз гули (очилган гули кўзга ўхшаб кетганидан, адабиётда кўпроқ ўхшатиш йўли билан кўз маъносида ишлатилган).
<i>Нардбон</i> --	нарвон, зинапоя.
<i>Насим</i> --	тонг шамоли, енгил, ёқимли шабада.
<i>Нахл</i> --	кўчат, нихол, ёш дарахт.
<i>Наълайн</i> --	этик, жуфт кавуш, пойафзал.
<i>Наҳси ахбар</i> --	нахслин юлдузи, офатлик келтирувчи, ёмонлик рамзи.
<i>Наҳсият</i> --	шумлик, бадбахтлик, бехосиятлик.
<i>Неку</i> --	яхши, чиройли, олийжаноб.
<i>Нигаҳбон</i> --	назоратчи, кўриқчи, посбон.
<i>Нигин</i> --	1) узук, 2) мухр.
<i>Нигун</i> --	эгилган, тўнтарилган, букилган, тубан.
<i>Нигунсор</i> --	остин-устун, ағдарилган.
<i>Низор</i> --	озғин, суст, занф.
<i>Нилгун</i> --	нилранг, кўк ранг.
<i>Нисён</i> --	эсдан чиқариш, унутиш.
<i>Нисор</i> --	сочиш (хурматли кишининг бошидан гул, пул, танга, тилло сочиш).
<i>Ниҳон</i> --	яширин, беркитилган.
<i>Новак</i> --	1) ўк, камон ўқи; 2) киприк.
<i>Нор</i> --	1) шуъла, ўт, олов; 2) дўзах.
<i>Нофаржом</i> --	охирини яхши тугамаган, натижасиз, бефойда. сўзга уста, сўзнинг нозик томонларини тушунувчи, нозик фахм, ақли етук.
<i>Нуктадон</i> --	кўзларнинг нури.
<i>Нурул-абсор</i> --	1) зафар, валаба, ютук; 2) ёрдам, кўмак, мадад.
<i>Нусрат</i> --	мадад.
<i>Нуқра</i> --	кумуш.

## О

<i>Обдор</i>	1) тишиқ, соф, ялтирок; 2) серсув.
<i>Оби ҳайвон</i> --	афсонавий тириклик суви.
<i>Обо</i> --	оталар, ота-боболар.
<i>Озурда</i> --	озор чеккан, ранжиган.
<i>Ойжабин</i> --	ойга ўхшаш, ой юзли, гўзал.
<i>Оламгир</i> --	дунёни қўлга олувчи, жаҳонгир.
<i>Оламсўз</i>	оламни куйдирувчи.
<i>Оламтоб</i> --	оламни ёритувчи.
<i>Ом</i>	1) умумий, барчага баравар; 2) омма, халқ, кўпчилик.
<i>Ораз</i>	чехра.
<i>Осиб</i>	зиён, зарар, қулфат.
<i>Осиё</i> --	тегирмон.
<i>Осор</i>	1) асарлар; 2) белгилар, шизодалар.
<i>Офоқ</i> --	уфқлар, дунё, олам.



- Оғоз – бошланиш, киришиш; оғоз қилмок, бошламок.  
 Оҳанин – темирдан ясалган.

## П

- Пажмурда* – 1) сўлғин, буришган; 2) ғамгин.  
*Пайк* – хабарчи, жарчи, элчи.  
*Пайкон* – 1) камон ўқининг учпадаги учлик темир; 2) бошок; 3) киприк.  
*Паймона* – бир нарсани ўлчайдиган идиш, май пиёласи, қадах; паймонаси тўлган – умри тугаган.  
*Паррон* – учувчи, учиб кетаётган, парвоз килувчи.  
*Партав* – ёғду, нур, шугъла, ёруғлик.  
*Печу-тоб* – 1) тўлғаниш, изтироб; 2) сикилиш, қийналиш.  
*Пеш* – илгарин, олдин, олд.  
*Пиразан* – кампир, қари хотин.  
*Побаста* – 1) тузоққа илинган, гирифтор бўлан; 2) асир, тутқун.  
*Подош* – жазо, бадал.  
*Понсод* – аскарин лавозим, беш юз аскар бошлиғи.  
*Порсо* – такводор, художўй.  
*Пос* – 1) кечанин бир қисми, лахза, дақика; 2) риюя, эътибор; 3) сақлаш.  
*Посид* – ёмон, ярамас, бузук.  
*Поягир* – 1) оёк остида айланиб юрувчи; 2) босқич, мартаба, кадр, даража топган.  
*Пристав* – полиция амалдори.

## Р

- Равнақфизо* – ялтиратувчи, порлатувчи, ривожлантирувчи.  
*Ражъ* – қайтиш.  
*Рамақ* – жон чиқар олдидаги нафас, охирги нафас.  
*Ранжигарон* – оғир касаллик, эзилганлик.  
*Раоё* – раиятлар, халклар.  
*Рафиъ* – юксак, баланд.  
*Рафъи иш* – шубхани ўртадан кўтариш.  
*тибоҳ* – 1) одат, расм; 2) юрувчи, юриш маъноларини ифодалайди.  
*Рафтор* – 1) дарз, ёрик, тешик, дарча; 2) зарар, жароҳат.  
*Рахт* – 1) нарсалар, асбобу анжом, кийим-кечаклар; 2) безакли тўшак, гилам.  
*Раҳнамо* – йўл кўрсатувчи, йўл бошловчи, етакчи.  
*Раҳнамун* – йўл кўрсатувчи.  
*Реш* – 1) яра, жароҳат; 2) нотавон, заиф.  
*Рибо* – 1) ўсиш, кўпайиш; 2) фойда олиш, судхўрлик.  
*Риёзат чекмак* – нафс хоҳишларидан тортинмок, кийинчилик тортмок.  
*Ринд* – назик табиат, олифга, бепарво.



<i>Рифъат</i> —	баландлик, юксаклик, баланд мартабалик.
<i>Ришват</i> —	пора (бир ишни битирнш учун амалдорнинг яширин ва ноҳақ равишда оладиган пули ва ашёси).
<i>Ришта</i> —	таноб, иш, боғ.
<i>Ришхўр</i> —	сокол ёки мўйловини кайириб, оғзига солиб, чайнаб юрадиган одам.
<i>Риҳлат</i> —	кўчиш, ўлиш.
<i>Роз</i> —	яширин, сир.
<i>Рокиъ</i> —	бошнини эгувчи, икки букилувчи.
<i>Ром</i> —	мойил бўлиш, яқинлашиш.
<i>Роҳ</i> —	йўл.
<i>Роҳзан, раҳзан</i> —	йўлтўсар, қароқчи, ўғри.
<i>Руқъа</i> —	хат, мактуб.
<i>Рухинайранг</i> —	хийла найрангга ўрганган қўнғил, мувомбирлик.
<i>Рўз</i> —	кун, кундуз.
<i>Рўзи аласт</i> —	олам пайдо бўлишининг дастлабки кун.
<i>Рўй</i> —	юз, башара, чехра.
<i>Русияҳ</i> —	юзи қора, қўнғил бузук киши.
<i>Рўшно</i> —	ёруғ, равшан, нурли.

### С

<i>Сабуксайр</i> —	тез ўтар, бебаҳо, тез юрувчи.
<i>Савт</i> —	товуш, овоз, шовқин, оҳанг, қуй, мақом.
<i>Савти жарас</i> —	қўнғироқ овози (қарвон туяларининг бўйнидаги қўнғироқ овози).
<i>Саг</i> —	ит.
<i>Сагсайр</i> —	ит юриш, итдай дайдиш.
<i>Садр</i> —	1) баланд, юқори жой; 2) бошлиқ, раис.
<i>Саёзбоши</i> —	бош қози, етги-саккиз қозининг бошлиғи.
<i>Сажжода</i> —	жойнамоз.
<i>Сайёд</i> —	овчи.
<i>Самак</i> —	ер ости демак, катта баллиқ.
<i>Саманд</i> —	от, саман, сарик от.
<i>Сана</i> —	йил.
<i>Сар</i> —	бош.
<i>Сарафроз</i> —	юксак, юксалган, ҳаммадан устун, улугвор, хурсанд, кувноқ, хушвакт.
<i>Сарбасар</i> —	бутунлай, бошдан оёқ.
<i>Сарзаниш</i> —	1) койиш, жазо бернш; 2) танбех; 3) таъна.
<i>Сар то по</i> —	бошдан оёққача.
<i>Сархат</i> —	янги хуснихат машқ қилувчи учун кўрсатма қилиб, муаллим томонидан ёзиб бериладиган хат намунаси.
<i>Сахт</i> —	1) оғир, қийин; 2) кескин; 3) қаттиқ, дағал.
<i>Саққо</i> —	1) сув ташувчи, сув қуювчи; 2) мешқобчи.
<i>Саҳоб</i> —	булут.
<i>Сеяк</i> —	учдан бир.
<i>Сийм</i> —	кумуш; сийму зар-олтин ва кумуш.
<i>Сиймбар</i> —	кумуш бадан, оқ бадан, гўзал.



<i>Сичоқ</i> —	юлдуз номи (русча Арктур); бу юлдуз эски мунажжимларнинг фикрича бахтиёрлик белгиси.
<i>Синон</i> —	найза, найза учи, махбубанинг киприклари.
<i>Сипехр</i> —	осмон; дахр; замон, тақдир.
<i>Сифла</i> —	паст, пасткаш, хасис.
<i>Собир</i> —	сабрли, чидамли.
<i>Собит</i> —	1) бир жойда, қимирламай турувчи, барқарор, тебранмас; 2) исботланган.
<i>Содалавҳ</i> —	содда, ишонувчан, гўл.
<i>Соил</i> —	1) тиланчи, гадои; 2) савол қилувчи, сўровчи.
<i>Соний</i> —	яратувчи (Худо).
<i>Соъма</i> —	санама, хисоблама (озарбайжонча).
<i>Соҳиб</i> <i>зулм</i> —	зулм қилувчи, зolim.
<i>Субҳ</i> —	тонг пайти, сахар.
<i>Суд</i> —	фойда, бахра, наф.
<i>Суманбар</i> —	окбадан, гўзал.
<i>Суманбўй</i> —	ёсмин (суман) каби хушбўй, ёкимли, гўзал махбуба.
<i>Суроҳий</i> —	май қўйиладиган идиш, кадаҳ, коса.
<i>Сурх</i> —	кизил.
<i>Сухан</i> —	сўз, нутқ.
<i>Суханрас</i> —	яхши сўзловчи, нутқи равон.
<i>Сўз</i> —	қуйдириш, ўрташ, олов, аланга.
<i>Сўйисамо</i> —	қўк томон, осмон томон.

## Т

<i>Таодди</i>	1) адоват, душманлик, зўравонлик; 2) зулм, ситамгарлик.
<i>Таважжуҳ</i> —	юзланиш, караш; бирор нарсанинг бўлишини истаб ўша томонга вужуди ва хаёли билан юзланиш.
<i>Тавобей</i> —	эргашувчилар, тобей кишилар.
<i>Тавсан</i> —	шўъ от, ўйноқи от.
<i>Тавсиф</i> —	сифатлаш, макташ.
<i>Тавқ</i> —	халқа, тузок; тавқи лаънат, лаънат халқаси, халқ орасида сазойи бўлиш.
<i>Тавҳид</i> —	бирлик, ягоналик; сўфийликда худонинг бирлигига жазман эътиқод қилиш даражасига етиш.
<i>Тайиб</i> —	пок, тоза.
<i>Такаллум</i> —	сўз, нутқ, гапирмок.
<i>Тахя</i> —	1) суяичик, ёстик; 2) дарвишларнинг махсус турар жойи, умумий ётоқхона.
<i>Тали</i> —	теридаш қилинган нос идиш.
<i>Талх</i> —	ёмон-аччик.
<i>Талват</i> —	юз, чехра, гўзаллик, хусн.
<i>Таманно</i> —	1) тилак, истак, орзу; 2) баландпарвоз, ўзини юкори туттиш.
<i>Тандастлик</i> —	камбаваллик, кашшоқлик.
<i>Тараҳҳум</i> —	рахм қилиш, гамхўрлик.



<i>Тарёк</i> –	1) афъюн; 2) захарга қарши дори.
<i>Тариқат</i> –	усул, йўл, маслак, сўфийлик йўли.
<i>Тарсо</i> –	насроний, христан.
<i>Тарҳ</i>	қурилш, тузилш, режа.
<i>Тарҳи жаҳон</i> –	жаҳоннинг тартиб топиши, жаҳон тузилиши.
<i>Таъвиз</i> –	тумор, ёмон кўздан ва бошқа балолардан сакланиш ниятида дуолар ёзилган варақа.
<i>Тақрир</i> –	муқаррар қилиш, тасдиқлаш, баён қилиш, сўзлаш.
<i>Тагофул</i> –	ўзини билмасликка солиш.
<i>Телзабон</i> –	тили ўткир.
<i>Тийнат</i> –	характер, хулқ, тийнат.
<i>Тийра</i> –	қора, қоронғи.
<i>Тийрандоз</i> –	ўқ отувчи, мерган.
<i>Тиғл</i> –	бола, гўдак, чақалок.
<i>Тишқоли</i> –	тишини қорайтирувчи махсус модда.
<i>Тоб</i> –	иссиқлик, харорат.
<i>Тозийнажод</i> –	зоти, насли араб.
<i>Том</i> –	тўла, тўлиқ, бутун.
<i>Торик</i> –	қоронғи.
<i>Тужжор</i> –	савдогарлар.
<i>Тўша</i> –	озпк-овқат, йўл озиги.

## У

<i>Узлат</i>	чекиниш, кишилардан четланиш.
<i>Уммасибъён</i>	ажина, алвасти, дев.
<i>Урж</i> –	юксалниш, юқори кўтарилиш, кўкка кўтарилиш.
<i>Ушиоқ</i>	ошиқлар.
<i>Уқбо</i> –	охират, нариги дунё.

## Ф

<i>Фавқ</i>	уст, юқори.
<i>Файёз</i> –	жуда файзли, лутф ва қарам қилувчи, файз бағишловчи.
<i>Фалакфарсо</i> –	фалакка егадиган, фалакни орқадан қолдирадиган.
<i>Фарас</i> –	от.
<i>Фард</i> –	ёлғиз, яққа, танҳо.
<i>Фарзона</i> –	оқил, доно, дошманд.
<i>Фармондох</i> –	қўмондон.
<i>Фаръ</i> –	қием, бўлак.
<i>Фасли аср</i> –	аср (қун ботиш олди).
<i>Фасона</i> –	1) хикоя, эртак, достон, саргузашт; 2) афсона, уйдирма.
<i>Фасоҳат</i> –	сўзнинг очик, равшан, равшон, ёқимли, қондага мувофиқ бўлиши, услубнинг чиройлилиги.
<i>Фили дамон</i> –	ғазалли, маст фил.
<i>Фирифта</i>	мафтун, берилган, алданган.
<i>Фитроқ</i> –	юк боғлаш учун эгар ёнига осилган тасма.
<i>Фишон</i> –	қўшма сўз ва сўз бирикмаларида сочувчи, тўқувчи, сепувчи маъноларида келади.



<i>Фори</i> –	1) тинч, хотиржам; 2) кутулган, озол, бўш.
<i>Фосид</i> –	бузук, ярамас; фосид хаёл – бузук хаёл, ярамас, нивогар.
<i>Фузун</i> –	зиёда, кўл, ортик.
<i>Фуруғ</i> –	ялтираш, ёруғлик, равшанлик, шугъла.
<i>Фусун</i> –	сеҳр, авраш, хийла, найранг, фириб.

## X

<i>Хайл</i> –	1) тўда, гуруҳ, тоифа; 2) эл, жамоа.
<i>Хайрбод</i> –	хайрлашиш, видолашиш.
<i>Хаффош</i> –	кўршапалак.
<i>Хешу табор</i> –	кариндош-уруғ.
<i>Хилофат</i> –	халифатик. ўринбосарлик.
<i>Хирад</i> –	ақл, идрок, фикр, тушунча.
<i>Хирадманд</i> –	ақлли, эс-хушли.
<i>Хиром</i> –	чиройлик юриш.
<i>Хирқапўш</i> –	хирка кийган, дарвиш, қуроқ тўн киявчи.
<i>Хоб</i> –	уйқу; хоби харгўш – қуён уйқуси.
<i>Хокило</i> –	оёқ ости: топталган, хор килинган.
<i>Хокистар</i> –	қул.
<i>Хома</i> –	қалам, ручка.
<i>Хон</i> –	дастурхон.
<i>Хориқ</i> –	одатдан ташкари, каромат, мўъжиза.
<i>Хоро</i> –	каттик тош, гранит.
<i>Худнамо</i> –	ўзини кўрсатишга интилувчи, шуҳратпараст.
<i>Хунфишон</i> –	қон сочувчи, қон тўқувчи.
<i>Хунхор</i> –	қон тўқувчи, қонхўр, қотил.
<i>Хуршид</i> –	қуёш.
<i>Хушилҳон</i> –	чиройли овозли, яхши куйловчи.
<i>Хуштон</i> –	яхши сўзловчи, яхши куйловчи.
<i>Хўбрий</i> –	чиройли кўз, гўзал.

## Ч

<i>Чаро</i> –	нега: чуну чаро – қачон ва нега маъноларини англатади.
<i>Чархи кажрав</i> –	тескари айланувчи чарх (дунё).
<i>Час</i> –	русча часть – қисм сўзининг бузилган шакли.
<i>Чашм</i> –	кўз.
<i>Чирк</i> –	инфлос, бўлғани, кабиҳ.
<i>Чобук</i> –	1) тез, чаққон, илдам; 2) шўх, ўйноқи, гўзал.
<i>Чова</i> –	ёғ идиш, ёғ жува.
<i>Човуш</i> –	1) сарой амалдори; 2) эшик оғаси, ясовул; 3) хизматчи, қоровул.
<i>Чокар</i> –	хизматкор.
<i>Чолок</i> –	1) келишган, нозик, хушбичим; 2) чаққон тез.
<i>Чўбин</i> –	ёвочдан ясалган.
<i>Чўғз</i> –	бойқуш, бойўғли.

### Ш

<i>Шабоб</i> —	ёшлик, йиғитлик.
<i>Шакарғуфтор</i> —	ширинсўз.
<i>Шангбаста</i> —	пўйафзалга шанг қоқиш (бу ерда бир ерда туриб қолиш маъносига ишлатилган).
<i>Шарр</i> —	ёмонлик, гуноҳ.
<i>Шадат</i> —	1) чўтал; 2) қимордан ютилган пулдан бир оз қисмини хозир бор кишиларга берилгани. лочин.
<i>Шаҳбоз</i> —	буюк подшоҳ.
<i>Шаҳриёр</i> —	шаҳар тинчини бузувчи.
<i>Шаҳрошуб</i> —	одаг, равиш, расм.
<i>Шева</i> —	шикоят, болиш.
<i>Шиква</i> —	жундан тўкилган кийим.
<i>Шолпар</i> —	тарок.
<i>Шона</i> —	Тошкентнинг эски номи.
<i>Шош</i> —	гувоҳ, хужжат, далил.
<i>Шоҳиду бурҳон</i> —	санок-хисоб.
<i>Шумор, шумора</i> —	хар турли ўйин кўрсатувчи, найрангбоз.
<i>Шуъбадагор</i> —	машғуллик, шуғулланиш.
<i>Шуғл</i> —	шухрат, машхурлик.
<i>Шухра</i> —	кўрши, мушоҳада қилиш.
<i>Шухуд</i> —	1) изтироб, хаяжон; 2) ғавғо.
<i>Шуриш</i> —	тўполон, жанжал, кўзғолон.
<i>Шўру шар</i> —	

### Я

<i>Явул-жазо</i> —	жазо куни (қиёмат)
<i>Якраг</i> —	бир тусли, ўзгармайдиган, тўғри вафодор.
<i>Ясдон</i> —	чармдан ясалган кичик сандик.
<i>Яъс</i> —	умидсизлик.

### Қ

<i>Қабзи руҳ</i> —	жон чиқиш.
<i>Қабо</i> —	эркакларнинг узун ва кенг устки кийими.
<i>Қадди хам</i> —	қадди букилган, қадди эгилган.
<i>Қайд</i> —	1) боғланиш; 2) тўсик монелик; 3) хибга олиш; 4) ёзиш, киритиш.
<i>Қаллош</i> —	1) ҳеч нарсага йўқ, дайди; 3) найрангбоз.
<i>Қамар</i> —	ой; қамар руҳсор — ой юзли.
<i>Қарн</i> —	1) ҳайвон шох; 2) аср, давр.
<i>Қиёматойин</i> —	қиёматнинг расм-одати.
<i>Қийлу қол</i> —	гап-сўз.
<i>Қирим</i>	теришнинг бир нави.
<i>Қосид</i>	хабарчи, алоқачи.
<i>Қосир</i> —	1) ожиз; 2) бирор ишни сўстлик билан қилувчи.
<i>Қудва</i>	бошлик, етакчи.
<i>Қудсий</i>	поклик, покизалик, муқаддаслик.
<i>Қудум</i> —	қадамлар.
<i>Қузот</i> —	қозилар.
<i>Қурратул-айн</i>	1) кўзнинг оқу қораси; 2) фарзанд.

*Кусур* –  
*Кутн лоямут* –

1) касрлар, саройлар; 2) айб, камчилиқ.  
ўлмагундай овкат, тирикчиликнинг ўтиши  
учун кифоя киладиган овкат.

## Ғ

*Ғаддор* –

1) алдамчи, хиёнатчи; 2) бевафо, берахм,  
золим.

*Ғамчоз* –

сир очувчи, чакимчи.

*Ғаффор* –

кечирувчи: ғаффоруз-зунуб – гуноҳларни ке-  
чирувчи (Худо).

*Ғизол* –

кийикнинг боласи, оху.

*Ғино* –

бойлик.

## Ҳ

*Ҳаводис* –

ходисалар, воқеалар.

*Ҳадаф* –

нишон, йўналиш нуктаси.

*Ҳаз* –

хузур-халоват, лаззат.

*Ҳаким* –

1) хикматли иш қилувчи, донишманд; 2) та-  
биб.

*Ҳамдунавор* –

маймунга ўхшаш, масхарабоз.

*Ҳамида* –

мақтовли, яхши.

*Ҳамоқат* –

аҳмоқлик.

*Ҳамроз* –

сирдош.

*Ҳамчу* –

шундай, сингари.

*Ҳангом* –

пайт, фурсат.

*Ҳарб* –

уруш, жанг.

*Ҳарис* –

1) хирсли, хоҳловчи; бирор нарсага қаттиқ  
берилган; 2) очкўз, тўймас.

*Ҳасан* –

чиройли, гўзал.

*Ҳасби ҳол* –

ўтмиш хақида хикоя, биография.

*Ҳафтоду ду* –

етмиш икки.

*Ҳақир* –

кичкина, тубан, кадрсиз.

*Ҳидоят* –

тўғри йўл кўрсатиш.

*Ҳижоб* –

1) парда, ораликни тўсиб турадиган нарса;  
2) уят, уялиш.

*Ҳикматнамо* –

хикмат кўрсатувчи.

*Ҳикматойин* –

дониишмандлик қондаси.

*Ҳилол* –

янги чиққан ой.

*Ҳисор* –

кўрғон, қалъа.

*Ҳодий* –

тўғри йўл, кўрсатувчи, раҳбар.

*Ҳола*

ой ва куёш атрофидаги гардиш.

*Ҳоли*

ларҳол, тезда, шу ондаёқ.

*Ҳотиф*

нўйибдан овоз берувчи, чақирувчи.

*Ҳубоб* –

сув юзида пайдо бўладиган қабарчиқ, нуфак.

*Ҳукамо* –

1) ҳакимлар, олимлар; 2) табиблар.

*Ҳумо* –

афсонавий бахт куши.

*Хуруф* –

харфлар.



## ИЗОҲЛАР

1. Бу арабча жумла Қуръони каримнинг «Юсуф» сурасидаги 12-оятдан олинган бўлиб: «Уни биз билан жўпанинг, яйраб ўйнасин!» – деган маънони англатади.

2. Бу сўз бирикмаси Қуръони каримнинг «Тин» сурасидаги 4-оятдан олинган. Оятнинг тўлиқ маъноси қуйидагича: «Ҳақиқатан биз нисонини хушбичим (шаклда) яратдик».

3. Бу мухаммас дастлаб Қўқонда чиқадиган «Тирик сўз» газетасининг 1917 йил 2 апрелдаги 1-сонидан босилган. Шундан кейин шеър Тошкентда чиқадиган «Нажот» газетасининг 1917 йил 17 май 4-сонидан ўзгаришсиз қайта босилган. Лекин Завқий «Танланган асарлар»нинг 1958 ва 1960 йилларда босилган ҳар икки нашрида ҳам бу мухаммаснинг 2-бандидан бошқа ҳамма бандлари шўро мафқурасига мослаб, ўзгартириб чиқарилган. Масалан, мухаммаснинг 3-банди мазкур нашрларда қуйидагича «ислоҳ» қилинган:

*Зулматда ётган элиш(нг) ёндурдилар чароғин,  
Маҳкам тутинг, бу фурсат қиймат анинг яроғин,  
Истанг амаллик олим – раҳбарларин сўроғин,  
Очинг аҳолиларин(нг) гафлатда қар қулоғин,  
Бас энди сусткашлик, журъатга кўз очайлик!*

Қолган бандлар ҳам шу тарзда таҳрир қилинган. Биз мазкур мухаммас матнини нашрга тайёрлашда шоир ҳаётлик чоғида босилган ҳамда унинг ҳеч қандай эътирозига сабаб бўлмаган «Тирик сўз» газетасидаги нусхага асосландик.

4. Бу мухаммас аслида 7 банддан иборат бўлса-да, Завқий «Танланган асарлар»нинг 1958 ва 1960 йиллардаги нашрларда унинг уч банди тушириб қолдирилган. Бу ҳақда қўқонлик адабиётшунос олим, филология фахлари номзоди Рустамжон Тожибоев «Ўзбек тили ва адабиёти» журналининг 1997 йил 3-сонидан эълон қилинган «Ажаб эрмас» шеърининг тўлиқ нусхаси» сарланхали мақоласида батафсил тўхталиб ўтган. Биз мазкур мухаммаснинг тўлиқ матнини нашрга тайёрлашда Р. Тожибоев томонидан эълон қилинган нусхани асос қилиб олдик.

5. Завқий «Танланган асарлар»да бу мухаммаснинг 3, 5, 8, 9, 10-бандлари тушириб қолдирилиб, қолган бандларидаги мисралар ҳам коммунистик мафқурага мослаштирилган ҳолда «таҳрир» этилиб нашр қилинган. Нашрга тайёрловчининг изох беришича, мазкур шеърининг матни ашулачи Эрка қорн бевидан ёзиб олинган нусха асосида нашрга тайёрланган. Мухаммаснинг иккинчи банди Завқий «Танланган асарлар»да қуйидагича ўзгартириб берилган:



*Тирилтирмоқ бўлиб аввал кўмилган хону бекларни,  
Ўлим чоҳига солди босмачилар бу тирикларни,  
Хисобини биллиб бўлмас куйиб ўлган ўликларни,  
Шукурким, тангари еткизди мададга большевикларни,  
Илоҳо, бахт-толиъ бўлсун энди ёр, Фаргона.*

Биз мазкур мухаммаснинг матнини нашрга тайёрлашда адабиётшунос Ахмадjon Мадаминov шахсий кутубхонасидаги ноёб қўлёзма нусхага суяндиқ.

6. Чоризм мустамлакаси даврида Қўқонда фаолият кўрсатган ака-ука Каменскийлар савдо контораси назарда тутилмоқда.

7. Бу шеър машхур фирибгар Бектур — ака-ука Каменскийлар савдо конторасининг иш бошқарувчиси Виктор Ахматовга бағишланган. Мухйи, Муқимий, Корий каби шоирларнинг Викторга бағишланган хажвиялари адабиёт тарихидан бизга маълум. Завкийнинг бу шеърини Викторга бағишланган шеърлар силсиласининг муҳим бир халқаси деб ҳисоблаш мумкин.

8. Бу шеър Завкий «Танланган асарлар»да «Роҳзан Эргаш» сарлавҳаси билан эълон қилинган бўлиб, 18 мисрадан иборатдир. Х. Раззоков «Завкий» номли китобида (Тошкент, 1955) мазкур шеър ҳақида тўхталиб, жумладан, куйидагиларни ёзган: 1917 йил ноябрь ойининг охирида Завкий 18 йўллик хажвий шеър ёзиб, Эргаш ва унинг атрофидаги қора қучларнинг ифлос башарасини очиб ташлашга уринади» (79-бет). Аслида бу шеър мулла Эргашнинг Туркистон мухторида мири асас — ҳарбий ишлар ноъзори этиб сайланишига бағишланган таърихдир. Афсуски, «Танланган асарлар»да мазкур таърихнинг асосий маъносини ифодаловчи ҳамда шоир таҳаллуси зикр этилган охириги байти тушириб қолдирилган. Биз мазкур шеърни нашрга тайёрлашда Шаҳобиддин Ясавийнинг «Туркистон аччиқ хақиқатлари» (Истанбул, 1984, 118-бет) китобидаги ўзгартирилмаган матидан фойдаландиқ. Шеър таърих жанрига мансуб бўлганлиги учун уни китобнинг «Қитъа ва таърихлар» қисмида жойлаштиришни мақсадга мувофиқ деб билдик. Шеърнинг охириги мисрасидаги «Бу ўғри эмас» жумласи моддан таърих бўлиб, ундан абжад ҳисобида ҳижрий 1336 санаси келиб чиқади. Бу мелодий ҳисобла 1918 йилга тўғри келади.

8. Бу арабча сўз Куръони каримнинг «Фажр» сурасидаги 28-оятдан олинган бўлиб, оятнинг тўлиқ маъноси куйидагича (Эй, хотиржам нафс) қайтгин роббингга (Аллоҳ сен учун тайёрлаб қўйган неъматлардан рози бўлган ҳолингда ва севдан Аллоҳ (бу дунёда қилган ибодат ва тоатларингдан) рози бўлган ҳолда («Тафсири Хилол», 30-Амма пораси, 113-бет).



## М У Н Д А Р И Ж А

Халқларвар шоир (сўзбоши) . . . . .	3
Ғазаллар . . . . .	9
Мухаммаслар . . . . .	59
Мусаддас . . . . .	91
Маснавийлар . . . . .	95
Ҳажвий шеърлар . . . . .	101
Қитъа ва таърихлар . . . . .	147
Саёҳатнома ва шеърӣ мактублар . . . . .	155
Луғат . . . . .	158
Изохлар . . . . .	173



**ЗАВҚИЙ**  
**АЖАБ ЗАМОНА**

«Шарқ» нашриёт-матбаа  
акциядорлик компанияси  
Бош тахририяти  
Тошкент — 2003

Мухаррирлар *И.Шоймардонов, Д.Исмоилова*  
Рассом *А.Мусахўжаев*  
Техник муҳаррир *Д. Габдрахманова*  
Саҳифаловчи *М. Анхамова*

Термига берилди 21.11.2003. Босмига рухсат этилди 4.12.2003.  
Бичими 84X108<sup>1</sup>/<sub>16</sub>. Петербург гарнитураси. Офсет босма. Шартли  
босма табоғи 9,24. Нашриёт-хисоб табоғи 9,0. Адади 5.000 нусха. Бу-  
юртма № 5600. Баҳоси келишилган нарҳда.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахо-  
наси, 700083. Тошкент шаҳри, Буюк Турон, 41.

